

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 821.512.133-3

БУМАТОВА АИДАХОН МЕРГАНОВНА

**ШАРҚ ЛИРИК ЖАНРЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДА
ШАКЛИЙ-СЕМАНТИК ВА ПОЭТИК УЙҒУНЛИК (ҒАЗАЛ ВА
РУБОИЙ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори, профессор

Сирожиддинов Шухрат Самариддинович

Тошкент-2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ШАРҚ ВА ҒАРБ: ШЕЪР ТИЗИМИДАГИ ТАФОВУТЛАР ВА УЙҒУН ТАРЖИМА МУАММОСИ	13
1.1. Лирик жанрлар таржимасининг ўзига хос жиҳатлари ва муаммолари	13
1.2. Шеърий матн таржимасида уйғунликка эришиш муаммо сифатида	28
I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР	50
II БОБ. ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА УЙҒУНЛИК КАТЕГОРИЯСИ	52
2.1. Ғазал таржимасида шаклий-семантик уйғунликка эришиш	52
2.2. Ғазал таржимасида поэтик уйғунликка эришиш	76
II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР	95
III БОБ. РУБОИЙ ТАРЖИМАСИДА УЙҒУНЛИК КАТЕГОРИЯСИ	97
3.1. Рубоий таржимасида шаклий-семантик уйғунлик	97
3.2. Рубоий таржимасида поэтик уйғунликка эришиш	116
III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР	139
ХУЛОСА	141

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Шарқ адабиётига қизиқиш унинг ўзига хос романтизми, жозибадор рухий-маънавий лаззат ва завқ манбаи бўлган оҳанги ва фалсафий маънодорлиги туфайли ҳамisha катта бўлган. Мусулмон Шарқининг буюк шоирлари томонидан яратилган мумтоз асарлар жаҳонда умумбашарий қадриятларни тарғиб этиш, инсон камолоти билан боғлиқ идеалларни куйлаш орқали кишилиқ жамияти тараққиётига хизмат қилган. Дарҳақиқат, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучи беқиёс”¹.

Дунёда оммавий маданият, хусусан, постмодернизм иллатлари инсон тарбиясига ўз таъсирини ўтказётган бир даврда Шарқ адабиётига бўлган эътибор янада кучаймоқда. Ўз вақтида таржима орқали Ғарб адабиётига кириб келган, Гёте севиб ўқиган ва қаттиқ таъсирланган Ҳофиз ғазаллари бугун чет элларда яна машҳур бўлмоқда. Форс адабиётининг машҳур сиймолари Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий асарлари таржима воситасида минглаб европаликларнинг сеvimли китобларига айланиб улгурди. Бироқ, минг афсуски, ўзбек мумтоз адабиёти намуналари коммунистик тузум мафкураси туфайли ғарб тилларига таржима қилинмади ва чет эл китобхонлари учун номаълумлигича қолди. Ҳолбуки, Алишер Навоий, Лутфий, Захириддин Бобур, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Фурқат, Амир Умархон, Нодирабегим, Увайсий, Феруз каби яна ўнлаб ўзбек шоирларининг асарлари жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан муносиб ўрин олиши мумкин эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, айрим фидойи ўзбек таржимонларининг ташаббуси билан Алишер Навоий ғазалиётини инглиз

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2020 йил 21 май, №106 (7608).

тилига таржима қилиш ҳаракати бошланди¹. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда танила бориши чет элларда ҳам Алишер Навоий ижодини таржима қилишга бўлган қизиқишнинг ошишига олиб келди². Шу билан бирга, шеърий таржима соҳасида етарли назарий ва амалий ишланмаларнинг йўқлиги мумтоз лирика намуналарини таржима қилиш кўламини талаб даражасига олиб чиқиш имконини бермаётир. Ғазал ва рубоий жанрларини бевосита ўзбек тилидан бошқа тилларга таржима қилиш ҳали ўзининг ибтидоий босқичидадир. Уни тезлаштиришга хизмат қиладиган бадиий таржима танқидчилиги бир жойда депсиниб турибди. Охирги йилларда таржимашунослик муаммоларига бағишланган бир қанча тадқиқотлар дунё юзини кўрган бўлса-да, таржима амалиётининг, хусусан, шеърий таржиманинг туб қатламларига чуқур кирилмади. Мавжуд шеърий таржималарнинг савияси бу соҳадаги тадқиқот ишларини жонлантиришни заруриятга айлантормоқда. Бу, ўз-ўзидан қардош халқлар, шунингдек, форс-тожик мумтоз адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш бобида тўпланган жаҳон тажрибасини ўрганиш долзарб муаммо эканлигини билдиради. Шу нуқтаи назардан уларни қиёсий-чоғиштира усулда ўрганиш ва ўзбек мумтоз шеърияти таржимачилигининг назарий ҳамда амалий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилдириш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди. Шарқ бадиий санъатларини инглиз тилида қайта яратиш, ғазал ва рубоий оҳанги, ритми, мусиқийлиги ва шу каби хусусиятларини таржимада сақлаб қолиш имкониятларини чуқур тадқиқ этиш мазкур тадқиқотнинг зарурийлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7

¹Уммондан дурлар. Навоий шеъриятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарқ нашриёт-манбаа концерни, 2000; Sultanova D. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro‘z nashriyoti, 2015; Алишер Навоий: 100 танланган ғазаллар таржимаси (ўзбекча-инглизча). Таржимон: Б.Холбекова, Масъул муҳаррир: Қ.Маъмуров. – Т.: ЎДЖТУ., 2019.

²Alisher Nava'i: The language of the birds (Lison ut-tayr). Tarjimonlar: G.Dik, N.Qambarov, T.Mahmudxo'jayev. – Т.: Yoshlar nashriyot uyi, 2018; Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016.

февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси, 2020 йил 20 майда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида адабиётнинг таъсир кучини ошириш бўйича топшириқлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар шеъринг таржима бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбекистонда бу соҳада илмий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борган олимлар сирасига Ғ.Саломов, Н.Комилов, З.Исомиддинов, М.Бақоева, Ш.Сирожиддинов, Р.Ширинова, Г.Одилова, С.Олимов, М.Собиров, Э.Очилов, Р.Каримов, А.Абдуллажонов, Д.Ҳошимова, Т.Сайдалиев, З.Тешабоева, С.Шукруллаева, Қ.Сидиқовларни киритиш мумкин¹. Мазкур олимлар томонидан олиб

¹Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966; Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1980; Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. –Т.: Фан, 1980; Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Исомиддинов З. Не қилайин сенинг била, эй тил. “Ёшлик” журнали, 2017 йил, № 1 (308). –Б. 26-29; Бақоева М.Қ. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеъринг таржима ва киёсий шеършунослик муаммолари: филол. фан. д-ри. ... дис. – Т.: 2004; Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Mumtoz so‘z, 2011; Одилова Г.К. Инглиз ва

борилган тадқиқотлар шеърӣ матн таржимаси соҳасига катта ҳисса кўшганини таъкидлаш лозим. Форс тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан рус ва инглиз тилларига шеърӣ матнлар таржимасини амалга оширишда шеърӣ тизимларнинг хусусиятлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, шеършуносликнинг таркибий қисмлари бўлмиш шакл, шоир нутқи, ритм, вазн, қофияга алоқадор масалалар юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Бирок уларда мумтоз шеърӣ матнларни инглиз тилига ўгиришда муҳим ўринга эга бўлган аслият ва таржима матнлари орасидаги шаклий-семантик ва поэтик уйғунликка эришиш илмий муаммо сифатида махсус ўрганилмаган.

Дунё таржимачилигида шеърӣ таржима соҳасида анча ишлар амалга оширилган. Уларда, асосан, роман-герман ва славян тиллариаро таржимада аслият матни маъносини қайта тиклаш ва талқин қилиш жараёнлари ўрганилган бўлиб, таржима сифатини аниқлашнинг бош мезонлари сифатида адекватлик ва эквивалентлик категориялари атрофида баҳс юритилган. Шарқ тиллари, хусусан, туркий тиллардан инглиз тилига шеърӣ таржима қилиш назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқотлар деярли учрамайди. Л.В. Кушнина ва С.С.Назмутдинова томонидан илгари сурилган таржимон макони концепциясида гармоник таржима тушунчаси киритилган. Уларнинг

ўзбек мумтоз шеърӣ таржималарида адекватлик муаммолари: филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 2011; Ширинова Р.Х. Диний реалияларни бадий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбекча таржималари мисолида): филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 2002; Ширинова Р.Х. Олам манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши: филол. фан. докт. ... дис. – Т.: 2017.; Олимов С.Х. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навои: дис. на соискание уч. степ. кан. филол. наук. – Т.: 1985; Собиров М. “Бобурнома” Виллур Текстон таржимасида: филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 2001; Очиллов Э. Рубоӣ таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: филол. фан. номз. ... дисс. – Т.: 1994; Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: филол.фан.ном. ... дисс. – Т.: 2003; Абдуллажонов А.Х. Навоӣ бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 1998; Ҳошимова Д.М. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда “Бобурнома” танқидий матнларининг япон нашрлари мисолида): филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 2006; Ҳошимова Д.М. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: филол. фан. докт. ... дис. – Т.: 2018; Сайдалев Т.Х. Бобур лирикаси бадииятининг русча таржималаридаги талқини: филол. фан. номз. ... дис. – Т.: 2007; Тешабоева З.Қ. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирикмалар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: филол. фан. фалсафа докт. ... дис. – Т.: 2017; Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах: дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: 1989; Сидиков Қ. “Кутадғу билиғ” тўртликларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2010.

карашлари бўйича, маъно сатҳлари орасидаги синергетик муносабатни ўрнатиш таржимада уйғунликни таъминлайди¹.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Жаҳон илм-фани таракқиётида таржимашуносликнинг аҳамияти” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғазал ва рубоий жанрларини инглиз тилига таржима қилишда уйғун таржимага эришиш жараёнини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шарқ лирик жанрлари, хусусан, ғазал ва рубоийларни инглиз тилига таржима қилишдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш;

ғазал ва рубоий таржимаси сифатини сушлаштирадиган асосий омилларни аниқлаш;

лирик матнлар таржимаси сифатини аниқлашнинг мавжуд мезонларини такомиллаштириш;

шеърий матн таржимасида “уйғунлик” категориясини илмий асослаш;

лирик матнлар таржимаси сифатини аниқлашнинг мавжуд мезонларини таҳлил қилиш, шеърий тизимлар ва жанрлар орасидаги фарқларнинг шеърий таржима сифатига таъсирини ўрганиш;

ғазал ва рубоий матнининг бевосита ва билвосита амалга оширилган турли таржима вариантларини ўзаро қиёсий таҳлилга тортиш орқали шаклий-семантик ва поэтик уйғунликка эришиш борасидаги тажрибаларни умумлаштириш;

¹Кушнина Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: дис... д-ра филол. наук. – Пермь, 2004; Назмутдинова С.С. Гармония как переводческая категория (на материале русского, английского, французского кинодискурса): дис. на соискание уч. степ. кан. филол. наук. – Тюмень, 2008; Гончар Н.Г. Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект: дис. на соискание уч. степ. кан. филол. наук. – Тюмень, 2009; Георгиева Н.Ю. Адаптивные стратегии трансляции темпоральных смыслов: на материале англоязычного и русскоязычного делового дискурса: дис. на соискание уч. степ. кан. филол. наук. – Тюмень, 2013.

ғазал ва рубоий матнларини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда уйғунликни таъминлашнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида В.Лейден-В.Эрскин, Анет Бевериж хоним, Вилер Текстоун, Стенли Лейн-Пулл, Фернанд Гренард ва Ҳеролд Лэмб томонидан “Бобурнома” таржималари доирасида амалга оширилган шеърий парчалар, Умар Хайёмнинг инглиз тилига таржима қилинган рубоийларидан намуналар, Леонид Кметюк, Қосимжон Маъмуров, Динара Султонова, Деннис Дейли томонидан Навоий ғазаллари ва рубоийларидан қилинган таржималар, шунингдек, Паҳлавон Маҳмуд қаламига мансуб рубоийларнинг Аъзам Обидов томонидан инглиз тилига ўгирилган таржималари олинди.

Тадқиқотнинг предметини шарқ лирик жанрлари, хусусан, ғазал ва рубоийни инглиз тилига таржима қилишда шаклий-семантик ва поэтик уйғунликни таъминлаш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таржима матнларини қиёсий-чоғиштирма, контекстуал-тавсифий, поэтик структур ва лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ғазал ва рубоий матнининг бевосита ва билвосита амалга оширилган турли таржима вариантларини ўзаро қиёсий таҳлилга тортиш орқали Шарқ лирик жанрлари, хусусан, ғазал ва рубоийларни инглиз тилига таржима қилишдаги мавжуд муаммолар мисоллар асосида очиб берилган;

шаклий-семантик ва поэтик уйғунликка эришиш борасидаги тажрибаларни умумлаштириб, соҳа ривожини таъминлашга қаратилган назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

шарқ лирик жанрларининг инглиз тилига қилинган таржималарида шаклий-семантик ва поэтик матнлар сифатини баҳолаш учун илк марта “уйғунлик” категорияси киритилган ва илмий далилланган;

шарқ лирикаси, хусусан, туркий ғазал ва рубоий жанри намуналарини инглиз тилига таржима қилиш жараёнида қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлган асосий тамойиллар ишлаб чиқилган;

ғазал ва рубоий матнларининг билвосита ва бевосита амалга оширилган турли таржима вариантларининг ўзаро қиёсий таҳлили асосида шаклий-семантик ва поэтик уйғунликни келтириб чиқарадиган омиллар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шеърий таржимага уйғунлик категорияси нуқтаи назаридан баҳо берилган;

бир ғазал ва рубоийнинг турли таржима вариантлари ўзаро қиёсий таҳлил этилган;

ўзбек мумтоз адабиёт намуналарини инглиз тилига таржима қилишда модел сифатида қаралиши мумкин бўлган форс тилидан инглиз тилига амалга оширилган таржималар тажрибаси таҳлилий ўрганилган;

инглиз тилига таржима қилинган ғазал ва рубоийларнинг матнлари таҳлилга тортилган ва улар асосида уйғун таржима матнини яратиш учун қўл келадиган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг шеърий таржима соҳасида олиб борган илмий изланишларига оид фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, уларнинг таҳлилий тадқиқи натижасида республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мусулмон шарқи лирик жанрлари бўлмиш ғазал ва рубоийларнинг инглиз тилига қилинган таржималарини қиёслаб ўрганиш, аслият ва таржима матнлари орасидаги шаклий-семантик ва поэтик мутаносиблик бўйича ўзбек-инглиз чоғиштирма шеърий

таржимашунослигида биринчи марта уйғунлик категорияси нуктаи назаридан илмий хулосалар чиқарилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан ўзбек адабиётидан инглиз тилига кичик лирик жанрларга мансуб намуналарни таржима қилиш, таржима материалларидан таржима назарияси ва амалиётига бағишланган махсус курслар ташкил этишда, ўқув ва услубий адабиётлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ лирик жанрларининг инглизча таржималарида шаклий-семантик ва поэтик уйғунлик тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Алишер Навоийнинг “Унутмоғилки то ҳажр этти бедод”, “Қон ёшум сориг юз узра ошкор этти фироқ”, “Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ” ва “Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек” мисралари билан бошланувчи ғазаллари таржимасидан “Жаҳон адабиёти” журналининг “Навоий сабоқлари” рукнида фойдаланилган (“Жаҳон адабиёти” журнали 2020 йил 6 июндаги 56-сон маълумотномаси). Натижада журнал рукни уйғун таржима тамойиллари асосида амалга оширилган шеърый таржималар билан бойитилган;

аруз вазнидаги ғазал ва рубоийларнинг инглиз тилига уйғун таржима қилиш тамойиллари асосида амалга оширилган Э.Воҳидовнинг “Инсон” қасидаси таржимасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан аруз вазнида битилган асарларни таржима қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 3 июлдаги 01-03-01/625-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётини хорижда тарғиб этиш ишлари самарадорлиги ошишига хизмат қилган;

поэтик ифода усулларини таржимада сақлашга оид қарашлар, қофия, радиф ва бадий санъатларнинг қўлланилиш тамойилларига доир илмий-назарий хулосалардан Бокудаги Озарбайжон Фанлар академиясининг Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтида ўзбек адабиётини ўрганувчилар учун ташкил этилган ўқув машғулотлари дастурини

тайёрлашда фойдаланилган (Озарбайжон Фанлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2020 йил 15 августидаги 55-сон маълумотномаси). Натижада ғазал ва рубойлар ҳамда ўзбек шоирларининг жаҳон адабиётидаги ўрни ҳақида талабаларда зарур билим ва кўникмалар шакллантирилган;

тадқиқот мазмуни юзасидан эълон қилинган мақолалардаги муҳим илмий-назарий хулосалардан “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамиятининг 56-01/10-сон лойиҳаси доирасида чоп этилган “Pilgrimage places and scared shrines in Uzbekistan” инглиз тилидаги мобил илованинг таржимасида фойдаланилган (“Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамиятининг 2020 йил 29 сентябрдаги 55-сон маълумотномаси). Натижада илова таржимасига киритилган матнларда шаклий ва поэтик маъноларнинг уйғунлигини таъминлашга эришилган;

ғазал ва рубой матнларини инглиз тилига уйғун таржима қилишга оид тавсия ва илмий хулосалардан ИТД-1-098 рақамли “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамияти” (2012-2014) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 89-03-3306 сон маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий ғазалларидаги маънавий ва ахлоқий қарашлар уйғун таржимасининг бойишига асос бўлган;

Алишер Навоий ғазалларининг инглизча таржималаридаги бадиий санъатларни қайта тиклашга доир хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” ДУК телерадиоканалида эфирга узатиладиган “Навоийни англаш” ва “Шоҳ ва шоир” дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 23 июндаги 02-14-679-сон маълумотномаси). Натижада теледастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий мақола, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

І БОБ. ШАРҚ ВА ҒАРБ: ШЕЪР ТИЗИМИДАГИ ТАФОВУТЛАР ВА УЙҒУН ТАРЖИМА МУАММОСИ

1.1§. Лирик жанрлар таржимасининг ўзига хос жиҳатлари ва муаммолари

Таржима назарийчилари томонидан шеърий таржимани амалга оширишда амал қилиш керак бўлган бир қанча қоидалар ишлаб чиқилган¹. Бундай қоидалар, назарийчи олимларнинг фикрича, биринчи навбатда, шеърий матн тузилиши хусусиятлари билан боғлиқдир. С.Ф. Гончаренконинг фикрича, “шеърий матнни таржима қилишда, авваламбор, таржимоннинг мақсади, яъни матннинг айнан қайси компонентини таржимада тиклашга ҳаракат қилаётганидан келиб чиқиши лозим. Таржимон ҳар қандай поэтик матнни стилистик, семантик ва прагматик аспектларда тенг қайта яратиши лозим. Агар бу аспектлардан бирортаси таржимада устунлик қила бошласа, поэтик таржимани ҳосил қилишнинг иложи қолмайди.

Таржимон томонидан аслият матнининг стилистикасига урғу бериш, таржима формализмига, маъносини сўзма-сўз ўгириш тағламага, прагматик сатҳнинг ошиб кетиши эса, миллийлаштиришга олиб келиши мумкин². Олим поэтик таржима, шеърий таржима ва шеърий матн лафзларини фарқлаб кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, шеърий матн таржимасини қуйидагича таърифлайди:

¹Алексеева И. С. Текст и перевод: Вопросы теории. – М.: Международные отношения, 2008; Алякринский О.А. Поэтический текст и поэтический смысл // Тетради переводчика. – М.: Высшая Школа, 1982. – С. 20-32; Белый А. К вопросу о ритме. Ритм и смысл // Структура и семиотика художественного текста. Ученые записки Тартуского университета. – Тарту, 1981. – С. 112-146; Гаччиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Сов. писатель, 1972; Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии: константы и вариативность. [Электрон манба]: http://samlib.ru/w/wagapow_a_s/poetictransl.shtml; Найда Ю. О науке переводить // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М.: Международные отношения, 1978. – С. 114-137; Гончаренко С.Ф. Информационный аспект межъязыковой поэтической коммуникации // Тетради переводчика. – М.: Высшая Школа, 1987. – С. 38-49; Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии: константы и вариативность // Тетради переводчика. – М.: МГЛУ, 1999. – С. 108-111; Жирмунский В.М. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975.; Казарин Ю.В. Филологический анализ поэтического текста. – М.: Академический проект, 2004.; Лукин В.А. Художественный текст. Основы лингвистической теории. Аналитический минимум. – М.: Ось-89, 2009; Москвин В.П. Теоретические основы стиховедения. – М.: Либроком, 2009; Тынянов, Ю. Н. Проблема стихотворного языка. – М: URSS, 2007; Finch, A. The Ghost of Meter: Culture and Prosody in American Free Verse. – Michigan University Press, 1993; Hollander J. Vision and Resonance: Two Senses of Poetic Form. – Yale University press, 1985; Wesling D. The Chances of Rhyme: Device and Modernity. –University of California Press, 1980; Wimsatt J. Rhyme, Reason, Chaucer, Pope, Icon, Symbol // Modern language Quarterly, 1994. Vol. 55 (1). – P. 17-46.

²Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии: константы и вариативность // Тетради переводчика: науч.-теор. сб. под ред. С.Ф. Гончаренко. – М.: МГЛУ, 1999. – С. 107-122.

1. Поэтик таржима – муаллиф ва рецептор орасидаги шеърий матн воситасида амалга ошадиган поэтик мулоқот воситаси бўлмиш лирик парча таржимасидир.

2. Шеърий таржима – лексик ва стилистик нуқтаи назардан аслият матнига эквивалент сўз ва иборалар қўлланилган, аммо аслият матнининг асосини ташкил этувчи эстетик таркибни ўзида акс этмаган таржима туридир.

3. Филологик таржима – аслият матнининг маъносини тўлиғича рецепторга етказишни мақсад қилиб қўйган, шеърий асарнинг насрий таржимасидир¹.

Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай поэтик таржима – бир вақтнинг ўзида шеърий матндир. Шеърий матн – мисраларга ажратилган бўлади, аммо поэтик матн бунга қўшимча равишда ритм, қофия, вазн ва фонетик қурилиш каби унсурлардан ташкил топади. Шундай қилиб, бу турдаги таржима бир тилда яратилган поэтик матннинг ўзга тилда поэтик матн кўринишида яратилган шаклидир. С.Ф.Гончаренко бу жараёнда таржимон аслият матнига эквивалент бўлган маъно ва эстетик таржима матни яратиш тарафдори бўлса-да, баъзан, шеърнинг маъносини тўғри қайта яратиш учун аслиятда бўлмаган шакл ва тил услубини қўллаши мумкинлигини айтиб ўтади. Демак, поэтик таржима – шеърнинг кенг омма учун қилинган таржимаси бўлиб, у бир вақтнинг ўзида таржима тили адабиётига таъсир ўтказиш ва тил ҳамда миллатларни ўзаро яқинлаштириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Шеър таржимасида шаклнинг сақланишига қатъий риоя қилишнинг тарафдори бўлмиш рус адабиётшуноси ва танқидчиси Н.С.Гумилев шеър таржимасида уч ёндашувни қайд этади:

1. **Ҳаваскорона эркин таржима.** Мутаржим аслият матнини мутлақо ўзи билганича талқин қилади, аслият тилидан анча йироқ бўлган, ўзи хоҳлаган сўз ва ибораларни қўллайди, аслиятнинг қофияланишини ўз таъбига

¹Гончаренко С.Ф. Ўша асар. – С. 110.

кўра ўзгартиради, мисралар сонини хоҳласа кўпайтиради, хоҳласа камайтиради.

2. **Ҳаваскорона бўлса-да, илмий асосга эга таржима.** Бу турдаги таржимада ҳам юқорида келтирилган ҳолатлар қайтарилади, аммо шеър бегона тилда ҳам ўқимишли ва тушунарли чиқади. Буни рус тилига қилинган таржима мисолида шундай ифодалаш мумкин: “агар шоир рус тилида ёзганда, айнан шундай ёзган бўларди”.

3. Вазни ўзгартирувчи таржима – баъзи одамлар битта вазн ва туроқни бошқаси билан алмаштириш мумкин деб ўйлашади, масалан, олти туроқлини беш туроқли билан; қофиялардан воз кечиш, янги образлар киритиш ва хоказо. Аммо яхши шоир руҳиятни ифода этишнинг ягона усули сифатида айни шаклдан фойдаланади¹.

Олим шеърий таржимон амал қилиши лозим бўлган тўққиз тамойилни кўрсатиб беради. Унга кўра, поэтик таржима жараёнида қуйидагиларнинг сақланиши муҳимдир:

1) сатрлар сони; 2) вазни; 3) қофиялар кетма-кетлиги; 4) тугалланмаган фикрнинг бошқа мисрага ўтказилиш хусусияти; 5) қофиялар табиати; 6) сўз бойлиги; 7) таққослаш тури; 8) махсус техникалар; 9) тонларнинг кўчирилиши².

Кичик лирик жанрлар насрий асарларга қараганда шаклан қисқа бўлса-да, прозада ёзилган ўнлаб, гоҳида эса юзлаб саҳифаларда баён этиладиган ғоя ва мақсадни мўъжаз мисралар ёки байтлар мағзига сингдира олиши билан фарқланади. Ҳар қандай матннинг асосий мақсади муаллиф ва ўқувчи ўртасида мулоқотни шакллантиришдир. Бу турдаги коммуникациянинг амалга ошишидаги асосий талаб ундаги фикрнинг тугал ва тушунарли бўлиши билан белгиланади. Шеърий матннинг насрий асарлардан яна бир фарқи ундаги фикрлар ва ифода этилаётган ҳиссиётларнинг сиқик бўлишидадир.

¹Гумилев Н.С. Собрание сочинений в четырехтомах. Т. 4. – М.: Художественная литература, 1991. – С. 194-196.

²Гумилев Н.С. Ўша асар. – С. 194-196.

Кичик ҳажм ичида оҳанг ва чуқур маънони бера олиш учун шоирлар шеърий матнларда композицион ва синтактик параллелизм, образлилик, ритмик ва оригинал шаклий қурилмалардан фойдаланадилар.

“Бадиий нутқнинг поэтик тузилиши бўлмиш шеърият поэтик таржима тамойилларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Шеърий нутқ муайян бир ўлчов асосидаги ритмга эгаллиги, муסיкий жаранги, ҳиссиёти билан қолган нутқ турларидан фарқланади”¹. Таржимон, гарчи, муаллифликка даъво қилмасида, қайсидир маънода, аслият услуби, тили, оҳанглари ва ритмни қайта яратувчи иккинчи муаллиф ҳисобланади.

Шеър ритмини таъминловчи жиҳатларни Е.Г.Эткинд қуйидагича таснифлайди:

- урғулар ритми ёки метрик ритм;
- каталектика ёки очик ва ёпиқ бўғиннинг бирин-кетин қўлланилиши;
- мисра охиридаги қофиядошлик;
- силлабик ритм ёки бўғинлар сонининг тенглиги;
- паузалар ритми;
- мисра ичидаги ҳамоҳанглик ритми;
- урғулар ритми;
- синтактик ритм ёки синтактик параллелизм;
- строфа ёки мисралар ритми².


Албатта, шеърий матн таржимасида юқоридаги таснифни тўлиқ қўллашнинг иложи йўқ. Шу нуқтаи назардан таржима жараёнида қуйидаги уринишлар нотўғри ҳисобланмайди:

1. Матннинг бир қисми қайта тикланмайди ва таржимага киритилмайди.
2. Матннинг бир қисми ўз шаклида эмас, балки турли хил ўзгаришларга учраган шаклда қайта яратилади.
3. Аслият матнида бўлмаган янги унсурлар киритилади.

¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 358.

² Эткинд Е.Г. Ритм, пространство и время в литературе и искусстве // Ритм поэтического произведения как фактор содержания. – Л.: Наука, 1974. – С. 104-120.

Шундай бўлса-да, аслият тилида муайян қийматга эга бўлган матн билан ишлаётган таржимоннинг ҳар иккала матн орасида шаклий-семантик ва поэтик яқинликни таъминлаши, таржимада бадиий яхлитликни таъминловчи шакл ва маъно бирлигини яратиши, яъни ўқувчига муаллифнинг ижодий фикри, ғояси ва тасвирларининг нозик қирраларини етказишга ҳаракат қилиши таржима жозибаси ва ўқимишлилигини оширади. Бу жараёнда таржимонга икки тил хусусиятлари ўртасидаги номувофиқликлар жиддий ҳалақит беради. Бу номувофиқликлар лингвистик ва экстралингвистик табиатга эга бўлиб, таржима жараёнидаги катта муаммолардан саналади. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:



1. Фонетик-фонологик сатҳдаги номувофиқликлар. Шеър таржимасида оҳангни таъминлаш таржимон ечиши лозим бўлган энг қийин муаммолардан биридир. Сўзларнинг шаклий қобиғи саналмиш ҳарфлар ва уларнинг талаффуздаги кўриниши бўлмиш товушларнинг аслият ва таржима тилларида ўзаро яқинлиги таржиманинг рецептор томонидан осон қабул қилиниши ва таржиманинг сифатли чиқишига хизмат қилади. Қардош тиллар орасида фонетик яқинлик бор. Бироқ Шарқ ва Ғарб тиллари орасида бир хил товушлар тизими мавжуд эмас. Шу жиҳатдан бир тилда товушлар ёрдамида яратилган эстетик гўзалликни иккинчи тилда айнан узатишнинг имкони йўқ.

Эркин Воҳидов қаламига мансуб қуйидаги шеърда, эътибор берилса, “қ” товушини такрор келтириш орқали ўйноқи ритм яратилган. Гўё мазкур ундош (оҳангдош) товушлар байтдаги сўзларга улашиб чиқилгандек тасаввур пайдо қилади¹. Бу шеърни инглиз тилига шундай ўйноқи оҳангда етказиш жуда қийин масала. Масалан, шеърнинг икки мисраси ва унинг сўзма-сўз таржимасини келтирамиз:

Аслият:

Қаро қошинг, қалам қошинг

Қийиқ қайрилма қошинг қиз²

Таржима:

Your black eyebrow, your colored eyebrow

Your bonny arched eyebrow, maid

Бу таржима матнида аслиятдаги “қ” товушининг такрорини сақлашнинг иложи йўқ. Зеро, шеърдаги калит сўз ва тушунчалар бўлмиш “қаро, қош, қиз” кабиларнинг бирортаси инглиз тилига “қ” ҳарфи билан бошланадиган сўзлар билан таржима қилинмайди. Бундан ташқари, уларни бир ҳарф билан бошланадиган инглизча сўзлар воситасида ҳам бериб бўлмайди.

2. Лексик сатҳдаги номувофиқликлар. Шеъринг матн, айниқса, мумтоз лирик жанрлар таржимони зиммасида катта масъулият бор. Замонавий шеъринг намуналаридан фарқли равишда, мумтоз асарлар “тили” пировард таржиманинг сифатига тўғридан-тўғри таъсир этувчи унсурдир. Ҳазал ва рубоий матнларини инглиз тилига таржима қилиш жараёнида аслият ва рецептор тилларининг лексикаси ўртасидаги мавжуд фарқлар кўп учрайди. Бу аслиятда яратилган образларни таржима тилига уйғун тарзда узатишда тўсиқ бўлади. Тиллар орасида бир-бирига номувофиқ келадиган лексиканинг катта қисмини реалиялар ташкил этади. Масалан, Ҳазал ва рубоий матнларидаги қуйидаги сўз ва ибораларнинг инглиз тилида таржимаси мавжуд эмас.

¹Раҳмонова Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърини арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллидаги ўрни. PhD диссертация автореферати. – Тошкент: Oltin bitiklar, 2020. – Б. 16.

²Воҳидов Э. Ўзбегим: Шеърлар. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 5.

Ошиқ образини таърифлашда ишлатилувчи сўзлар	Маъшуқа образини таърифлашда ишлатилувчи сўзлар	Кундалик жихозларни таърифлашда ишлатилувчи сўзлар	Жой номларини таърифлашда ишлатилувчи сўзлар
<i>Ошиқ</i>	<i>Сарвиноз</i>	<i>Ҳизр суйи</i>	<i>Фироқ тоғи</i>
<i>Ошуфтаҳол</i>	<i>Оромижон</i>	<i>Жоми жам</i>	<i>Хажр водийси</i>
<i>Мажнунваши</i>	<i>Руҳи равон</i>	<i>Муг</i>	<i>Бало тоғи</i>
<i>Шаҳид</i>	<i>Раъноқад</i>	<i>Шаъми раҳмат</i>	<i>Маломат дашти</i>
<i>Покбоз</i>	<i>Пари рухсор</i>	<i>Гуллоб</i>	<i>Дилистон</i>
<i>Бехонумон</i>	<i>Париваши</i>	<i>Ҳулла</i>	<i>Найситон</i>
<i>Мажнунваши</i>	<i>Пари-найкар</i>	<i>Кафан</i>	<i>Хонақо</i>

Бу каби сўз ва иборалар ғазал ва рубоий матнларининг деярли ҳар бирида учрайди. Уларнинг инглиз тилида эквиваленти йўқ.

3. Синтактик сатҳдаги номувофиқликлар. Бу турдаги муаммолар тиллар ўртасидаги гап қурилишида гап бўлақларнинг синтактик боғланишидаги фарқлардан келиб чиқади. Ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча қилинган таржималарда, бу сатҳдаги муаммоларнинг долзарблиги яққол намоён бўлади. Бундан ташқари инглиз тилидаги предлог ва артикл каби ёрдамчи сўз туркумлари ўзбек тили учун хос эмас. Демак, тилларнинг синтактик сатҳидаги номутаносибликдан келиб чиққан ҳолда, таржима жараёнида гапдаги сўзларнинг айнан боғланиш тартибини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди. Шеъринг матнларнинг ўзига хос қурилиши, инверсия ходисалари, гап бўлақларининг туширилиб келиши каби ҳолатларни аслият матнларида қўплаб учратиш мумкин. Мисол:

*Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо бўлмаса,
Найлайн саҳбони бир гул мажлисоро бўлмаса¹.*

¹Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1997. – Б. 18.

Л.Кметьюк таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
I need no flower if there is no wine in our circle,	Агар даврамизда май бўлмаса, менга ҳеч қайси гул керак эмас,
What do I need wine for if one flower is missing among the guests? ¹	Менга май нега керак агар меҳмонлар ичида битта гул бўлмаса.

Юқорида инверсия кўринишида бошланган байт инглиз тилига тўғри сўз тартиби билан таржима қилинган. Иккинчи мисрада эганинг белгисиз келиши сақланмаган.

Д.Дэли таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Petals adorn nothing without wine's blush of joy.	Гул барглари майнинг қизғиш рангли хурсандчилигисиз, ҳеч нарсани безамайди,
Why drink wine in the absence of beauty's pure joy? ²	Гўзалнинг соф хурсандчилиги бўлмаган жойда, ичишга нима ҳожат?

Таржимон мазкур байтда шаклни сақлашга эришган бўлса-да, маъно ўзгариб кетган. Яна бир мисол:

*Ёр васлига қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасун³.*

Л.Кметьюк таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
The thought of seeing her gave me joy but she dismissed me,	Уни кўришнинг ҳаёли менга хурсандчилик бахш этади,
O, Navoiy, let no man boast of his attainments ⁴ .	О, Навоий, ҳеч бир инсонни ўзининг илмидан мағрур бўлишига йўл қўймагин.

¹ Уммондан дурлар. Навоий шеърятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 126.

² Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 40.

³ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 437.

⁴ Уммондан дурлар. Навоий шеърятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 121.

Д.Султанова таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Joyously sang of my love, but she frowned, bid me wind away,	Севгилим ҳақида хурсандчилик билан куйладим, аммо у энсасини қотирди, мени шамолдек хайдади
O Navoiy let no one of his mighty power too proud be ¹ .	О Навоий, ҳеч кимсани ўзининг кудратли кучидан жуда кибрланишига йўл қўйма

Ҳар иккала таржимон ҳам “бўлмасин” сўзини “let” феълининг инкор шакли билан таржима қилишга мажбур бўлган. Бунинг сабаби ҳам, тилларда гап қурилиши қоидаларининг турли эканлигидир.

4. Лингвостилистик сатҳдаги номувофиқликлар. Бадиий тилга хос бўлган айрим сўз, ибора ва образларнинг бошқа тилда муқобили йўқлиги ёки тескари маъно бўёқдорлигини касб этиши таржима жараёнида муайян муаммоларни туғдиради. Алишер Навоийнинг “Гул сочар ел боғ аро...” мисраси билан бошланувчи ғазалининг тўртинчи байти мисолида яққол кўриш мумкин:

*Демангизким, келди маҳвашлар сени ўлтургали,
Муни денгим, қотили номехрибоним келдим.*²

Мисрадаги “қотили номехрибон” образи, аслида эркалаш маъносида келган. Инглизча матнда салбий маънони англатувчи сўзлар ёрдамида ўтирилган. Натижада, аслият матнидаги ижобий образ таржима матнида профессионал қотил ва безорига айланиб қолган:

Л.Кметьюк таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Do not say you have come to slay me my beauties,	Менинг гўзалларим, мени ўлдириш учун келганингизни айтманг,
But tell <i>my</i> whether my pitiless	Аммо айтинг <i>менинг</i> келган-келмаганини

¹ Sultanova D. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro‘z nashriyoti, 2015. – Б. 14.

² Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 475;

assassin has come ¹ .	менинг шавқатсиз қотилим.
----------------------------------	---------------------------

Таржимада шоир тўғридан-тўғри “*гўзаллар*”га мурожаат қилмоқда, аслиятда бу мурожаат шоирнинг атрофидаги ёр-дўстларга қаратилган эди. “But tell my” бирикмаси грамматик қоидага кўра “But tell me” бўлиши керак. “Assassin” сўзи стилистик нейтрал сўз ҳисобланмайди. Бу сўз ўрта асрларда ҳам, ҳозир ҳам пул учун кимнингдир буюртмаси билан инсонларнинг жонини олувчиларни билдиради.

Д.Дэли таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Though hooligans may threaten, may strike at me,	Безорилар менга таҳдид, жонимга тажовуз қилишлари мумкин бўлсада,
Only she can succeed, she, the pitiless one ² .	Жонимни олиш фақат унинг қўлидангина келади, менинг шафқатсизим.

Таржимон “hooligans” – “безорилар” образини шоир аслиятда қўллаган “махвашлар” ўрнига фойдаланиши, оригинал мазмунини яхши тушунмаганлик ҳамда мумтоз адабиёт анъаналари билан таниш бўлмаганлиги натижасида пайдо бўлмоқда.

Айнан шу байтнинг Д.Султанова томонидан амалга оширилган таржимада “қотили номехрибон” ибораси *merciless slayer*” бирикмаси тарзида тўғри берилган:

Д.Султанова таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Only not tell me that those mysterious beauties to slay me came,	Менга фақатгина у сирли гўзаллар мени ўлдиргани келганини айтманг,
Do tell me, it might be, that slayer, my merciless one came ³ .	Ундан кўра, бу ўша қотил, менинг бешафқат яғонам келган бўлиши мумкинлигини айтинг.

¹ Уммондан дурлар. Навоий шеърятидан инглизчага таржималар тўплами/Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 117

² Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 28.

³ Sultanova D. Selected gazels of Navoiy. –Т.: Navro’z nashriyoti, 2015. – Б. 35.

5. Адабий-эстетик сатҳдаги номувофикликлар. Мазкур сатҳ бевосита адабиёт ва тилнинг эстетик хусусиятлари билан боғлиқдир. Алишер Навоийнинг куйидаги рубоийси матнида араб ҳарфларининг шакли ёрдамида тасвир яратилган:

*Жонимдаги “жим” икки долингга фидо,
Андин сўнг “алиф” тоза ниҳолингга фидо,
“Нун”и доғи анбарин ҳилолингга фидо,
Қолгон ики нуқта икки холингга фидо¹.*

Юқорида келтирилган рубоийдаги “**жон**” сўзида “**жим**” ж ҳарфи – ёрнинг зулфига, “**алиф**” – ۱ маҳбубанинг қоматиға, “**нун**” – ن қошиға, икки нуқта, яъни “**ж**” ва “**нун**” ҳарфларидаги нуқталар ёрнинг икки холиға қиёсланган ҳолда, маъшуканинг образи яратилмоқда.

Кўриб турганимиздек, араб алифбосига асосланмаган ёзув тизимларида шакл ўз ичига қамраб олган маънони бошқа тилдаги ҳарфлар воситасида узатишнинг сира ҳам иложи йўқ. Сабаби, тиллараро ассимметрия ҳодисаси бу каби шаклий безакларни инглиз тилиға таржима қилишни имконсиз қилиб кўяди. Шу ўринда Муҳаммадризо Огаҳийнинг куйидаги байтиға ҳам эътибор қаратсак:

*Мушкин қошингнинг ҳайъати ул чаими жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур нун элтибон сод устина².*

Маҳбубанинг кўзлари – жаллод. Унинг қоши – қилич. Жаллод бечора ошиқни қатл этиш учун қиличини юқори кўтарганича, унинг қатл фармонни ўқимоқда. Мана шу образни инглиз тилида яратиш учун, афсуски, лотин ёзувиға асосланган алифбо имкон бермайди.

Шеър бандлари тузилишини асл нусхаға максимал даражада яқин ўгириш, аслият ва таржима матнлари ўртасида шаклий мутаносибликни таъминлаш асар жанрини таржимада акс эттириш муаммоси билан боғлиқ. Бу эса, ўз-ўзидан, оҳангни берувчи сўзларни муайян қолипға солишни талаб қилади. Асл нусха ва таржима матнида ўхшаш бандлар тизимидан

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд.– Б. 641.

² <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1166-kitob.html>

фойдаланилган тақдирда ҳам, таржимон олдида катта бир муаммо пайдо бўлади: кўпинча, аслият оҳангини яратишга таржима тилига хос сўз талаффузи ва ҳажми имкон бермайди. Мумтоз адабиёт намуналари таржимасида бу каби муаммонинг энг ёрқин мисоли сифатида туюқ жанри таржимасини келтириш мумкин.

Алишер Навоий:

Маргарет Фирэй

Мазмуни:

таржимаси:

Ё раб, ул шахду шакар ё лабдурур, Ё магар шахду шакар ёлабдурур.	Oh God, it is either honey and sugar or a lip Or perhaps it has licked honey and sugar.	Эй худо, бу ё асал ва шакар, ё лабдир, Ё балки, у ялагандир асал ва шакар.
Жонима пайваста новак отқали	That he might continually shoot arrows at my soul	У менинг қалбимга тўхтовсиз ўқлар отадики,
Ғамза ўқин қошиға ёлабдурур ¹ .	He has put the arrow of his glance to his brow ² .	Ўзининг қараши ўқини қошига жойлабди.

Мазкур парча “ё лаб” ва “ёлаб” омонимлари билдирган маъно жилвалари устига қурилган. Биринчи мисрадаги “ё лабдурур” бирикмаси “ёки лабмикан”, иккинчи мисрадаги “ёлабдурур” – “ялаганмикан”, учинчи мисрадаги “ёлабдурур” – “ё шаклида қилиб, яъни эгик шаклда жойламок” маъноларини англатади. Инглиз матнининг сўзма-сўз таржимасидан кўриниб турганидек, аслиятнинг маъноси таржимада тўлиғича акс этган. Аммо, қофия сифатида ишлатилган бирикмаларнинг инглиз тилида омонимик хусусиятга эга бўлмаганлиги, таржимада маъно билан биргаликда шаклни ҳам қайта яратиш имконини бермайди.

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 672.

² Fearey M. Sh. Nava'i's Turkic and Persian quatrains: Discourse. Typology and the bilingual poet. The University of Michigan, 1977. – P. 139.

Навбатдаги таржимада ҳам, омонимиянинг ҳам сақланмаганини кузатамиз:

Алишер Навоий:

Маргарет Фирэй

Мазмуни:

таржимаси:

Лаълидин жонимга ўтлар
ёқилур,

By his ruby (lips) fires are
set in my soul.

Унинг ол
лабларидан
жонимда ўтлар
ёқилади,

Қоши қаддимни жафодин
ё қилур.

His brow from
faithlessness has made my
stature a “ya”.

Унинг қоши
бевафоликдан
менинг қоматимни
“я” қилди.

Мен вафоси ваъдасидин
шодмен,

I am happy because of the
thousand, lying promise(s)
of his fidelity;

Мен унинг вафо
ҳақидаги минглаб
ёлғон ваъдаларидан
хурсандман.

Ул вафо, билмонки,
қилмас ё қилур?¹

I don't know whether he
will act (with) that fidelity
or not².

Мен билмайман, у
менга ўша вафони
қиладими ёки йўқ.

Яна бир мисол:

Алишер Навоий:

Маргарет Фирэй

Мазмуни:

таржимаси:

Неча дедим ул санамга
бормагин,

However much I told that
idol (beautiful boy),
“Don't come!”

Неча марта мен
десам ҳам ўша
мабудга (гўзал
йигитга), “Келма!”

¹Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд.– Б. 672.

²Fearey M. Sh. Nava'i's Turkic and Persian quatrains: Discourse. Typology and the bilingual poet. The University of Michigan, 1977. – P. 141.

Қилмади ул тарк охир бормагин.	In the end he did not give up his coming.	У охир-оқибат келишини ҳеч қўймади.
Мунчаким худройлик кўргузди ул, Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормагин ¹ .	Thus he exhibited his stubbornness; He has confused the mind, having bitten his finger ² .	У кўрсатиб ўзининг ўжарлигини; У ақлни адаштирди, ўзининг бармоғини тишлаб.

Бу туюқнинг таржимасида ҳам аслиятдаги **“бормагин”** воситасида берилган сўз ўйини шаклан қайта тикланмаган. Биринчи мисрадаги **“бормагин”** – буйруқ маъносидаги **“борма”** феълидир. Иккинчи мисрадаги **“бормагин”** – шу феълнинг ҳаракат номи шакли бўлиб, **“боришини”**, **“борадиган одатини”** билдиради. Тўртинчи мисрадаги **“бормагин”** сўзи эса – **“бармоқ”** маъносида ишлатилган бўлиб, унинг воситасида **“бармоғини тишламоқ”** яъни **“ҳайратда қолмоқ”** маъноси узатилмоқда. Таржима матнининг сўзма-сўз таржимасидан кўриниб турганидек, аслият матнини ўгириш жараёнида бир неча хатоликларга йўл қўйилмоқда. Биринчидан, инлизча матнда **“бормоқ”** феъли **“келмоқ”** билан ўзгартирилган. Мантиқан олганда, ошиқнинг маъшуқага қараб **“келма”** дейиши ноўриндир. Иккинчидан, **“He has confused the mind, having bitten his finger”** мисраси аслият матнига умуман зид. Ақлнинг ҳайратда қолгани ва маъшуканинг ўз бармоғини тишлаши бошқа-бошқа образлардир. Ва ниҳоят, худди аввалги кўрган туюқ таржимасида бўлгани каби, бу таржимага ҳам мужской родни билдирувчи **“he”** ва **“his”** олмошлари киритилган ҳамда **“санам”** сўзи **“beautiful boy”** киритмаси билан изоҳланган. Ўзбек тилида род категориясининг кишилиқ олмошлари билан ифодаланмаслиги, эга ёки тўлдирувчи вазифасини бажариб келган кишининг грамматик жинси эса

¹Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1990. 5-жилд. – Б. 524.

²Fearey M. Sh. Nava'i's Turkic and Persian quatrains: Discourse. Typology and the bilingual poet. The University of Michigan, 1977. – P. 147.

мантиқан белгиланиши ҳисобга олинганда, бу хатога йўл қўйилмаган бўларди.

6. Маданий сатҳдаги номувофиқликлар. Тил ва маданият бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Бир тилдан бошқа тилга сўз маъносининг узатилиши ўз ичига шу тилга мансуб маданий концептларнинг ҳам кўчирилишини тақозо қилади. Кўп ҳолларда бунинг иложи йўқ. Мисол:

*Борди ўқдек тезу ёйдек қоматим ёд этмади,
Ишқ аро гўё менинг эгрилигимни билди ёр¹.*

Л.Кметьюк таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
She went as swiftly as an arrow flies, unmindful of my bowed-down frame,	У худди ўқ учганидек тез кетдида, менинг эгик қаддим ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади,
As though my faintheartedness had been discerned by my beloved ² .	Худдики, менинг кўрқоқлигим менинг маҳбубам томонидан англаб олинганидек.

Мазкур байтнинг биринчи мисрасида иккита ўхшатиш қўлланилган: “ўқдек” ва “ёйдек”. Шарқ лирик адабиётига хос бўлган ғамдан қийналган одамни “қадди букик” дейиш, гавдани “ёй” – камондек букилишига ўхшатиш инглиз тилида қўлланмайди. Натижада, иккинчи мисранинг маъноси аслиятдаги фикрдан мутлақо узоклашиб кетган. Хусусан, аслиятда шоирнинг “ёйдек эгилган қаддимга парво ҳам қилмай, мени ташлаб кетди” мазмунидаги ноласини қандай узатишни билмай, уни кўрқоқликка йўйган. Қуйидаги таржимада эса, аслиятдан мутлақо фарқ қиладиган хулоса ясалган:

Д.Дэли таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
Propelled through the sky as an arrow leaves the bow,	Худдики ўқ камонни тарк этганидек осмон бўйлаб учиб ўтди,
The long bow of my timid soul. My beloved ¹	Менинг мушфиқ кўнглимнинг узун камони. Менинг севгим.

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 161.

² Уммондан дурлар. Навоий шеъриятдан инглизчага таржималар тўплами/Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарқ нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 111.

Хулоса қилиб айтганда, нисбатан кичик ҳажмга эга бўлган лирик матнларда, уларни ташкил этувчи вазн, ритм-оҳанг, маъно ва уларни юзага чиқаришга хизмат қиладиган кўплаб фонетик, лексик ва композицион қурилиш каби унсурлар, бир томондан шеърятни бетакрор жанр сифатида шакллантирган бўлса, бошқа томондан унинг англанишини мураккаблаштирадиган асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шеъринг таркибида мазкур унсурлар матннинг умумий маъносини юзага чиқариш ва жилвадорлигини таъминлаш йўлида бир-бири билан узвий боғланган, ажралмас ва бир бутунликни ташкил қиладиган мураккаб организм ёки тизимга айланадики, унинг исталган бир қисмига киритилган ўзгартириш бутун матннинг яхлитлигига ўз таъсирини ўтказади. Бу каби унсурларни матн ичида “кўра олиш”, уларнинг ҳар бири қандай мақсадга йўналтирилганини тасаввур қила олиш таржиманинг аниқ ва жозибали чиқишида муҳим ўрин тутди. Аммо тиллар орасидаги тафовут ва фарқлар ушбу унсурларни тўлиқ ўзини намоён этишига йўл бермайди, лирик матнларни бир тилдан бошқа тилга ўгириш жараёнини анча мураккаблаштиради.

1.2§. Шеъринг таржимасида уйғунликка эришиш муаммо сифатида

Шеъринг таржима мураккаб жараёндир. Ҳар қандай таржимон ҳам лирик парчани таржима қила олмайди. Таржимон тегишли филологик билимларга ва бадиий иқтидорга эга бўлиши, шеърят қонуниятларини яхши билиши, энг муҳими, мусиқий оҳанг ва ритмни ҳис қила билиши талаб қилинади. Шеърни жозибадор қилиб қайта яратиш таржимон маҳоратига боғлиқ. Таржимон борки, ҳамиша муаллиф бадиий маҳорати қирраларини таржимада тўлиқ сақлаш имкониятини излайди. Таржимашунослик тарихига назар ташланадиган бўлса, шу пайтгача **таржима сифатини** таъминлаб берувчи

¹ Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 8.

омиллар ҳақида бир тўхтамга келинмаганини кўриш мумкин. Олимлар бу масалада икки тоифага бўлинадилар:

– “Адекватлик сифатли таржимани таъминлашнинг гарови” деб қаровчилар (А. Нойберт, К. Райс и Х. Фермеер, А.Д. Швейцер, Я.И.Рецкер, Ю.В. Ванников);

– “Эквивалентлик сифатли таржимага эришишнинг ягона йўли” тезисининг тарафдорлари (Ю. Найда, Дж. Кэтфорд, Г. Егер, А.Д. Швейцер, В.Г. Гак, В.Н. Комиссаров, Л.С. Бархударов, Л.К. Латышев, Н.К. Гарбовский, И.С. Алексеева, Н.М. Нестерова).

Юқоридаги икки мактаб вакиллари қарашларидан маълум бўладики, шу вақтга қадар шеърий таржима соҳасида эквивалент ва адекват таржима тадқиқотларнинг предмети бўлиб келмоқда. Ҳар икки гуруҳнинг қарашидан жон бор. Аммо камчиликлари ҳам мавжуд. Лирик матнлар таржимаси сифатини аниқлашнинг аниқ мезонларини белгилашда яқдилликнинг йўқлиги, бунда фақат лингвистик омилларга эътибор қаратиб, шеърий тизимлар ва жанрлар орасидаги фарқларни ҳисобга олмаслик ҳануз таржимачиликнинг ягона тамойиллар асосида ривожланишига халақит бериб келмоқда.

Мусулмон Шарқи мумтоз лирик матнларини ғарб тилларига таржима қилишнинг мураккаблиги маълум бир тўсиқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Биринчи тўсиқ – вазн муаммоси. Маълумки, араб шеъриятида шаклланган аруз кейинчалик форс ва қадимги туркий тили мумтоз шеъриятининг асосий тизимига айланди. Унинг асосий хусусияти қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг муайян тартиб асосида гуруҳланишини назарда тутди. Туркий арузнинг ритмини ҳосил қилувчи қуйидаги унсурлар бор:

1) ҳижо – араб тилида “тўғри ўқиш” маъносини билдирувчи мазкур бирлик, туркий арузнинг энг кичик ритмик унсури бўлиб, у бир нафас билан айтиладиган товушлар йиғиндисини назарда тутди. Ҳижолар, ўз навбатида, қуйидаги уч хил кўринишга эга бўлади:

А) қисқа ҳижо – асосан, сўз боши ва ўртасидаги, шунингдек, очик ва биргина қисқа унлидан иборат бўғинлардан ташкил топади. У, одатда, қисқалик белгиси “V” билан белгиланади.

Б) чўзиқ ҳижо – асосан ёпиқ бўғинлар, “о” унлиси ва сўз охиридаги кўшимчалар ёрдамида шакллантирилади. Чизмаларда “–” билан ажратилади.

В) ўта чўзиқ ҳижо – бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижодан ташкил топади. У қатор ундошлар билан тугайдиган ёки чўзиқ унлининг ёпиқ бўғин таркибида кўлланилиши натижасида ҳосил бўлади. У мисра ичида “–V” , мисра охирида эса “~” белгиси ёрдамида ифодаланади.

2) рукн – араб тилида “устун” маъносини англатади ва ҳижоларнинг муайян кетма-кетликда бирикишидан ҳосил бўлади. Арузда рукнларнинг саккиз асл турлари фарқланади: фаувлун, фоилун, мафойилун, фоилотун, мустафъилун, мафъувлоту, мафоилатун ва мутафоилун. Рукнлар таркибида ҳижоларнинг маълум бир ўзгариш (зиҳоф)га учраши натижасида тармок (фаръий, фуръу) рукнлар юзага келади.

3) баҳр – араб тилида “денгиз” маъносини англатади ва рукнларнинг маълум тартибдаги такроридан ҳосил бўлади. Шеърнинг маълум бир бўлаги учун ритмик ўлчов вазифасини бажарувчи баҳр ҳижо, рукн, мисра ва байтдан фарқли равишда, арузда бутун бошли бир шеърнинг ритмик тугаллигини белгилайди. Навоий арузда 19 та, Бобур эса 21 та мустақил баҳрни ажратиб кўрсатадилар. “Ўзбек тили хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шеърятимизда баҳрлар кўлланишдаги фаоллик даражасига кўра фарқланади: агар ҳазаж, рамал, ражаз, музориъ, ҳафиф, мужтасс, мунсарих, сариъ, мутақориб баҳрлари фаол кўлланган бўлса, мутадорик, комил тавил баҳрлари жуда кам учрайди; вофир, муктазаб, мадид, басит, қариб, мушокил, ғариб, ариз, амиқ баҳрлари эса шеърятимизда ишлатилмаган”¹.

Инглиз тили учун эса силлабо-тоник тизими ҳосдир. Юнонча “бўғин” ва “урғу” сўзларининг қўшилишидан ясалган бу тизимнинг асосий хусусияти сифатида мисралардаги урғули ва урғусиз бўғинларнинг аниқ бир тартиб

¹Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т: Академнашр, 2013. – Б. 69.

асосида гуруҳланиб такрорланишини кўрсатиш мумкин. Бу тизимнинг асосий бирлиги “фут” ҳисобланади. Ҳар қандай фут: 1) бўғинлар сони; 2) бўғинлар сифати; 3) бўғинларнинг сўздаги жойлашуви каби таркибий қисмларнинг бирикишидан ҳосил бўлади.

Стопаларнинг такроридан шеърнинг ритми ёки вазни ҳосил қилинади. Вазнларни ифодалаш учун диметр, триметр, тетраметр, пентаметр каби тизимлар; мазкур тизимларнинг энг кенг тарқалган рукнлари ёки стопалари сирасига, икки бўғинли сўзлардан ташкил топган ўлчовга ямб, хорей, спондей ва дибрах, уч бўғинли ўлчовга эса дактиль ва анапест футлари мисол бўлади. Бунда брив деб аталадиган “∪” – белги урғусиз, иктус деб аталадиган – “/” белги эса урғули бўғинни англатади.

Ямбик фут – инглиз тилида кенг тарқалган силлабо-тоник ёки бўғин-урғули тизимнинг кўриниши бўлиб, унинг пентаметр шакли айниқса Шекспирнинг ижодида кўп қўлланилган. Инглиз тили нутқдаги табиий вазннинг ямбик бўлишини таъминлаб берган. Ямбик вазн кетма-кет келтирилган “урғусиз + УРҒУЛИ” (“да-ДАМ”) бўғиннинг йиғиндисидан ҳосил бўлади. Бу вазн, шунингдек, юрак уришини ҳам эслатади. У ёзувда “∪ /” кўринишида белгиланади. Инглиз тилидаги “today, apart, belong, delight, perchance, afraid, the ski, alone, upon, arise” каби сўзлар айнан ямб вазнида талаффуз қилинади. В.Вордсворс ва В.Шекспир томонидан ёзилган қуйидаги машҳур мисралар ҳам ямб футида ёзилган:

В.Вордсворс (ямбик тетраметр)	В. Шекспир (ямбик пентаметр)
i WAN - dered LONE - ly AS - a CLOUD	shall I - comPARE - thee TO - a SUM - mer's DAY?
∪ / -∪ / -∪ / -∪ /	∪ / -∪ / -∪ / -∪ / -∪ /
that FLOATS -on HIGH -o'er VALES -and HILLS ¹	thou ART -more LOVE -ly AND - more TEM -peRATE ²

¹Wordsworth W. Poems. [Электрон манба]: <https://www.Poetryfoundation.Org/Poems/45521/I-Wandered-Lonely-As-A-Cloud>

² Shakespeare W. sonnets. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/45087/sonnet-18-shall-i-compare-thee-to-a-summers-day>

У/-У/-У/-У/	У/-У/-У/-У/-У/
-------------	----------------

Хорей – ямбик футнинг тескари кўриниши бўлиб, у кетма-кет келтирилган “урғули + урғусиз” (“ДАМ - да”) бўғинларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлади. Ёзувда “/ У” кўринишида ифодаланади. Инглиз тилидаги “pretty, sunny, lover, looking, numbers” каби икки бўғинли сўзлар хорейда талаффуз қилинади.

В.Блейк (хорейк триметр)	Э.А.По (хорейк тетраметр)
TYger –TYger, –BURning –BRIGHT,	ONCE u–PON a–MIDnight –DREArY,
/U –/U –/U –/	/U –/U –/U –/U
IN the –FOrests –OF the –NIGHT ¹	WHILE i –PONdered, –WEAK and –WEArY ²
/U –/U –/U –/	/U –/U –/U –/U

Спондей – кетма-кет келтирилган “урғули + урғули” (“ДАМ - ДАМ”) бўғиндан иборат фут тури бўлиб, унда одатда бутун бошли шеър ёзилмайди. Шу сабабдан ҳам, спондей кўпинча бошқа футлар билан биргаликда қўлланилади. Ёзувда “/ /” кўринишида ифодаланади. Инглиз тилидаги “knock-knock, heartbreak, football, breakdown” каби сўзлар хорейда талаффуз қилинади.

Пиррихий – кетма-кет келтирилган “урғусиз + урғусиз” (“да - да”) бўғинларидан иборат фут тури бўлиб, унда ҳам худди спондей каби бир шеърни бошидан охиригача ёзиш мумкин эмас. Шу сабабли, пиррихий ҳам кўпинча бошқа футлар билан биргаликда қўлланилади. Ёзувда “UU” кўринишида ифодаланади. Инглиз тилидаги “in a, in the” каби бирикмалар айнан шу футга мос келади. Қуйида спондей ва пиррихийнинг мисралар таркибида қўлланилишига мисол келтирилади:

¹ Blake W. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/43687/the-tyger>

² Poe E. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/48860/the-raven>

А.Теннисон	
be near me WHEN my LIGHT is low,	спондей ямб ямб спондей
When the BLOOD CREEPS, and the NERVES PRICK.	хорей спондей пиррихий спондей
And TIN gle; and the HEART IS SICK,	ямб пиррихий ямб спондей
And ALL the WHEELS of BE ing SLOW. ¹	ямб ямб ямб ямб

Анапест –урғулар жойлашуви тартиби нуктаи назаридан ямбга ўхшаш бўлиб, ямбдан битта кўпроқ бўғинга эгаллиги билан фаркланади. Унда урғулар “У У /” –“урғусиз + урғусиз+ урғули” (“да – да – ДАМ”) тарзида мослашади. Хусусан, инглиз тилидаги “understand, disagree, interrupt, comprehend” каби 3 бўғиндан иборат сўзлари анапест вазнида талаффуз қилинади.

Лорд Байрон	Д-р Сьюс
“The AsSYRian came DOWN like the WOLF on the FOLD,	You have BRAINS in your HEAD.
And his COhorts were GLEAming in PURple and GOLD;	You have FEET in your SHOES.
And the SHEEN of their SPEARS was like STARS on the SEA,	You can STEER yourself
When the BLUE wave rolls NIGHTly on DEEP galiLEE ²	ANY direction you CHOOSE ¹

¹Tennyson A. Poems. [Электрон манба]: <http://www.victorianweb.org/authors/tennyson/im/50.html>

² Вугон А. Поэмы. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/43827/the-destruction-of-senna-cherib>

Дактиль – юқорида таҳлил қилинган анапестнинг тескари кўриниши бўлиб, унда урғулар “/ ∪ ∪” –“урғули + урғули+ урғусиз” (“ДАМ – ДАМ – да”) тарзида мослашади. Хусусан, инглиз тилидаги “elephant, syllable, poetry, suddnely” каби уч бўғинли сўзлари дактиль вазнида талаффуз қилинади.

Кўриниб турибдики, бу икки қутбга мансуб вазнлар тизими таржиманинг адекват ёки эквивалент вазн яратилишига йўл қўймайди.

Иккинчи тўсиқ – Шарқ лирик жанрлари ва Ғарб лирикаси жанр талабларининг турли қутбларга мансублиги ва ўзаро мувофиқ келмаслиги. Масалан, шарқ мумтоз лирикасининг муҳим унсурларидан бири қофиядир. Қофия байтга мусиқий оҳанг беради. У мисра охирида келиб, ўз тузилишига кўра бир неча турларга бўлинади.

Шакл нуқтаи назаридан эса қофиялар мужаррад, мурдаф, муқайяд ва муассас қофия каби турларга бўлинади². Уларни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:

Мужаррад	Муфрад	Муқайяд	Муассас
А) равий чўзиқ унлидан иборат: Вафо-жафо, бало- каро, наво-зебо- хаво, уйку-су- коронғу.	А) ридфи аслий: чўзиқ унли (ридф) + равий: “ҳол-бол-мажол”, “бор-зор-хор”, “оҳ-воҳ-моҳ”, “тоғ-чоғ-боғ”, “боб-тоб”	Қиска унли (ҳазф) + ундош (қайд) + ундош равий ёки қиска унли + қўш ундош: Базм-разм, маст- алат-баст, даҳр- шаҳр	“о” + ундош + қиска унли + равий: Лойиқ-ҳалойиқ, мойил-қобил, мотам-дамодам, ғолиб-толиб, роҳат-фороғат

¹ Seuss. Poems. [Электрон манба]: <https://www.goodreads.com/quotes/467968-you-have-brains-in-your-head-you-have-feet-in>

² Бу ҳақда қаранг: Ҳожиахмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ нашриёти манбаа концерни бош таҳририяти, 1998; Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият луғати. Адабий жанрлар, шеър санъатлари, аруз ва қофия. –Т.: Янги аср авлоди, 2008; Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2013; Юсупова Д. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. –Т.: Таълим-медиа нашриёти, 2019; Сирус Б. Қофия дар назми тожик. –Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1955. –Б. 29; Сирус Б. Арӯзи тоҷики. –Душанбе: Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1962.

Б) қиска унли + ундошли равий: Гул - булбул, меҳнат - захмат	Б) ридфи зойид: ридф + ундош + равий: меҳр-чеҳр, ғарқ- шарқ-фарқ, канд- баланд, майл- ҳайл ¹		
---	---	--	--

Қофиядош сўзлар орасидаги асосий ҳал қилувчи ҳарф равий деб аталади. Араб тилида “туяни боғлайдиган арқон” маъносини билдирган равий шеърдаги байт ва бандлар орасида мусиқий ритм ва такт ҳосил қилишда, яъни шеър мисраларини оҳанг ёрдамида бириктиришда жуда муҳим ҳисобланади. Уни билмаслик аслиятдаги оҳангнинг шеърий таржимада акс этмаслигига сабаб бўлади. Мумтоз адабиётда қофиялар, аввало, равий билан тугайдиган (муқайяд), равийдан сўнг ҳам давом этадиган (мутлақ) қофияларга бўлинади. Равий бўлиш учун муайян асосий ҳарф куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– Туб сўзли қофия таркибидаги охирги ҳарф;

Қаро кўзум келу, эмди мардумлуғ фан қилгил,

Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил².

Ёки:

Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,

Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен³.

– Ясама сўзли қофия таркибидаги асоснинг сўнгги ҳарфи:

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму,

¹ Изоҳ: Мазкур мисоллардаги “а” ҳарфи чўзиқ товуш сифатида талаффуз этилади.

² Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 333.

³ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Париж девони нусхаси: Шеърлар / Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. – Т.: Ёзувчи, 1993. – Б. 49.

Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму¹.

Ёки:

*Жонимдаги “жим” икки долингга фидо,
Андинг сўнг “алиф” тоза ниҳолингга фидо².*

– Қофияларнинг охири бир хил ундошлардан кейин келадиган қисқа унли билан тугаса, мазкур унлидан олдинги ундош ҳарфлар равий деб аталади:

Зоҳид сенга, ҳур, манга жонона керак,

Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.

Майхона аро соқию паймона керак,

Паймона неча бўлса, тўла ёна керак³.

Равий қофия санъатида марказий ўринда турадиган тушунча эканлигига гувоҳ бўлдик. Шу билан бирга, равийдан олдин ва кейин турадиган ҳарфларнинг ҳам ўз номлари бор. Уларни шартли равишда куйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

Равийдан олдин келадиган харфлар	Равийдан кейин келадиган харфлар
Ридф	Васл
Ишбоъ / тавжих	Ҳуруж
Қайд	Мазид
Ҳазф	Нойира
Даҳил	Мажро
Таъсис	Нафоз

Ридф – равийдан олдинги чўзиқ унли: “жонон - равон - нолон”. Ишбоъ – равийдан олдинги қисқа унли. Қайд – равийдан олдинги ундош. Ҳазф – кайддан олдинги қисқа унли. Даҳил – ишбоъдан олдинги ундош. Таъсис –

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 475.

² Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 641.

³ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 652.

дахилдан олдинги чўзиқ унли. Васл – равийдан кейинги ундош ёки чўзиқ унли. Хуруж – васлдан кейинги ундош ёки чўзиқ унли. Мазид – хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли. Нойира – мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли. Мажро – равийдан кейинги қисқа унли. Нафоз – васл, хуруж, мазид ва нойиралардан кейинги қисқа унли. Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг куйида келтирилган байтларидаги қофияларни таҳлил қилсак:

*Лолазор эрмаски оҳимдин жаҳонга тушти ўт,
Йўқ шафақким бир қироқдин осмонга тушти ўт¹.*

Бу байтда “жаҳонга-осмонга” сўзлари ўзаро қофияланмоқда. Сўзлардаги “н” ундоши – равий, “о” чўзиқ унлиси – ридф, “ғ” ундоши – васл, “а” – қисқа унлиси эса нафоз бўлади.

*Зулфунг гириҳига пойбаст ўлмишмен,
Лаълинг майидин бодапараст ўлмишмен,
Ул майни ичиб йўлунгда паст ўлмишмен,
Ҳай-ҳай, не дедим, магарки маст ўлмишмен?²*

Мазкур рубоий таркибида “пойбаст, бодапараст, паст, маст” сўзлари ўзаро қофияланган бўлиб, бу сўзлар таркибидаги “т” ундоши – равий, “с” ундоши – қайд ҳамда ундан олдинги “а” қисқа унлиси – ҳазф дейилади.

Шарқ тиллари, хусусан, мумтоз форс ва туркий шеърят намуналарини инглиз тилига таржима қилишга бел боғлаган ҳар бир таржимон олдида мумтоз поэтика асосларини яхши билишдек мураккаб вазифа туради.

Инглиз шеърятида қўлланадиган қофиялар ҳам ўзига хос тузилишга эга. Ўз навбатида, инглиз тилида қофия: 1) шакли; 2) жойлашуви ва 3) бўғинларининг тугашига қараб бир неча турларга бўлинади.

¹ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 3-жилд. – Б. 87.

² Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 654.

Шаклий хусусияти	Жойлашуви	Бўгинларнинг тугаши
<i>Тўлиқ</i>	<i>Мисра охирида</i>	<i>Урғули</i>
<i>Нотўлиқ</i>	<i>Мисра ичида</i>	<i>Урғусиз</i>
<i>Ассонанс</i>	<i>Байт ичидаги қофия</i>	
<i>Консонанс</i>		
<i>Такрор</i>		
<i>Кўз учун қофиялар</i>		

Тўлиқ қофия қофияланаётган сўзларнинг охириги урғу олган унлиси ва унга эргашиб келган ундош товушларнинг мослигидан шакллантирилади: “teacher-creature”, “savior-bahavior”, “friction-diction”, “may-day”.

If a poem could cost a pound
I will turn my life around
As I compose the perfect poetic sound
That rhymes against any background ¹

Ёки:

My heart 's in the Highlands, my heart is not here;
My heart 's in the Highlands - chasing the deer;
Chasing the wild deer, and following the roe.
My heart 's in the Highlands, wherever I go ²

Нотўлиқ қофия ҳодисаси бир хил ундошларнинг таркибида турли унли товушларнинг қўлланилиши ёки сўзларнинг бошидаги товушлар мос бўлмаса-да, охиридаги ундошларнинг бир хиллигидан ҳосил бўлади: “block-black”, “rod-red”, “hall-hell”, “tell-toll”, “bold-held”, run-moon.

I have met them at close of day

¹ Chidi L.S. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poemhunter.com/poem/a-poem-with-the-perfect-rhyme/>

² Burns R. Poems. [Электрон манба]: <http://www.robertburns.org/works/290.shtml>

Coming with vivid faces
From counter or desk among grey
Eighteenth-century houses ¹

Ёки:

Six days of the week it soils
With its sickening poison-
Just for paying a few bills!
That's out of proportion ²

Ассонанс ҳодисаси қофиядош сўзлар таркибида бир хил унлиларнинг кўлланилишидан ҳосил бўлади: “ball-tall”, “rate-take”, “pine-time”.

Аллитерация ҳодисаси сўзларнинг бир хил ундошлар билан бошланишидан, баъзан эса мисралар таркибида шу ундошнинг одатдагидан кўпроқ такрорланишидан вужудга келади.

Консонанс ҳодисаси қофиядош сўзлар таркибида бир хил ундошларнинг кўлланилишидан ҳосил бўлади: “litter-batter”, “down-clown”, “racket-rocket”.

Ассонанс	Аллитерация	Консонанс
He gives his harness bells a shake	She sells seashells by the seashore.	All's well that ends well.

Такрор қофиялар битта сўзнинг такрорига асосланади: “sit-sit”, “great-great”. Масалан, Эмили Диккенсон ва Альфред Теннисон шеърятидан шу каби қофияланишни кўриш мумкин:

We paused before a House that seemed
A Swelling of the Ground-
The Roof was scarcely visible-

¹ Yeats W. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/43289/easter-1916>

² Larkin F. Poems. [Электрон манба]: http://famouspoetsandpoems.com/poets/philip_larkin/poems/14525

The Cornice-in the Ground ¹

Ёки:

“Courage!” he said, and pointed toward the land ,
--

“This mounting wave will roll us shoreward soon.”

In the afternoon they came unto a land

In which it seemed always afternoon ²
--

Энг аҳамиятлиси, инглиз тилининг асрлар давомида ўзгариб келгани ва бу ўзгаришлар тилнинг фонетик қатламига жиддий таъсир кўрсатгани, шеъриятда мумтоз ҳисобланмиш қофия қоидаларининг бузилишига олиб келган. Масалан, инглиз мумтоз шоирлари, хусусан, Шекспирнинг сонетларида қўлланган қофиялар ёзувда қандай бўлса, талаффузда ҳам бир хил бўлган. Аммо даврлар ўтмиши мобайнида ёзув ва талаффуз ўртасида пайдо бўлган фарқлар сонетлардаги мусикий оҳангни ўчирган. Натижада, шеърга оҳанг берувчи қофиядош сўзлар замонавий китобхон шунчаки шеър чиройи ёки бошқача айтганда, “пардоз учун” ишлатилган сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Масалан, Шекспир сонетининг

Shall I compare thee to a summer’s day?

Thou art more lovely and more temperate :
--

Rough winds do shake the darling buds of May,

And summer’s lease hath all too short a date ³ -
--

бандида келтирилган қофиядош сўзлар, ёзувда тўлиқ қофияга мисол бўлса-да, талаффузда ҳамоҳанг эмас. Шу жиҳатдан ҳам замонавий инглиз шеършунослигида бундай қофияларга “Кўз қофия” (eye-rhyme) деб таъриф берилади. Бу ҳолат “stove-love”, “tough-bough”, “alone-gone”... каби қофиядош сўзларга ҳам тааллуқлидир:

¹ Dickinson E. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/47652/because-i-could-not-stop-for-death-479>

² Tennyson A. Poems. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/45364/the-lotos-eaters>

³ Shakespeare W. Sonnets. [Электрон манба]: <https://www.poetryfoundation.org/poems/45087/sonnet-18-shall-i-compare-thee-to-a-summers-day>

Инглиз шеъриятида юқоридаги мисолларнинг акси бўлган, ёзувда ҳар хил, аммо талаффузда бир хил бўлган қофиялар ҳам учрайди.

I could suffice for Him, I knew –	And still her hum
He – could suffice for Me –	The years among,
Yet Hesitating Fractions – Both	Deceives the Butterfly;
Surveyed Infinity ¹	Still in her Eye
	The Violets lie
	Mouldered this many May. ²

Кўриниб турибдики, шарқ лирикасини шаклий жиҳатдан “ўз” ҳолида инглиз тилига таржима қилиш амри маҳол. Бироқ уни “оқ шеър” йўлида ўгириш ҳам шарқ шеърияти жозибасини тамоман йўққа чиқаради. Худди шу фикрни шеър поэтикасини инглиз тилига ўгириш ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шарқ лирикаси, хусусан форсий ва туркий шеърият намуналари ҳақиқий санъат асарлари даражасида поэтик безаклар, тимсоллар ва рамзларга бой. Инглиз шеърияти эса, асосан, маъно ва фалсафий мушоҳадани биринчи ўринга қўяди. Шарқ лирикасига ғарб китобхонини ошуфта қилиш, унинг жозоба ва сеҳрини таржимада кўрсатиш ҳаракатининг суствлиги ҳам ана шу тўсиқларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Зотан, адекват ўгиришнинг иложи йўқлиги кўриниб турибди. Юқоридаги талабларни эквивалент узатиш ҳам амри маҳол. Қайси йўлдан бориш керак? Ҳар бир таржимонда ушбу саволлар туғилиши табиий.


Ҳар қандай таржима тури мураккаб ақлий меҳнатни талаб қилади. Таржимон олдида аслият тили қонун-қоидаларига таяниб яратилган бирламчи матнни, таржима тили қонуниятларига мос равишда қайта яратиш вазифаси туради. Л.В.Кушнина “уйғунлик” (“гармония”) категориясини таржима сифатини аниқлаш мезони сифатида белгилаганда умуман таржима

¹ Dickinson E. Poems. [Электрон манба]: <https://www.emilydickinson.net/i-could-suffice-for-him-i-knew.jsp>

² Dickinson E. Poems. [Электрон манба]: <https://www.emilydickinson.net/one-sister-have-i-our-house.jsp>

амалиёти мезонларига суянган¹. У шеърий матнлар таржимасига тўхталмаган.

Фикримизча, уйғун таржима эквивалент ва адекват таржимасиз мавжуд бўла олмайди, чунки улар шеърий таржимада уйғунликка эришишнинг қуйи босқичлари саналади. Уни чизмада қуйидагича ифодалаш мумкин:



Уйғун таржима –аслият матнидан англанилиши мумкин бўлган барча маъно вариантларини таржимада қайта тиклашга имкон берувчи динамик матн яратишни тақозо этади. Уйғунлик аслият ва таржима матнлари маъноларини синтезлаш ва мослаштиришдир. Уйғунлик адекватлик ва эквивалентликни инкор этмайди. Эквивалент таржима –шеърий матн таркибий қисмлари орасидаги умумий маъно ва лингвистик сатхдаги мосликни қайта яратишга қаратилган таржима туридир. Биз таҳлилга тортган матнлар орасида бу каби таржималар нисбатан катта қисмни ташкил қилади. Масалан, Умар Хайём қаламига мансуб бўлган ва бир неча таржимонлар томонидан ўгирилган қуйидаги рубоийларга назар ташласак, унда асосий образнинг таржимада алмаштирилгани, аммо шоир назарда тутган маънога эквивалент маъно берилганини кўришимиз мумкин:

Умар Хайём:

Мо лўъбатаконему, фалак лўъбатбоз,
 Аз рўйи ҳақиқат, на аз рўйи мажоз.
 Бозича ҳамекунем бар натъи вужуд
 Афтем ба сандуқи адам як-як боз².

Мазмуни:

Бизлар кўғирчоғу, фалак кўрчокбоз,
 Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
 Йўқлик сандуғига бир-бир тушамиз,
 Вужуд палосида ўйнагач бир оз¹.

¹Қаранг: Кушнина Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: дис... д-ра филол. наук. – Пермь, 2004.

²Умар Хайём. 100 рубои / Мураттиб Абдуманнонов А. – Душанбе: Ирфон, 1984. – С.38.

Аслиятда шоир томонидан тўрт мисрага улкан ҳаёт фалсафаси жойланган. Рубоий “лўъбатбоз, мажоз ва боз” сўзлари ёрдамида “а-а-б-а” кўринишида қофияланган. Биринчи мисра ўн икки, иккинчи мисра ўн уч хамда учинчи ва тўртинчи мисралар ўн бир бўғиндан ташкил топган. Семантик томондан таҳлил қилганимизда, ҳар учала қофиядош сўзлар ўзаро мантиқан боғланганлигини кўришимиз мумкин. Кундалик ҳаётдаги болаларнинг кўғирчоқ ўйнашининг метафора сифатида қўлланилиши, асарнинг поэтик таъсир кучини белгилаб беради.

Винфилд таржимаси:

Мазмуни:

We are but chessmen, destined, it is plain,	Шахмат доналаримиз, тақдиримиз битилган, бу жуда оддий,
That great chess player, Heaven, to entertain;	Буюк шахмат ўйинчиси, Тақдирнинг кўнглини ёзувчи;
It moves us on life's chess-board to and fro,	У бизни тақдирнинг шахмат таҳтасида олдин ва орқага суради,
And then in death's box shuts us up again ² .	Ва кейин бизни яна ўлимнинг қутисига қамайди.

Таржимада аслиятдаги бўғинлар сони ва қофиялар сақланмаган. Метафорик образ бўлмиш “кўғирчоқбоз ва кўғирчоқлар” таржимада “шахмат доналари ва шахмат ўйинчиси”га алмаштирилган. Аммо шоир томонидан қўлланилган қофияланиш тартиби сақланган.

Шаҳриар Шаҳриари таржимаси:

Мазмуни:

The hands of fate play our game,	Тақдирнинг қўллари бизнинг ўйинимизни ўйнайди,
----------------------------------	--

¹Умар Хайём. Рубоийлар /Таржимон Шомухамедов Ш. – Т.: Ўзбекистон КПИМК нашриёти, 1981. – Б. 13.
²Whinfield E.H. The quatrains of Omar Khayyam: The Persian text with an English verse translation. –London: Trubner & CO., Ludgate Hill, 1883. – P. 182.

We the players are given a name.	Биз ўйинчиларга исм берилган,
Some are tame, others gain fame,	Кимлардир сипо, бошқалар машҳурликка эришади,
Yet in the end, we are all the same ¹ .	Аммо охирида, ҳаммамиз бир хилмиз.

Бу таржимада ҳам аслиятдаги бўғинлар сони ва қофиялар сақланмаган бўлса-да, аслиятнинг қофияланиш тартибини қайта яратишга эришилган. Метафорик образ бўлмиш “қўғирчоқбоз ва қўғирчоқлар” таржимада “ўйинчилар ва ўйинни бошқарадиган тақдир қўли” образларига алмаштирилган.

Фитсжеральд:

Мазмуни:

But helpless Pieces of the Game He plays	Аммо у ўйиннинг ночор доналарини ўйнайди,
Upon this Chequer-board of Nights and Days;	Тунлар ва кунларнинг бу шахмат тахтаси устида,
Hither and thither moves, and checks, and slays,	Олд ва ортга суради, мот қўяди ва ўлдиради,
And one by one back in the Closet lays ² .	Ва бирма-бир қайта жавонга солади.

Таржимада аслиятдаги бўғинлар сони ўрнига бутун рубоий учун бир хил бўлган ўн бўғинли мисралар яратилган. Қофиядош сўзлар айнан сақланмаган бўлса-да, шоир томонидан қўлланилган қофияланиш тартиби сақланган. Метафорик образ бўлмиш “қўғирчоқбоз ва қўғирчоқлар” таржимада “шашка тахтасидаги доналар ва ўйинчи”га алмаштирилган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунёвий ёки фалсафий руҳда ёзилган лирик парчалар учун эквивалент таржимани қўллаш осонроқ кечган. Бунинг асосий сабаби, юқорида келтирилган парчадаги каби, ҳар битта миллатда дунёнинг ўткинчилиги, биз бу ҳаётга бир муддатгагина келишимиз

¹Khayyam. Rubaiyat. [Электрон манба]: http://www.iranchamber.com/literature/khayyam/rubaiyat_khayyam2.php

²FitzGerald E. Rubaiyat of Omar Khayyam translated into English verse. [Электрон манба]: <http://www.pgdp.net/>
<https://www.gutenberg.org/files/35260/35260-h/35260-h.htm>. Rubai No 173.

хамда, албатта, бу дунёдан ўтишимиз ҳақида тушунча бор. Шунинг учун ҳам, образлар ва лексик сатҳдаги баъзи ўзгаришларга қарамадан, барча таржимонлар эквивалент таржима яратишга ҳаракат қилганлар.

Айрим ҳолларда, адекват таржима ҳам уйғун таржимани таъминлаши мумкин. Унинг асосий шарти – мисралардаги сўзларнинг бир-бирига тўлиқ мос бўлиб қўлланилишидир. Бундай ҳолат шакл ва маънонинг аслият матни билан бир хил бўлишидан келиб чиқади. Бироқ юқорида кўриб ўтилган тил сатҳлариаро мавжуд бўлган номувофикликлар бутун бошли шеърий парчаларни эмас, кам сонли оддий сўзлар ёки гапларни ўгиришга имкон бериши мумкин, холос. Масалан, “пэдар – father”, “модар-mother” сўзлари шаклан бир-бирига ўхшаш, маъно нуқтаи назаридан ҳам адекват таржима қилса бўлади, аммо масалан, “ука – brother” ёки “ака – brother”, “она – mother”, “ота – father” да шаклий мослик бузилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, фақат ғализ таржималаргина уйғунликка имкон бермаслиги мумкин. Ғализ таржима деганда лингвистик бирликларнинг нотабий ёки ноодатий қўлланилиши натижасида ҳосил бўлиб, сунъий ёки зўрма-зўраки бириктирилган сўзлардан ташкил топиши натижасида аслиятнинг маъноси бузиб талқин қилинган матн таржимасини тушунишимиз керак.

Шарқ мумтоз адабиётидан турли даврларда амалга оширилган таржималар ичида бу турга мисол бўладиган бир талай матнлар мавжуд. Масалан, куйида Ҳофиз Шерозийнинг турли даврларда инглиз тилига таржима қилинган ғазалидан бир байтни келтирамиз:

Ҳофиз	Ж.Ҳиндли	Дж.Б. Гилкрайст	В.Кларк	Раджив Чакраварти
Мутреби ҳуш наво бигу, тозэ бэ тозе, нув би нув,	Oh, minstrel with a sweet voice! begin an air that is	sweetest minstrel of the throng! with fresh and	Sweet mistrel! The sweet lay utter –afresh, anew.	O minstrel, sing your song anew

	fresh and new:	various notes prolong;		
Бодае дилкушо бижу, тозэ би тозэ, нув би нув ¹	Call for heart expanding wine fresh and fresh. ²	in nectar from the realms above, the heart inspiring joys of love ³ .	The wine, heart- expanding seek –afresh, anew ⁴ .	O maid of the bar, I need your brew ⁵ .

Аслиятнинг зоҳирий маъноси: “Чолғучи, айлагил наво, бўлсин янги ва янги, хилма-хил; Изла (ёки топ) дилни шод этувчи шаробни, бўлсин янги ва янги, хилма-хил”.

Созанда ва хонанда мутриб деб аталади. Сўфийлар куй чалиб, қўшиқ айтиб транс ҳолатига тушадилар. Чолғучи образи орқали илоҳий ишқдан маст сўфий ифодаланари. Шунинг учун сўфий адабиётида образли тарзда мутрибга мурожаат қилиш бадиий усул ҳисобланади. Байтнинг ботиний маъноси: Эй сўфий, шундай наволар қилгинки, яъни Аллоҳ сирларидан гапиргинки, янги ва янги, хилма-хил бўлсин.

Бу байтнинг тўрт таржимон томонидан амалга оширилган ўғирмаларининг ўзбек тилидаги сўзма-сўз кўринишини таҳлил қилсак:

Ж.Ҳиндли	Дж.Б. Гилкрайст	В.Кларк	Раджив Чакраварти
О, ширин овозли чолғучи! Янги ва янги ҳавони	Оломоннинг энг ширин чолғучиси! Янги	Ширин чолғучи! Сўзингни ширин тўшагин: янги,	О, чолғучи, қўшиғингни янгитдан куйла

¹Gilchrist J.B. The Hindee moral receptor; or Fundamental principle of Persian grammar, as the Hindoostanee scholars' shortest road to the Persian language and vica-versa. – London, 1821. – P.123.

²The flowers of Persian literature. London, 1805. – P.179.

³Gilchrist J.B. The Hindee moral receptor; or Fundamental principle of Persian grammar, as the Hindoostanee scholars' shortest road to the Persian language and vica-versa. – London, 1821. – P.123.

⁴Clark H.Wilberforce. The divan-i-Hafiz. Translated for the first time, out of the Persian into the English prose. Vol.II. – Calcutta, 1891. – P.791

⁵300 Ghazals of Hafiz Shirazi (Romanized Persian) Translations in Urdu and English. – P.246.

бошла.	ва турли хил нолалар билан давом эт.	янгидан.	
Юракни кенгайтирувчи шаробни чақир янги ва янги	юқоридаги соҳалардан нектарда, юрак уйғотадиган муҳаббат қувончларида.	Шароб, юракни кенгайтирадиган излагин: янги, янгидан	Эй барнинг хизматкор қизи, менга сенинг пивонг керак.

Байт форс тилида ўқилганда, ҳар бир мисра умумий ўн олти бўғиндан ташкил топган бўлиб, унинг тенг ярми радифга тегишли бўлгани учун ўйноқи ва уйғун ритм ҳосил бўлади. Бу байтнинг осон ўқилиши ва ёдда қолишини таъминлайди. Кўриб турганимиздек, юқоридаги таржималарнинг бирортасида, биринчидан, шаклий мослик сақланмаган. Иккинчидан, таржималарда лексик ва семантик хатоларга йўл қўйилганлигини кўришимиз мумкин.

Л.В.Кушнинанинг тўрт компонентдан иборат таржимани баҳолаш тизимида барча таржима матнлар ўзларининг сифатига кўра пастдан юқorigа қараб “дисгармоник”, “адекват”, “эквивалент” ёки “гармоник” таржималарга бўлинади. Унга кўра, таржиманинг сифат даражасидаги энг паст ўринда турадиган тури бу дисгармоник таржима бўлиб, шаклнинг адекватлиги маънонинг адекватлигини таъминлай олмайди; шу сабабли ҳам бу турдаги таржима квазиадекватлик (шакл сақланса-да, маънонинг бутунлай тушунарсиз бўлиши)ни ҳосил қилади¹. Дисгармоник таржима айти биз назарда тутган ғализ таржима таърифига тўғри келади.

Олима томонидан тақдим этилган таржима сифати кўрсаткичининг пастдан иккинчи қаторини адекват таржима эгаллайди. Адекват таржима деганда, олима матнлар орасида аслиятнинг тема-рематик кетма-кетлигини

¹Қаранг: Кушнина Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: дис.... д-ра филол. наук. – Пермь, 2004.

тўғри сақлаб, фактуал маълумотларнинг таржима жараёнида тўғри кўчирилишини тушунади.

Эквивалент таржима Л.В.Кушнина концепциясининг марказини ташкил этади. У эквивалент таржима матндаги фикрлар ва ибораларнинг ўзаро модал, образлилик, рефлексив ва контекstdан англашилувчи маънолари орасидаги мутаносибликдан келиб чиқади, дея таъкидлайди.

Таржима сифатининг энг юқори босқичида гармоник ёки уйғун таржима ҳосил бўлади. Олиманинг фикрига кўра, таржимон аслият матнининг маданий бирликлари ва маъноларидаги фарқларни таржима тилига ўгириб бериш вазифасини амалга ошира олса, гармоник таржима юзага келади¹.

Дарҳақиқат, уйғун таржима лирик матннинг мисра, байт ва бандлар қурилиши, асарнинг умумий ритми, шаклий безаклари (масалан, қофия ва радифлар), семантик хусусиятлари (масалан, шоир томонидан назарда тутилган турли хил тағ маънолар) ва поэтик бўёқдорлигининг таржима матнида қайта яратилишини назарда тутаяди. Бунда, айнан шоир қўллаган сўз ва жумлаларнинг сўзма-сўз таржима қилиниши талаб этилмайди. Таржима қилиниши объектив қонуниятлар туфайли мумкин бўлмаган бирликлар (масалан, аруз вазни, араб ҳарфларининг шакллари билан боғлиқ бадий санъатлар) таржима тилида ўхшаш бирликлар билан алмаштирилиши, мос бирликлар умуман бўлмаганида эса, изоҳ сифатида берилиши мумкин. Масалан, Паҳлавон Маҳмуд қаламига мансуб қуйидаги рубоийни А.Обидов, Э.Очиловнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси асосида инглиз тилига катта маҳорат билан таржима қилганини кўрамыз:

Паҳлавон Маҳмуд	Э.Очилов таржимаси	Аъзам Обидов таржимаси
Делдор маро гуфт черо ғамгини?	Дилдор сўради: “Сўйла, нечун қайғуда дил?	My sweetheart asked: “Why are you so sad and weary?
Дар қайди кадом	Ё бир пари талъатми	Did you fall in love with any

¹Кушнина Л.В. Ўша асар. – С. 362

делбари ширини?	кулиб олди кўнгил?”	fairy?
Бар хостаму оина ба	Тутдим кўлига кўзгу-ю,	I gave her a looking glass and
дасташ додам,	қилдимки жавоб:	replied:
Гуфтам ке дар оина	“Ойнада кўрганинг	The one in the mirror made
киро мебини? ¹	ғамим боиси бил!” ²	me dreary ³ .

Шуни таъкидлаш керакки, А.Обидов рубойини воситачи тил орқали қилган бўлса-да, аслиятдаги “ғамгини, ширини ва мибини” қофияларини шакллантирувчи товуш “-ини”ни инглиз тилида “weary, fairy ва dreary” сўзларини қўллаш билан қайта яратишга муваффақ бўлган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турганидек, уйғун ёки гармоник таржима деганда, аслият ва таржима матнларида лисоний ва маъновий бирликларининг ўзаро мослиги асосида таржима жараёнида икки тил ва маданият ўртасида коммуникацияни амалга оширадиган таржима тушунилади. Бунда бирламчи ва таржима матнлари орасида маъноларнинг тўлиқ кўчиши содир бўлади. Ўгирилган матн аслият матни билдирган маънога тўла мос келади.

Уйғунлик назариясини шеърий таржима жараёнида қўллаганимизда, Л.В.Кушнина таклиф этган мезонларни поэтик матн қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мумкин. Назмнинг насрий матндан асосий фарқ қиладиган жиҳати бу, албатта, унинг шаклий хусусиятидир. Поэтик парчаларда ритм, такт, вазн, шу билан бирга, қофия ва радиф каби безакларнинг ҳам мавжудлиги шеърий матн таржимасида ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан, таржимоннинг энг асосий вазифаси тиллар орасидаги тафовутларни силлиқлаштиришдир. Хулоса қилиб айтганда, таржима – бу, аслият матнини ўзга тилда ғоявий, лисоний ва шаклий қайта тиклаш жараёни. Шундай экан, сифатли амалга

¹ Пахлавон Маҳмуд. Рубойлар / Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, – Б. 45.

² Пахлавон Маҳмуд. Рубойлар. [Электрон манба]: http://n.ziyouz.com/books/sharq_mumtoz_adabiyoti/Pahlavon%20Mahmud.%20Ruboiyot.pdf

³ Пахлавон Маҳмуд. Рубойлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

оширилган таржима нафақат лисоний, грамматик, шаклий ва мазмуний, балки услубий ҳамда бадиий таъсир кучи ва миллий ўзига хослигининг сақлаб қолинганлиги нуқтаи назаридан ҳам муқобил бўлиши муҳим. Таржима аслият матни каби китобхонга завқ бера олган тақдирдагина уни уйғун деб ҳисоблаш мумкин.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Тилларнинг товуш, сўз ясалиши, гап қурилиши, услубий, прагматик ва маданий тизимларидаги тафовутлар шеърий асарни таржима қилишда муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Шарқ тилларидан инглиз тилига қилинган бир қатор шеърий таржималарнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда шаклан сиқик, аммо бадиият даражаси юқори бўлган кичик лирик жанрларни таржима қилишда йўл қўйилган юзаки ёндашув икки тил адабиёти назарияси ва поэтикасидан хабарсизлик оқибатида юз берган.

2. Таржима назариясида шакл ва маънони бирдек узатишнинг имкони бўлмаганда, айнан нимани қурбон келтириш лозимлиги узлуксиз баҳсларга сабаб бўлиб келаётган мавзудир. Зотан, доимо маънони ҳар нарсадан устун қўйиш, шу билан шакл ва поэтик ифода таржимасини иккинчи даражали деб ҳисоблаш одат бўлган. Шеърни насрий асардан фарқловчи энг муҳим унсурлар сирасига айнан шакл, маъно ва поэтик тил кирар эканми, уйғун таржима ҳар учала томонни бирлаштириш орқали амалга ошади. Уйғун таржима учун шеър шакли ва бадииятини сақлаш, маънони аниқ узатиш муҳим саналади.

3. Ҳар қандай таржима жараёнида аслият матни маълум бир ўзгаришларга учраши табиий. Шеърий матн поэтикасини қайта тиклашда нафақат лингвистик билимлар, балки, муаллиф яшаган ҳамда бевосита таъсири остида бўлган даврнинг адабий-эстетик тушунчаларини ҳам англаш уйғун таржима яратишнинг гаровидир.

4. Уйғунлик категориясининг лирик матнлар таржимаси сифатини белгилашда асосий мезон бўлиши аслият матнларининг ҳам шакл, ҳам маъно, ҳам поэтик хусусиятларини сақлашга ёрдам беради. Назарий

таржимашуносликнинг адекват ва эквивалент таржима ўртасидаги азалий баҳсига уйғун таржима яқун ясаши мумкин. Зеро, адекватлик ва эквивалентлик уйғун таржима йўлидаги босқичлардир.

II БОБ. ҒАЗАЛ ТАРЖИМАСИДА УЙҒУНЛИК КАТЕГОРИЯСИ

2.1§. Ғазал таржимасида шаклий-семантик уйғунликка эришиш

Жанр сифатида ғазал маълум бир қонун-қоидалар асосида ёзилган мумтоз шеърнинг бир шаклидир. Филология фанлари доктори Д.Юсупова ғазалнинг ўн шаклини фарқлаб кўрсатади¹.

Ғазал, шаклан, уч байтдан ўн тўққиз байтгача бўлади. Ғазалнинг қофияланиш тартибини қуйидагича келтириш мумкин:

- 1) “а-а, б-а, в-а, г-а” – оддий ғазал;
- 2) “а-а, а-а, б-а, в-а...” – ғазали хусни матла;
- 3) “а-а, а-а, а-а, а-а” – ғазали зеб қофия;
- 4) “а-а, б-б, в-в, г-г” – ғазали зулқофиятайн;
- 5) “б-а, в-а, г-а, д-а” – ғазали қитъа;

Д.Юсупова таснифи бўйича ғазалнинг яна мусажжаъ, муаммо, мувашшах, мушоира, зулрадифайн ғазал каби шакллари мавжуд².

Юқоридаги таснифдан хабардор бўлиш таржима матнини аслият матнига шаклан мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутди. Ғазалнинг вазнини қайта тиклаш имкони йўқлигини ҳисобга олганда, ҳар ҳолда шаклни сақлаб қолиш ғарб китобхони учун ғазал ҳақида тасаввур олишга ёрдам беради.

Ғазалларда ифодаланган мавзулар, ғоясидан келиб чиқиб ошиқона, орифона, баҳория, наврўзия, шитоия, марсия, ҳажвия каби турларга бўлинади³. Ҳар бири ўзига хос руҳияти билан бир-биридан фарқ қилади. Буни билиш таржимонга таржимада руҳни берадиган сўзларни танлашига ёрдам беради.

Ғазал шакллари ўз таркибидаги байтларнинг ўзаро маъновий боғланишига кўра қуйидаги кўринишларда учрайди:

- а) якпора ғазал – барча байтлар бир мавзу доирасида қурилади;

¹ Юсупова Д. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. – Т.: Таълим-медиа нашриёти, 2019.

² Юсупова Д. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. – Т.: Таълим-медиа нашриёти, 2019. – Б. 123-129.

³ Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият луғати. Адабий жанрлар, шеър санъатлари, аруз ва қофия, Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 174.

б) пароканда ғазал – якпора ғазалга тескари равишда, ҳар битта байт алоҳида мувзуда битилади, аммо умумий вазн ва ритм ғазалнинг бир бутунлигини таъминлаб беради.

в) мусалсал ғазал – шоир томонидан матлада ифодаланган фикр то мақтага қадар силсилавий равишда, яъни бирма-бир ривожлантириб борилади;

г) воқеабанд – ўз номидан кўриниб турганидек, ғазал бирор воқеанинг тасвирига бағишланади.

Инглиз тилига ғазалларни таржима қилишда юқорида келтирилган шаклий талабларни ёдда тутиш муаллифнинг фикрлаш тарзини ўқувчига аниқ етказишда муҳим ўрин эгаллайди.

Куйида Бобур томонидан битилган “яхшилиғ” радифли ғазалнинг байти ва унинг таржималарини таҳлил қиламиз.

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?

Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!¹

Ушбу байтнинг ҳар бир мисраси ўн беш бўғиндан иборат бўлиб, улар 7+8 бўғин кўринишида синтагматик бўлинган. Унда “жаҳондин” ва “ондин” сўзлари қофия, “яхшилиғ” сўзи эса радифдир. Биринчи мисрадаги “ким кўрубтур” ва иккинчи мисрадаги “кўз тутма” бирикмалари ўзаро параллель қурилгани ҳосил қилмоқда.

Умуман олганда бу ғазал тушкун кайфиятни ифодаловчи руҳият, ҳаётда инсон кўп бевафолик ва қадрсизланишга дуч келиши ҳақида файласуфона фикр атрофида қурилган.

Лейден-Эрскин таржимаси:

*Oh, my soul! Who has ever experienced
good treatment from worldlings?*

Мазмуни:

Оҳ, менинг қалбим! Ким дунёвий
кишилардан яхши муомалани
бошидан ўтказган

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Париж девони нусхаси: Шеърлар (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Ҳасан). – Т.: Ёзувчи, 1993. – Б. 16.

*Hope not that those in whom there is no good, can show it to others?*¹ Умид қилма уни, улардан, кимда яхшилик йўқ, кўрсата оладими уни бошқаларга?

Инглиз тилидаги “worldlings” сўзини “дунёга оид”, “дунёвий”, “дунёнинг кишиси” деган маъноларда тушуниш мумкин. Бу ўринда таржимон аслият матнидаги сўзни конкретизация усулидан фойдаланиб таржима қилмоқда. Сабаби, Бобур мазкур ғазалнинг мақтасида дунёга очик назар билан боқувчи кишиларни эмас, умуман олганда, бутун одамзодни назарда тутмоқда. Назаримизда, таржимон “аҳли жаҳон” бирикмасидаги “жаҳон” сўзини айнан сақлаб қолишга уринишидан шундай натижа келиб чиққан. Мазкур парчанинг таржимасида биринчи мисранинг маъноси яхши сақланган бўлса-да, иккинчи мисрадаги маъно аслиятдагидан ўзгариб кетганини кўришимиз мумкин.

А. Беверидж таржимаси

Мазмуни:

Who, o my heart, has seen goodness from worldlings? Ким, о кўнгил, яхшилик кўрган дунёвий кишилардан?

*Look not for goodness from him who has none*². Кутма яхшиликни яхшилиги бўлмаган кишидан.

Бу таржимада ҳам аввалги матндаги хатолар қайтарилганини кўриш мумкин. Яъни биринчи мисра маъноси яхши сақланган бўлса-да, иккинчи мисрадаги фикр ўзгариб кетган. Иккинчи мисра бошидаги “*Look not for*” бирикмаси таркибида ҳам аслият матнидани “кўз тутма” бирикмасининг шаклий уйғунлигини кўра олишимиз мумкин. Шунга қарамай, иккинчи мисранинг маъноси Бобурнинг матнидан бутунлай фарқ қилгани ҳолда – “яхшиликка қодир бўлмаган инсондан яхшилик кутма” дея таржима

¹Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan, written by himself in Jaghatai Turki and translated partly by the late John Leyden, partly by William Erskine with Notes and a Geographical and Historical Introduction, London, 1826. – P. 137.

²Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. – London: LUZAC & CO, 1922. – P. 130.

килинмокда. Бу эса ўз ўрнида таржимада семантик хатоликни келтириб чиқармокда.

В.М. Текстоун таржимаси

Мазмуни:

Who has seen, o heart, good of the people of the world?

Ким кўрган, эй юрак, дунё кишиларидан яхшилик?

Expect no good of him in whom there is no good¹.

Ичида яхшилиги бўлмаган кишидан яхшилик кутма

Учинчи таржимада юқоридаги икки таржиманинг биринчи мисрасидаги хато тузатилган бўлса-да, иккинчи мисра “ҳалигача аслида яхши бўлмаган одамдан яхшилик кутма”, деган маънода хато таржима қилинган. Учала таржимада ҳам аслиятдаги қофия ҳам, радиф ҳам, ритм ҳам сақланмаган. Бундан ташқари, уни шеърӣ таржима деб бўлмайди. Хато таржима қилинган таглама оқибатида ғализ таржима келиб чиққан.

Алишер Навоӣ қаламига мансуб “Қаро кўзум” ғазали таржималарига кўз ташласак.

Байт:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилгил².

Байтнинг маъноси: Отингга бағрим қонидан хино қўйгин, итингнинг бўйнига эса бечора жонимнинг ипидан бўйинбоғ боғлагин.

Ит вафо рамзидир. Бундан ташқари, бу ерда Мажнунга ҳам ишора бор: у айрилиқда Лайли итини қучоғлаб йиғлайди. Байтдаги навбатдаги анъанавий образ хино боғлаш маросими билан боғлиқ. Хинони оғриб қолганда, кўз тегишининг олдини олиш учун ёки байрамларда ирим қилиб, товон ва кафтларга боғлашади. Хино қуримагунича киши ёки умуман юра олмайди ёки жуда секинлик билан ҳаракатланади. Ёр от устида, яъни тез кетиб қолиши мумкин. Шоир, ёр кетиб қолмаслиги учун отининг туёқларига

¹Thackston W.M. The Baburnama: Memoirs of Babur, prince and emperor / translated, edited, and annotated by Wheeler M. Thackston. –Washington DC, 2002. – P. 97.

²Алишер Навоӣ. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 3-жилд. – Б. 297.

Ўзининг бағир қонидан, иккаласининг ранги ҳам бир хил, хино боғлаб кўйишга тайёр. Маъшуқасиз узилиб кетиш арафасида турган жонининг риштасидан эса унинг ити учун бир бўйинбоғ қилиб беришга рози.

Д.Султанова таржимаси:

And with the blood bleeding from mine heart, color thy feet and toes,
Flirting by side of me, your dog, his web of life lengthened make.¹

Мазмуни:

Ва қон оқаётган меники юрагимдан ўзининг оёқларинг ва оёқ бармоқларингни бўя,

Ноз-карашма билан итинг ёнимда, унинг ҳаёт риштасини узайтиргин.

Биринчидан, “mine heart” бирикмаси инглиз тилидаги аниқловчи-аниқланмишнинг ўзаро боғланиши қонидасидан келиб чиққан ҳолда “my heart” сифатида ўқилиши лозим, бу ҳам таржимон эмас, матннинг электрон кўриниши тайёрланаётган вақтида юзага келган хатолик бўлиши керак. Сўзма-сўз таржимадан кўришиб турганидек, жумланинг “thy feet and toes” қисми аслият матнига зид. Хино ва йўрға образлари таржимадан тушириб қолдирилган бўлиб, ёрнинг ўз товони ва оёқ бармоқларини шоирнинг юрак қони билан бўяшга ишора бор. Байтнинг иккинчи мисрасига негадир ноз-карашма қилаётган итнинг образи киритилган бўлиб, ёрдан унинг умрини узайтириб берилиши сўралмоқда. Бундан ташқари, итнинг бўйнига солинадиган арқонни “web”дан кўра “leash” сўзи билан бериш мақсадга мувофиқроқ бўларди. Таржимон томонидан “web of life” деган ибора назарда тутилмоқда. Қадимги юнонлар ва римликлар ҳар бир тирик мавжудотнинг “ҳаёт ипи” бўлади дея ишонишган. Ер ости худоси Аиднинг ёрдамчилари бўлмиш уч нафар кўзи кўр башоратчи маъбуд инсоннинг ҳаёт ипини кесганда киши оламдан кўз юмар экан. Юқоридаги ибора айнан шу афсонадан келиб чиқади. Таржимон итининг умри узун бўлсин деган маънони бермоқда. Аслиятда эса, бу маъно йўқ.

Л.Кметьюк таржимаси:

¹Sultanova D.S. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro‘z nashriyoti, 2015. – Б. 19.

Splash the hooves of your brave steed in me heart's blood.
And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul¹.

Мазмуни:

Сачрат туёқларига довюррак отингнинг менда юрак қонимни,
Ва тўки бўйинтуруқ итингга пайларидан менинг ғамли қалбимнинг.

Мисрадаги “in me heart's blood” ибораси “with my heart's blood” билан алмаштирилганда маъно равшанлашган бўлар эди. Мазкур таржимада отнинг образи сақланган бўлса-да, хино берилмаган. Натижада, нега юракнинг конини отга сачратиш керак бўлганлиги номаълум бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, хино товон учун мўлжалланган бўлиб, ёр отини тўхтатиб туриш функциясини бажаради. “Splash” (“сачратиш”) сўзи хино қўйиш жараёнидан анча тез амалга ошади. Сачратиш одатда тайёргарлик талаб этмайди. “Жон риштаси” ибораси билан шоир юракнинг пай ва мускулларини эмас, метафорик образни назарда тутмоқда. У ришта узилгач, инсон ҳаётдан кўз юмади. Шоирга ёрсиз ҳаёт керак ҳам эмас. Унинг ҳаёти ёрнинг қўлида.

Д.Дэйли таржимаси:

Quiet your fierce steed in this heart's running river
And leash your dog with tendons from that structured soul².

Мазмуни:

Тинчлантир ўзингнинг асов отингни бу юракнинг оқар дарёсида,
Ва боғла итингни пайлари билан у мураккаб қалбнинг.

Бу таржима соҳибининг энг заиф жойи ўзбек тилидаги нозик иборалар, атамаларнинг асл маъносини билмаслигида кўринади. “Таковар” образи йўрғалаб, назокат била юрадиган отга нисбатан қўлланилади. У асов эмас, аксинча, жуда ювошдир. Маъшуқа, таржимадан кўриниб турганидек, “fierce” (асов) отга, яъни одатда кўпқари ёки жанговор отга миндирилган. Бундан ташқари, отни юракнинг оқар дарёси – қони билан тинчлантиришга шаъма бор.

¹ Уммондан дурлар. Навоий шеърятидан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 114.

² Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 39.

Аслиятдаги хино образи ҳеч бир таржимада сақланмаган, аммо биринчи (ёрниг ўзини, отини эмас) ва охириги таржималарда (отга юрак қонини ичириш билан) тўхтатиш ва тинчлантириш образлари қўлланилган.

Кейинги байт:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб, яна ул тоғда кўхкан қилғил.

Мазмуни:

Мен ўлганимдан кейин, менинг тупроғим фироқ тоғидан топилса агар, эй фалак, ундан лой ясагинда яна бир бор ўша тоғда тош йўнувчи қилиб ярат.

Байтда ишқ йўлида чекилган фироқ азоблари гўё тоғда тош йўниб, йўл очувчи тошкесарнинг оғир меҳнатига қиёсланади. “Агар”, дейди шоир, “фироқ азобида қанчалик машаққат тортмайин, то маҳбубам васлига эришмагунимча шу ишдан қайтмайман”.

Бу руҳнинг Аллоҳга соф ва покиза ҳолда қайтиш йўлида дунё ва нафс исканжасида туриб солган фарёдиннинг метафораси деса бўлади. “Кўхкан” сўзининг луғавий маъноси –тош йўнувчидир; бу Фарходнинг лақаби ҳамдир. Фарход Навоийгача ёзилган “Хамса”лар туркумида мавжуд бўлмаган образ бўлиб, унинг исми “фироқ”, “ранж”, “ҳажр”, “оҳ” ва “дард” сўзларининг биринчи ҳарфларидан иборат. У Илоҳий ишқ дардига йўлиққан маъсум ошиқ тимсолидир.

Д.Султанова таржимаси:

O Earth, if my dust were found in the mountains of separation,
Knead dough and of it below that mountain notable mound make.

Мазмуни:

O Ер, агар менинг чангим топилса айрилиқ тоғларидан,
Ундан хамир қориб ўша тоғ этагида кўзга кўринар тепалик қил.

Мисрадаги “Эй чарх” бирикмаси “O Earth” билан, “кўхкан” эса “notable mound below that mountain” бирикмаси билан таржима қилинган. “Чарх”нинг –АНАТИЛда: 1. Гардиш; 2. Осмон; 3. Давр; 4. Толье каби маънолари бор. Функционаллик нуқтаи назаридан, шоир айланадиган, ўзгарадиган замонга

мурожаат қилмоқда. Таржимон томонидан ишлатилаётган “Earth” (Er) ҳам айланади; таржимон бу сўзнинг “дунё” деган маъносини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин. Бироқ инглиз тилида “O Earth” иборасини шеърятда ишлатиладиган ундалмалар қаторига киритиб бўлмайди. Иккинчи мисрада келтирилган образ бундан ҳам кўпроқ ўзгаришга учрамоқда, хусусан, таржимон “тоғ этагида кўзга кўринар тепалик”ка айланиш истагини билдирмоқда. Аслиятда бу ҳақда сўз бормаган. Бу таржимоннинг инглиз шеърятда қўлланиладиган образлар тизимидан яхши хабардор эмаслигини кўрсатади.

Л.Кметьюк таржимаси:

O Heaven, if at the foot of the mountain of separation my dust is discovered
Knead it into dough and sculpt from it a powerful stone mason.

Мазмуни:

О, фалак, агар айрилик тоғининг этагида менинг чангим топилса
Ундан хамир қилиб, ундан кучли тош йўнувчи ясагин.

Таржимада шоирнинг тупроғи “at the foot of the mountain of separation” айрилик тоғи “этаги”дан топилиши мумкинлиги айтилганини ҳисобга олмасак, маъно жиҳатидан аслиятга яқинликка эришилган

Д.Дэйли таржимаси:

One day, dear God, let someone find my hidden dust,
Knead a dough with it, sculpt greatness, an artist’s soul.

Мазмуни:

Бир куни, Художон, кимдир менинг яширин чангимни топиб олсин-да,
Ундан бир хамир қилиб, буюкликни ясасин, рассомнинг қалбини.

Таржимада шоир бевосита Худога мурожаат қилмоқда. Маъно жиҳатидан мантиқан тўғри. Чунки инглиз адабиётида Илоҳий ишқ мавзусидан кўра, заминий муҳаббат тараннумига кўпроқ эътибор берилади. Шу жиҳатдан Худога мурожаат инглиз ўқувчиси учун тушунарли. Аммо айрилик тоғи образи тушириб кетилган. Иккинчи мисрада таржимоннинг

материалистик қарашлари натижасида байт реалистик мазмунга эга бўлиб қолган: чанг-тупроқдан лой қориб, қалб ясаши сўралади.

Шуниси эътиборлики, ҳар учала таржимада ҳам “Эй чарх” уч хил таржима қилинган.

Байт:

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин аёғ чин ила шикан қилғил.

Мазмуни:

Агар қалблар сенинг висолингга эришишини истасанг, узун сочингни бошдан-оёқ жингалак қилиб ўргин.

Мазмуни:

Should you wish the hearts to rich the beauty of your face,
From head to toe of your hair make curls and ringlets

Сўфийлик тариқатига кўра, олам Аллоҳ гўзаллигининг тажаллийсидир. Бизнинг дунёмиз, Аллоҳнинг жамоли олдида кўримсиз ва нурсиз бир макондир. Мисрада келтирилган ёрнинг юзи –Аллоҳ нурининг метафорасидир. Унинг қора сочлари эса биз яшаб турган дунёдир. “Чин” сўзининг маънолари: 1. Рост ва 2. Печдир¹; “шикан”нинг маънолари: 1. Буралиш; 2. Жингалак; 3. Синдирувчи. Сочни бошдан оёқ чин ила шикан қилишлик –умр давомида, Аллоҳнинг жамолига етмоқни истаган банда, ошиқ, дунё қийинчиликларидан ўтиши лозимлигига ишорадир.

Д.Султанова таржимаси:

If you take care of showing thy grandeur to your true lovers,
Let your hair down and around your slender waist it curled make.

Мазмуни:

Агар сен бетакроп жамолингни сенинг ҳақиқий ошиқларингга кўрсатишни хоҳласанг,

Сочингни пастга ёйиб ташла-да, уни нозик белинг атрофида жингалак қилгин.

¹ АНАТИЛ III жилд. –Т.: Фан, 1983. – Б. 46.

Аслият билан таржимада прагматик эквивалентликнинг яратилишига тўсқинлик қиладиган омиллар мавжуд. Улардан бири тиллар орасида рамзий образларнинг бир-биридан фарқ қилишидир. Масалан, юқорида кўриб ўтилган “curls and ringlets” ибораси инглиз китобхонида “қийинчилик” маъносини бера олмайди. Шоир тилимизнинг улкан қудратидан фойдаланган ҳолда яратган ажойиб метафорик образ таржимада ўз эстетик ва таъсир кучини йўқотган. Бундан ташқари, аслиятдаги “бошдин аёғ” бирикмаси, таржимада “slender waist” (“нозик бел”)гача қисқартирилган. Аслида, асл иборани берса мақсадга мувофиқ бўларди.

Л.Кметьюк таржимаси:

If you wish to enrapture hearts in love by a meeting with you
Curl your long hair into ringlets.

Мазмуни:

Агар сен қалбларни севгида ҳайратда қолишларини истасанг
сен билан кўришганидан,

Жингалак қил ўзингнинг узун сочингни ҳалқаларга

Таржимада “curl” оти феъл билан алмаштирилган. Маъно нисбатан сақланган бўлса-да, шакл устида ишласа бўларди.

Д.Дэйли таржимаси:

If you seek to enthrall a lover, to lure him in,
Fix your long hair into ringlets, bewitch his soul.

Мазмуни:

Агар сен ошиғингни ҳайратда қолдиришни истасанг, уни ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг,

Ўзингнинг узун сочингни жингалак қилиб, унинг қалбини сеҳрла.

Матнда “lure” ва “bewitch” сўзларининг ишлатилиши шаклни қайта яратишга имкон берган, аммо Навоий назарда тутган ирфоний маънони қайта тиклашга эришилмаган.

Байт:

Хазон сипоҳиға, эй боғбон, эмас монеъ,

Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Мазмуни:

Эй боғбон, ўз боғингни келаётган хазон лашкаридан омон асраш учун, боғ томига игнадан найзалар қадаб чиқсанг ҳам, куз келади. Уни қайтариш ёки тўхтатишнинг иложи йўқ.

Инсон гўдакликдан қариликка юз тутишга маҳкум. “Хазон сипоҳи” кишини кутаётган қариликнинг метафорасидир. Киши ҳар қанча чиранмасин, мангу ёш бўлиб қола олмайди. Худди шунингдек, кўз қорачиғидек асралган боғга ҳам, куз келишининг олдини олиш мумкин эмас. Боғбон табиат қонуни олдида ожизки, унга хатто игнадан қилинган тиканлар ҳам ёрдам бера олмайди. Шу ўринда, “игнадин тикан” қилиш бирикмаси эътиборга молиқки, у шоир яшаган даврларда, кишилар ўз уйларини ҳимоялаш мақсадида деворларининг устини ўткир тиканакларни жойлаштиришганидан олинган. Уларнинг ҳимоялаш функцияси, ўз навбатида, келаётган сипоҳ образи билан ҳамоҳанг тушган: This stanza sound strange to ghazal and this is a peculiarity of the style of Navoi.

Д.Султанова таржимаси:

O gardener, you can't rescue the garden from downward fall,
Tho' thorns made of needles cover its roof, of them thou grate make.

Мазмуни:

О, боғбон, сен қутқаролмайсан боғни тушаётган куздан,
Гар игналардан қилинган тиканларни унинг томига ёпиб, улардан тўсиқ қилсанг ҳам.

Инглиз тилида “Хазон сипоҳи” бирикмаси сўзма-сўз “The troop of falling leaves” билан таржима қилинади. Аммо бу бирикма инглиз тилида мавжуд сўз бирикмаси бўлмагани учун ҳам, таржимон унинг маъзани чаққан ҳолда, бирданига “fall” (куз) деб бермоқда. “Grate” сўзининг маъноси тўсиқ, аммо у панжарали тўсиқдир. Навоий эса бостириб келаётган қўшинга қарши учли найзаларни ерга қадаш фикрини илгари сурмоқда. Умуман олганда, таржимада байтнинг маъносини тушунтириб беришга эришилган.

Л.Кметьюк таржимаси:

There is little the gardener can do to stop advance of the Fall,
Should he even spike the roof of his garden with pine needles.

Мазмуни:

Боғбон кам нарса қила олади, кузнинг келишини олдини олиш учун
Агар у боғ томига арча нина барглари экиб чиқса ҳам.

Мазкур таржимада ҳам, “fall” (куз) сўзи аслиятдаги метафоранинг ўрнига ишлатилмоқда. “Игнадин тикан” инглиз тилида конкретлашиб, “pine needles” (арча ниналари)га айланган. Мазкур трансформация ўринсиз амалга оширилган деб ҳисоблаймиз, сабаби, арча нинаси ва шоир назарда тутган темирдан ясаладиган нинадан мўртдир. У қўшинга қарши ишлатилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, матннинг асосий семантик маъноси *тикан* сўзи атрофида жойлашган, сабаби боғда одатда гул бўлади, гулнинг эса биламизки, ниналари эмас, тиканлари бўлади.

Д.Дэйли таржимаси:

Gardeners heap pine needles to hold the season.
But to no avail. Autumn’s chill touches each soul.

Мазмуни:

Боғбонлар фаслни ушлаб туриш учун арча нина барглари йиғиб кўйишади, Аммо бефойда. Кузнинг совуғи ҳар бир қалбга тегади. Аслиятдаги шарт эргаш гапи таржимада нотўғри талқин қилинган. Аслида, боғбонлар одатда ҳар фасл табиатда ўз вазифасига эгалигини яхши тушунган ҳолда, бирор фаслнинг кўпроқ давом этиши учун ҳаракат қилмайдилар. Бунинг бефойдалигини Навоий ҳам билган. Бундан ташқари, мазкур таржимада ҳам, “игнадин тикан – “pine needles” (арча ниналари)га айланган. “Хазон сипоҳи” бирикмаси “autumn’s chill” (кузнинг совуғи) ва “боғ” сўзи “each soul” (ҳар қалб) бирикмаси билан алмаштирилганки, натижада шу байт инглиз китобхонига энг тушунарли қилиб таржима қилинган деса бўлади. Аммо семантик қаторни ташкил қилган баргларнинг тўкилиши, боғ, боғбон

ва тикан сўзларининг таржимадан туширилиб кетилганлиги аслият маъносини эмас, унинг интерпретация қилинган шаклини яратади.

Байт:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени

Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.

Мазмуни:

Агар мен унинг юзида тер томчиларини кўриб жон берсам, эй дўст, мени гулоб билан ювиб, гул баргидан қилинган кафанга ўрагин. Ёр юзи гул, унинг юзидаги тер –гулоб. Шоир мазкур мисрада ёрга ялиниб ёлворди, балки энди ёр унга илтифот кўрсатар. Агар шундай бўлса, шоир ёр юзида терни кўради. Тер ҳаяжондан, ҳаяжон эса шоирга нисбатан соф туйғуларнинг борлигидан пайдо бўлади. Агар шундай бўлса, шоир ёрига жонини шу заҳотиёқ тортиқ қилишга тайёр. Унинг жонсиз танасини ёр юзидаги сув билан ювишса ва гул баргидан кафан бичишса, бу бир вақтнинг ўзида шоирнинг бақоликка эришгани бўлади. Сабаби, ёр юзидаги гулоб, бу бир вақтнинг ўзида оби ҳаёт ҳамдир. Гул ҳам тириклик ва ҳаёт рамзидир. Шоирни гулоб билан ювиб гулга ўраш эса, ўз навбатида унга мангу ҳаёт бахш этишдир. Прагматик нуқтаи назардан, бу таржиманинг биз юқорида келтириб ўтган тағмаъносини чиқариш қийин. Бу аслида таржимоннинг хатоси эмас. Сабаби, Навоийнинг асарларини ўқиган киши ундан ўзининг ақлий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунади.

Д.Султанова таржимаси:

And whether I die on beholding sweat on her brow, o friend,

Wash my body with waters of flowers, of petals shroud make.

Мазмуни:

Ва агар мен ўлсам, унинг қошида терни кўриб, о дўст,

Менинг танамни гулоб билан ювиб, гул баргларида кафан қил.

Иккинчи қатордаги “water” сўзининг кўпликда ишлатилганини ҳисобга олмаганда, шаклий ва семантик томондан таржима жуда чиройли чиққан. Мутаржимнинг матнда “beholding” ва “brow” ни ишлатганлиги таржиманинг

поэтик қийматини оширган. Аммо “waters of flowers” бирикмасини алмаштириш мумкин эди.

Л.Кметьюк таржимаси:

O my friend, should I suddenly die at the sight of perspiration on your face,
Bathe me in rose water and lay me to rest in a shroud made of rose petals.

Мазмуни:

О менинг дўстим, агар мен тўсатдан сенинг юзингда терни кўриб жон берсам,

Мени гулоб билан ювиб, атиргул баргларидан қилинган кафан ичра ётқизиб қолдир.

Мазкур байтда аслият матни мазмунининг нотўғри талқин қилинишини кўришимиз мумкин; “on your face” бирикмаси, шоир байтнинг бошида мурожаат қилаётган дўстнинг юзини тақозо этади. Аслият матнида Навоий дўстига ёр юзида терни кўриб жон таслим қилса, нима қилиш кераклигини васият қилмоқда. Бундан ташқари, “to wash” феълени “to bathe” ўрнига ишлатиш семантик жиҳатдан тўғрироқ бўлади. Сабаби, ўликни ювишади, чўмилтириш эса, маълум бир гигиеник воситалар ҳамда ҳаммомнинг бўлишини тақозо қилади.

Д.Дэйли таржимаси:

When you perspire your face glows with pearl elegance.
I'll die for those droplets from the quick of your soul.

Мазмуни:

Сен терлаганигда сенинг юзинг инжу назокати билан товланади,
Мен жон бераман ўша томчилар учун сенинг қалбингнинг тўридан

Таржима Ғарб китобхони учун максимал даражада тушунарли қилиб берилган. Аммо шунинг ҳисобига аслиятга яқинлик минималлашган. Аслиятдаги образлар тушириб қолдирилган. Аммо “droplets” деган сўз жуда чиройли ишлатилган. Яна Навоийдан:

*Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур¹.*

Л.Кметьюк таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
What a misfortune your dark eyes have proved to be,	Сенинг қора кўзларинг қандайин мусибат бўлиб чиқибди,
For the life of my soul they turned into a terrible plight. ²	Менинг қалбим ҳаёти учун улар даҳшатли мушкул аҳволга айланиб қолибди.

Таржимада на қофиялар ва на сўз ўйини сақланган. “Қаро бало”нинг “terrible plight” бирикмаси билан берилиши бирикманинг маъносини ўзгартириб юборган.

Д.Султанова таржимаси:	Байтнинг таржимаси:
And how happened so that thy eye so black became,	Қандай бўлиб, сенинг кўзинг бунчалик қора бўлиб қолибди,
And the soul because of that black one dark became ³ .	Ва қалб ҳам бу қорадан қора бўлибди.

Таржимон аслиятдаги сўз ўйинини бир мунча тиклаган. Аммо инглиз тилида инсоннинг кўзлари ҳақида гап кетганда асосан кўплик шакли қўлланилади, бунинг устига, кўпликнинг қўлланилиши матн маъносини ўзгартириб юбормаслигини ҳисобга олган ҳолда, “eyes” шаклининг киритилиши тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Бунинг устига, таржимага кўра қора кўзларнинг дастидан шоирнинг қалби қора тусга кирмоқда. Аслият матнида бу каби образ қўлланилмаган. Шоирнинг қалбига ёрнинг кўзлари дунёни қоронғу қилмоқда.

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 140.

² Уммондан дурлар. Навоий шеърятидан инглизчага таржималар тўплами/Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 124.

³ Sultanova D. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro’z nashriyoti, 2015. – Б. 22.

Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” тўпламига киритилган “Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт” мисраси билан бошланадиган ғазали таржимасини таҳлил қиламиз.

Байт:

*Ком¹ талху, бода захру, ашк рангин бўлганин
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.*

Мазмуни:

Оғзим аччиқ, майим захар, кўз ёшимнинг рангли бўлганини,
Лаблари ширин, сўзлари гўзал, шўх ва худбин гўзалимға айт.
Ошиқ муҳаббат дардида қийналавериб ҳаловат қолмаган; на ейишда ва на ичишда ороми бор. Бунинг устига, кўзларидан ёш ўрнига қон оқмоқда. Ошиқнинг бу қадар аянчли образи, иккинчи мисрада, маъшуканинг тамоман бахтли образи таърифи билан давом этади.

Д.Султанова таржимаси:

*The tongue so bitter, wine as if poison made my tears soiled,
Of it to my playful self-lover, whose lips- sweet, words- colored tell.*

Мазмуни:

*Тил шундай аччиқ, захардек шароб менинг кўз ёшларимни
лойқалантирди.
Бу ҳақда менинг ўйинқароқ, ўзини севувчи, лаблари ширин, сўзлари
ранг-барангимға айт.*

Мазкур таржимада аслият матнига бир неча шаклий ўзгартиришлар киритилган. Биринчидан, “ком – оғиз” сўзи “tongue – тил” сўзи билан алмаштирилган. Иккинчидан, шоир оғиз, май ва кўз ёшларга нисбатан тўғридан-тўғри метафора ишлатиб, уларни уюшиқ бўлак сифатида саналган бирикмалар сифатида таърифлаётган бўлса, таржимада “захарга ўхшаш шароб” шоирнинг “ёшларини лойқалантирмоқда”. Учинчидан, кўзлардан тупроқ аралаш ёшдан кўра, юрак бағри яра одам сифатида қон оқиши образ талаби эди. Шу билан бирга, одатда, инглиз тилида ўхшатиш қилиш учун “as

¹АНАТИЛ, II жилд. – Т.: Фан, 1983. – Б. 123.

ёки like” сўзларидан фойдаланилади; таржимон ишлатаётган “as if” бирикмаси ҳам “худди” маъносини беради. Шу нуқтаи назардан, таржимада тўғри синтактик шакл берилганлигини таъкидлаб ўтамыз.

Л.Кметьюк таржимаси:

Tell my playful selfish darling whose every word is wisdom

*That my spirits are low and that the wine I drink is bitter and my tears have
turned to blood.*

Мазмуни:

Айт менинг ўйинқароқ, худбин, ҳар бир сўзи пурмаъно азизимга

*Менинг таъбим хира, ичадиган шаробим аччиқ ва менинг кўз ёшларим қонга
айланганини*

Таржимада кўзга бирдан ташланадиган биринчи ўзгариш бу байтдаги мисраларнинг ўрни алмаштирилганидир. Аслиятдаги қуйидаги бирикмалар ҳам трансформацияга учраган: “Ком талх –my spirits are low”, “бода захр –the wine I drink is bitter”, “ашк рангин – my tears have turned to blood”, “Лаъли ширин – лафзи рангин” бирикмалари бирлаштирилиб – every word is wisdom”, “шўхи худкомим – playful selfish darling” билан ўгирилган.

Д.Дэйли таржимаси:

Each word from her ruby lips a wisdom,

A toast of wine I make. I shout through wind

Мазмуни:

Унинг ёқут мисли лабларидан чиққан ҳар бир сўз доноликдир,

Мен қадаҳ сўзи айтаман. Шамол ичра қичқираман.

Бу таржима аслиятдан “лаблар” ва “май” образларини олган бўлса-да, уларнинг қўлланилиши ва маънолари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Аслиятда таржимон севгилисини олқишлаб, қадаҳ сўзи айтиб май ичаётганининг образи мавжуд эмас. Қуйидаги бирикмалар эса таржима матнига умуман киритилмаган: “ком талх, бода захр, ашк рангин, лаъли ширин, шўхи худком”.

Биринчи мисрадаги “рангин” аҳволи тангликка ишора бўлса, маъшуқа тасвирига оид мисрада у гўзаллик ва ранг-баранглик тимсоли бўлиб келмоқда.

Байт:

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб
Сўрмағил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Мазмуни:

Айрилиқ туни нега сенинг хаётингни қоронғу қилди деб,
Мендан эмас, тонги йўқ тунимдан сўрагин.

Айрилиқ мумтоз адабиётда тун, висол эса тонг тимсоллари билан боғланган. Шу ўринда шоир қўллаётган тасвир гиперболик кўринишга келтирилмоқда. Яъни тунда ҳамма ер қоронғу бўлади, бу табиий ҳол. Аммо тун ҳар доим тонг билан алмашади, бу ҳам табиат қонуни. Шоирнинг ҳолатида эса, бу қонун бузилган. Унинг тунлари – азоблари тугамайди, чунки у ўзига шундай жафокаш – субҳи йўқ – ёр танлаган. Одамлар, нега тинмай азоб чекаверасан деб мендан сўраманглар, бу иддаони менинг гўзал ёримга айтингиз, – дейди шоир.

Д.Султанова таржимаси:

*And why she forced the evening to be dim, the time for to depart,
Don't tell me, of it to her who cares for dim night not for day light tell.*

Мазмуни:

*Ва нега у оқшомларни хира бўлишига мажбур қилгани, кетиш учун вақт,
Менга айтма, бу ҳақда нурсиз тунни ёруғ кундан афзал кўрадиганимга
айт.*

Назаримизда, таржиманинг айнан шу мисралари бироз ноаниқ чиққан. Авваламбор, оқшомларнинг ёруғ эмас, хира бўлиши табиий. Бу ҳолатга инсон томонидан мажбурланиш (“*she forced the evening*”) мушкул. “Шоми ҳижрон”ни “she” билан алмаштириш лозим эмас эди, сабаби ўқувчи бу ўринда маъшуқани тушуниб қолиши мумкин. Шоирнинг танг аҳволига ёрнинг фурқати сабаб. У севиб қолганидан эмас, муҳаббати жавобсиз

бўлганидан азият чекмоқда. Бундан ташқари, “the time for to” бирикмасида “for” ортиқча. Иккинчи мисрадаги “tell” аслиятда “ask” феълига тўғри келади. Ва ниҳоят, мисра охиридаги “нурсиз тунни ёруғ кундан афзал кўрадиганим” бирикмасида нима назарда тутилаётганига аниқлик киритиш лозим.

Л.Кметьюк таржимаси:

*Do not ask me why the night of parting has turned my life into darkness
Be recount all this to the night which will never end with the dawn.*

Мазмуни:

*Мендан айрилиқ туни нега ҳаётимни қоронғуликка айлантирганини
сўрама,
Бунинг ҳаммасини ҳеч қачон тонги отиб тугамайдиган тунга сўйла.*

Таржимада байтнинг умумий маъноси яхши тикланган. Унинг мукамал бўлишига фақатгина иккинчи мисрадаги “Be” ва “recount” феълларининг ҳозирги оддий замон формасини ясашда биргаликда ишлатилган грамматик хато мавжудлиги халал беради.

Д.Дэйли таржимаси:

*My wine is bitter tasting, don't ask why.
Certainly she'll recall the parting wind*

Мазмуни:

*Бодам аччиқ, нега деб сўрама.
У албатта хайрлашув шамолини эслайди.*

Аслиятда бу қаторда *май* мавжуд эмас, аммо таржимон хануз ишратда. Умуман олганда, лирик қаҳрамоннинг танг аҳволини таърифлаётган образ тикланган бўлса-да, у аслият билан боғланмаган. Хусусан, унда аслиятда мавжуд “Шоми ҳижрон”, “рўзгоринг тийра”, “субҳи йўқ шомим” бирикмалари тушириб кетилган.

Байт:

Эй кароматгўй, ишим оғози¹ худ исён эди,

¹ АНАТИЛ, II жилд. – Т.: Фан, 1983. – Б. 546.

Шамъи раҳмат партави етгайму анжомимға¹ айт.

Мазмуни:

Эй келажакни башорат қила олувчи, ишим гуноҳ ва исёндан бошланди,
Ҳеч бўлмаса охиратимда Оллоҳнинг нури ва марҳаматига етиша
оламанми, айт.

Навоий ошикликни ўзига хос исён деб таърифлайди, яъни маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, расм-русумларга тўғри келмайди. Лекин охирида у Илоҳий тажаллий нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини кўришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унутилади.

Д.Султанова таржимаси:

O fortune maker I did the job dealing with private revolt,
If I could live kindled life, of it to my sweetheart tell.

Таржимаси:

Эй мол-дунё йиғувчи, мен шахсий кўзгалон билан боғлиқ иш
қилганман,
Мен ёруғ ҳаётга умид қилишим мумкинми, бу ҳадқа менинг севгилимга
айт.

Мазкур байтнинг биринчи мисрасидаги “эй кароматгўй” бирикмасини “башоратчи” деб тушуниш мумкин. Аммо таржимада бу маъно “мол дунё йиғувчи, тўпловчи” маъносида келмоқда. Инглиз тилида “make (one's) fortune(s)” бирикмаси борки, уни мол-дунё йиғиш деб таржима қиламиз².

Бу бирикма таржимада “fortune maker” кўринишида берилмоқда, аммо мазкур бирикма инглиз луғатларидан топилмагани учун ҳам, таржимон томонидан яратилган окказионализм бўлиши керак деган хулосага келиш мумкин. Назаримизда, инглиз китобхони учун мисра тушунарли бўлиши учун, бу бирикмани “O, fortune teller” сифатида бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, аслиятдаги “оғоз” ва “анжом” сўзлари ҳам ташлаб кетилган. Бу иккала бирлик ўзаро тазод муносабатига киришган бўлиб, унинг таржимада сақланиши мисранинг безаги бўлиб хизмат қиларди. Бундан

¹ АНАТИЛ, I жилд. – Т.: Фан, 1983. – Б. 98.

² [Электрон манба]: [https://idioms.thefreedictionary.com/make+\(one%27s\)+fortune\(s\)](https://idioms.thefreedictionary.com/make+(one%27s)+fortune(s))

ташқари, таржимада ёруғликнинг манбаи ҳам тушириб қолдирилган, яъни “шаъми раҳмат партави” –“Оллоҳнинг ризолик нури” образи таржимада генерализация билан “ёруғ ҳаёт” бирикмаси тарзида ўгирилган.

Л.Кметьюк таржимаси:

*Ah, fortune-teller, I was ever a rebel, now tell me
Will the light of blessing shine on my end?*

Мазмуни:

*Эй башоратгўй, мен доим қўзғалончи бўлганман, энди менга айт
Раҳмат нури менинг охиратимни ёритадими?*

Мазкур таржима олдинги мисраларга қараганда анча тўлиқ ва тўғри амалга оширилган. Унда фақатгина “ишим оғози” бирикмаси “доимо” лексемаси билан алмаштирилган.

Д.Дэйли таржимаси:

*How will this end? My fortune in question,
An oracle's blessings die on the wind.*

Мазмуни:

*Бу қандай тугайди? Менинг тақдирим сўроқ остида,
Кароматгўйнинг фотиҳаси шамолда эшитилмай кетади.*

Таржимон ҳамон ўзининг матни билан ишламоқда гўё; мисрадаги башоратчига қилинган тўғридан-тўғри мурожаат шоирнинг ички монологуга айланиб кетмоқда. Раҳмат нурига эришиш қисми таржимадан бутунлай тушиб қолмоқда, унинг ўрнига, башоратгўйнинг фотиҳаси образи киритилган.

Байт:

*Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,
Ҳолини зинҳорким кўрсанг дилоромимга айт.*

Мазмуни:

*Шайдо Навоийнинг ғам ичида ороми йўқ, эй дўст,
Унинг бу аҳволини дилоромимга кўрсанг, албатта айт.*

Шоирнинг кўнгли унинг ёри, ёр унинг ёнида эмас экан, демак у дилсиз. Бундан ташқари, “бедил” сўзининг “қайғули, ҳасратли ошиқ”¹ деган маъноси ҳам борки; бунда мисранинг маъносини: “Қайғули ошиқ Навоийнинг ғам дастидан ороми йўқ” деган маънода ҳам талқин қилиш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шоир ошиқнинг ороми, тинчи бўлмаслигини уқтирмакда. У доим ғам ва ҳасратда бўлади, қалби ўртанади. Шоир дўстидан, гар унинг маъшуқасини кўриб қолгудек бўлса, унга шоирнинг бу каби зор аҳволи ҳақида айтишини илтимос қилади. Зора, ёр унинг бу ҳолидан хабар топиб, унинг дардига даво бўлиб келса, шоирни азоблардан халос этса.

Д.Султанова таржимаси:

*O Friend Navaiy can't take his ease if his heart with sorrow nursed,
Of state of mine, be sure to the mistress of my heart to tell. (D.S.)*

Мазмуни:

Эй дўст, токи унинг кўнглига ғам ғамхўрлик қилар экан, Навоий енгил торта олмайди,

Менинг аҳволимни, кўнглимнинг маликасига албатта айтгин.

Таржимадан кўриниб турганидек, бу байтнинг таржимасини аслият матнига эквивалент деб олиш мумкин.

Л.Кметьюк таржимаси:

*No, Navoiy, sadness destroys when one's sweetheart is gone,
Describe my state to the heartless one who is the joy of my heart.*

Мазмуни:

*Йўқ, Навоий, тушкунлик яксон этади, агар кимнингдир севгилиси
кетган бўлса,*

Менинг аҳволимни юраксиз бир юрагимнинг шодлигига айт.

Таржимада “No,”нинг ишлатилиши мутлақо ўринсиз бўлиб, аслиятда у “Навоийнинг ҳаловати йўқ” маъносида қўлланилган эди. “Вайронлик” (“*sadness destroys*”) образининг ўрнига “беҳаловатлик”ни киритиш ҳам семантик ҳам лексик мувофиқликни таъминлар эди. Бундан ташқари, “эй

¹ АНАТИЛ, I жилд. – Т.: Фан, 1983. – Б. 265.

рафиқ” бирикмаси тушириб кетилган. Натижада, иккинчи мисрада шоир ўз аҳолини севгилисига ўзи таърифлаб бериши керак бўлади. Аммо бу мумтоз шеър қоидаларига тўғри келмайди, сабаби, шоир севгилисининг ёнига боролмайди. Бунинг одоб нуқтаи назаридан имкони йўқ. Иккинчидан, ёрга нисбатан “юраксиз” деган сифатлаш аслият матнида мавжуд эмас. Бу сифат юқорида келтирилганидек, шоирнинг ўз аҳволига тегишли.

Д.Дэйли таржимаси:

Sadness, Navoiy, does bring on destruction.

When lovers part joy withers in the wind.

Мазмуни:

Тушкунлик, Навоий, ҳалокатга олиб келади.

Ошиқлар ажралганда шодлик шамолда йўқ бўлиб кетади.

Таржимада на “эй рафиқ” ва на “дилором” образлари сақланган. Бу таржима Л.Кметьюк таржимасига маъно нуқтаи назаридан яқиндир. Аммо унинг оригинал матн билан алоқаси деярли йўқ.

Умуман олганда, оҳангни таржима асарида сақлаш нуқтаи назаридан таржималарнинг бирортасида шарқона оҳанг тикланмаган; шунга қарамай, ўқилиш нуқтаи назаридан Д.Дэйлининг таржимаси равон ўқилади, маънонинг сақланиши нуқтаи назаридан Л.Кметьюк таржимаси, шакл ва маъно уйғунлиги нуқтаи назаридан эса Д.Султанованинг таржимасини ижобий баҳолаш мумкин. Аслият матнидаги “дилоромимға, гуландонимға, худкомимға, шомимға, бадномимға, анжомимға, дилоромимға” қофиялари афсуски бирорта ҳам таржимада қайта тикланмаган. Мазкур ҳолат инглиз ва ўзбек тилларининг аналитик ва агглютинативлик хусусиятларидан келиб чиқади. Инглиз тилига юқоридаги эгалик қўшимчаси бор бирорта сўзни ҳам битта сўз билан таржима қилишнинг умуман имкони йўқ. Масалан, таржималарда кўрганимиздек, “дилоромим” сўзи “my heart’s delight” ёки “delight of my heart” кўринишида таржима қилинган. Ҳазалга бетақрор зеб берган “айт” радифи Д.Султанованинг таржимасидагина тўлиқ сақланган. Л.Кметьюк радифни таржима қилмаган. Аммо Д.Дэйлининг таржимасида

аслиятдаги радиф бўлмаса-да, таржимон “wind” сўзини ўзига радиф қилиб олган. Маъно ва аслият прагматикасидан бироз йироқлашган бўлса-да, вазн ва ритм нуқтаи назаридан қараганда энг осон ўқиладиган таржима Д.Дэйлининг таржимасидир. Матннинг инглиз тилида жуда равон ўқишига сабаб, унда узун синтактик birlikлар ва кўпчилик образларнинг бир жойда туширилиб, бошқа жойларда соддароқ вариантлар билан алмаштирилиб қўлланилгани сабаб бўлган. Аслият матнидаги образлар баъзи ҳолатларда янги бирикмалар билан алмаштирилган. Бу ҳолат фақатгина инглиззабон таржимон эмас, ўзбек тилини пухта билладиган таржимонларнинг яратган матнларида ҳам кузатилади. Бизнингча, бунинг асосий сабаби, оригинал матни етарлича таҳлил қилмасдан киришилганликдир. Навоий тили шунчалик пурмаъноки, унинг ҳар бир мисраси турлича тағмаъноларга эга бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, АНАТИЛ ва навоийшунос олимларнинг ёрдамидан ғазалнинг ҳар бир мисрасининг таржимасида фойдаланиш зарур. Оригинал ғазал мақтасидаги дўстга мурожаат фақатгина Д.Султанованинг таржимасида қайта тикланган. Л.Кметьюк таржимасида шоирнинг мурожаати ўзига нисбатан қаратилган бўлса, Д.Дэйли таржимасида бу шоирнинг хулосасига айланиб қолмоқда.

Ғазал таржимасида шаклий-семантик уйғунликка эришиш учун улардаги қофия, радиф ва ритм, шунингдек, аслиятдаги шоир мақсадини қайта тиклаш талаб этилади. Бундан ташқари, матндаги бўғинларнинг урғулангани ёки чўзиқ-қисқалиги эмас, балки имкони борича аслиятдаги бўғинларнинг умумий сонини, агар имкони бўлмаса, таржима мисралардаги бир хил бўғинлар сонини қайта тиклашга ҳаракат қилиш лозим. Шаклий мосликни таъминлаш мақсадида мисралардаги бўғинлар сонига асосланиш яхши натижа беради дейишга асос бор. Форс тилидан инглиз тилига амалга оширилган таржима матнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, таржималар тағламага асослангани, сўзма-сўз илғанган фикр-маъно ўта чўзиб таржима қилгани боис, шакл жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган ҳолатлар юз

берган. Аслият маъносининг яширин томонларини илғай олиш ҳам, ўз ўрнида семантик уйғунликни таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, муайян маданият ва адабиёт маҳсули бўлмиш поэтик асарни бошқа тилга кўчириш жараёнида уни нафақат рецептор тил шеърятти, балки тилшунослиги қоидаларига ҳам бўйсундириш муҳим. Акс ҳолда, аслиятга содиқликни сақлаб қоламан деган мақсадда бошланган таржима аслият матни билан уйғунлик касб этмасдан, ғализ ва сунъий таржима келиб чиқиши мумкин.

Ҳазал таржимасида шакл ва маъно уйғунлигини сақлаб қолиш мақсадида улардаги қофияланиш тарзи ва радифларни қайта тиклаш, ритмга келадиган бўлсак, матнлардаги бўғинларнинг урғулангани ёки чўзиқ-қисқалиги эмас, балки сонини қайта тиклашга ҳаракат қилиш лозим. Агар, объектив сабабларга кўра аслиятдаги бўғинлар сонини сақлашнинг имкони бўлмаса, таржима матнидаги мисралар учун умумий бўлган бўғинлар сонини қайта тиклаш керак бўлади.

2.2§. Ҳазал таржимасида поэтик уйғунликка эришиш

Шеърни бир тилдан бошқа тилга ўгириш жуда машаққатли жараёнدير. Мумтоз адабиётда шоир маҳоратининг белгиси саналмиш ғазалларнинг таржимаси эса, ўз навбатида, таржимон зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шеърини таржимоннинг маҳорати мумтоз адабиёт намуналари, айниқса, ғазал таржима қилиш жараёнида билинади. Лирик матнларнинг оҳангдорлигини таъминловчи омиллар сирасига уларнинг шаклий-семантик тузилишидан ташқари, улардаги поэтик тилнинг қўлланилиши ҳам киради. Таржима жараёнида шу уч муҳим унсурлар орасидаги уйғунликни қайта яратиш таржимон маҳоратини белгилайди.

Лирик асарлар таржимасидаги поэтик уйғунликни таҳлил қилиш учун энг яхши мисол бўлиб шоҳбайтлар ва уларнинг инглиз тилига қилинган ўгирмалари хизмат қилади. Маълумки, ғазалларнинг жозибаси унда қўлланган бадий санъатлар, нозик тасвир воситалари билан белгиланади.

Нидо, сифатлаш, илтифот, тарди акс, тажнис, ийҳом, иштиқоқ, ташбих, амр, мураддаф, таносуб, аллитерация ва синекдоха каби яна ўнлаб бадий санъатларсиз бирор ғазални учратиш қийин. Қуйида Алишер Навоийнинг “Қаро кўзум...” ғазалидан биргина байт мисолида унинг таржималари савиясини белгилаш мумкин.

Ғазал аруз вазнининг “*муштасси мусаммани мақтуйи мусаббаъ*” рукнида ёзилган ва 8 байтдан иборат. Ғазал тақтиби: “V – V – /V V – – /V – V – /– ~”. Қофияланиш тартиби: “a-a; b-a; c-a; d-a; e-a; f-a; g-a; h-a”. Ғазалда “*фан, ватан, чаман, расан, кўҳкан, шикан, такан, кафан, анжуман*” сўзлари қофия, “**қилғил**” эса радифдир. Ғазал 16 мисра ва 8 байтдан иборат. Ғазалнинг умумий маъноси ёрга нисбатан ўтинч ҳисси билан ёзилганки, шоирнинг кўпчилик ғазаллари каби, уни ҳам турлича талқин қилиш мумкин. Нажмиддин Комиловнинг шарҳига кўра, ғазал Навоийнинг маънавий устозига бағишланган¹. Алибек Рустамов мазкур ғазалда дўст образини биринчи ўринга чиқаради. Бундан ташқари, ғазалнинг Натан Маллаев, Исматулло Абдуллаев ва Нусратулло Жумахўжалар томонидан амалга оширилган таҳлиллари ҳам мавжуд. Г.Одилова ўз диссертацияси доирасида мазкур ғазалнинг Л.Кметьюк томонидан амалга оширилган таржимасини кўриб чиққан².

Байт:

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,

*Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил*³.

1. Нидо санъати – мисрадаги бирор образга мурожаат шакли. Инглиз тилида “*interjection*” деб номланган бадий усулга тенг келади. Худо, маҳбуб ёки табиатига мурожаат қилишга қаратилган сўзлар ёки иборалар сифатида қўлланилади. Ғазалда нидо “Қаро кўзум” ибораси билан ифодаланган.

¹ Комилов Н. Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар / – Т.: Тамаддун, 2012. – Б. 178.

² Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърини таржималарида адекватлик муаммолари: филол. фан. номз.... дис. – Т.: 2011.

³ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. –Б. 333.

2. Сифатлаш – шахс ёки нарсанинг ўзига хос хусусияти ёки сифатини ифодаловчи сўз ва иборалар. Инглиз тилида “epithet” деб номланган бадий усулга тенг келади. Аслият матнидаги “қаро” сўзи сифатлашдир. Мусулмон Шарқи шеъриясида ёрнинг кўзи, қоши, киприклари ва сочини, унинг оппоқ терисига қаршилангириб, ошиқнинг эса жавобсиз муҳаббатдан қийналишга мажбур қилган тақдирини ифода этишда кенг қўлланилади. Инглиз шеъриясида ҳам сифатлашдан кенг фойдаланилади, бунда асосан “dark”, “black” ва “raven black” сўзларини ишлатилади.

3. Илтифот – байтдаги сўз ёки сўз бирикмасини урғу билан, таъкидлаб талаффуз қилиш. Мисрадаги “қаро кўзум” бирикмаси бунга мисол.

4. Тарди акс – сатрда сўз бирикмаларини акслантириб такрорлаш. Масалан, биринчи қатордаги “қаро кўзум” иккинчи қаторда “кўзум қаросида” (“Кўзимнинг қорачиғида”) кўринишида такрорланган.

5. Тажнис – сатрларда омонимларнинг қўлланилиши. “Мардум” сўзининг маънолари: 1) кўз қорачиғи 2) одам.

6. Ийҳом – ёки “шубҳалантириш” байтда бир неча маънони билдирадиган сўзларни ишлатиб, улар асосида альтернатив контекстуал маъноларни яратиш санъатидир. Бир сатрни ўқиб, биз унинг энг устки қатламдаги маъносини тушунамиз. Аммо бироз муддатдан сўнг тажнис ёки омонимларнинг ишлатилиши асосида қўшимча маънолар кўриниш бера бошлайди. Байтдаги “Қаро кўзум”ни қуйидагича ўқиш мумкин:

А) Менинг қора кўзим;

Б) Менинг қора кўзли гўзалим;

В) Менинг азизам – кўзининг ранги қандай бўлишидан қатъи назар, мен учун қорачиғимдек қадрли одам;

7. Иштиқоқ – мисраларда ўзакдош сўзларнинг қўлланилиши. Ушбу сатрда шоир “мардум” ва “мардумлиғ” сўзларини ишлатади.

8. Ташбиҳ – ёки ўхшатиш санъати бўлиб, “киби” сўзи билан берилган. Инглиз тилида ташбиҳ “simile” деб аталадиган бадий усулга тенг келади ва “like”, “as”, “as...as”, “not so ... as” каби бирикмалар ёрдамида ясалади.

9. Амр – жумлада императив ёки буйруқ оҳангини ишлатиш. Шарқ шеърлятида бу жуда кенг тарқалган санъатдир. Байтдаги “келу” ва “қилғил” сўзлари воситасида амр қўлланилган.

10. Мураддаф – ғазалда радифларнинг қўлланилиши. Бу байтда радиф “қилғил” сўзидир.

11. Таносуб – мисраларда бир бирига маъно нуқтаи назаридан яқин сўзларни қўллаш санъати. Байтда бунга мисол сифатида “кўз, мардум, мардумлуғ ва қаро” сўзларини келтириш мумкин.

12. Аллитерация – маълум бир поэтик жарангни таъминлаш учун сатрда бир хил ундош товушларни ишлатиш. Масалан, “қаро, қилғил, қаросида” ва “кўзум, кел-у” сўзлари бунга мисол бўлади.

13. Синекдоха – метафоранинг бир тури бўлиб, унда қисм орқали бутунни ёки бутун орқали унинг маълум бир қисми тушунилади. Масалан, байтдаги “қаро кўзим” – “Менинг қора кўзли ёрим” маъносида қўлланилган. Ёрнинг кўзи – ёрнинг ўзини билдириб келмоқда.

Демак, байтнинг маъносини: “Қора кўзли ёрим, келгин ва одамийлик расмини тут, шафқат қил, қийнама, кўзимнинг қорасида, қорачиғим – кўз гавҳарим каби қолиб кет, ёнимда эмас, кўзимнинг ичида бўлгин”, - деб тушуниш мумкин. Навоий инсон кўзининг физиологик тузилиши хусусиятларидан фойдаланиб, ажойиб образ яратган. Инсон кўзида у эътиборини қаратган объект акс этади. Байтда “кўзум қароси” – кўзнинг қора қисми, “мардум” эса унинг қоқ марказида жойлашадиган гавҳардир. Кўз гавҳари кўриш манбасидир. Ёрсиз шоирга дунё қоронғу. Шу сабабли ҳам, Навоий ёрнинг кўз гавҳари бўлишини сўрамоқда.

Д.Султанова таржимаси:

Come, my dark eyed beauty that
dwelling thy endeared land make,

Мазмуни:

Кел, менинг қора кўзли гўзалим, у
бошпанани ўзингга суюкли макон
айла,

Dwell in the pupil of my eye black, of it

Қора кўзимнинг гавҳарида қол, уни

your Homeland make¹.

ўзингга Ватан айла.

Д.Султанованинг таржимасида байтдаги нидо, сифатлаш ва синекдоха қайта яратилган. Шаклий нуқтаи назардан, таржимада “dwelling” ва “dwell” ҳамда “land” ва “homeland” сўзларининг ишлатилиши шаклий қурилишнинг қайта яратилиши сари қўйилган кадамдир. Аммо шакл бирлигини сақлашга бўлган истак натижасида, маъно уйғунлиги ва тугаллиги йўқ; “мардумлуғ эмди фан қилғил” қисми таржимада тушиб қолган. Бундан ташқари, “that dwelling” (“у бошпана”) бирикмаси ғазал бошида қандай бошпана ҳақида гап бораётганлигини аниқ кўрсатмаган. Аслиятнинг иккинчи мисрасидаги “of it your Homeland make” бирикмасида “of” предлоги ортиқча. Аммо мисрадаги ўхшатиш яхши таржима қилинган.

Л.Кметьюк таржимаси:

Come, my dark eyed one, come, show
your kidness,

Weawe a nest for yourself, in the depth
of my pupils².

Мазмуни:

Кел, менинг қора кўзлим, кел, қил
намоён меҳрингни,

Ин қургин ўзинг учун, тубида менинг
қорачиғларимнинг.

Бир қарашда таржимадаги “kidness” ва “weawe” сўзларининг хато ёзилгани эътиборни тортади. Булар нашр жараёнида юзага келган камчиликдир, таржимоннинг хатоси эмасдир; лекин шундай бўлса-да, саводлилик таржима асарнинг сифат белгиларидандир. Бу сўзлар аслида “kindness” ва “weave” кўринишда бўлиши лозим. Жумладан, “come” хитобининг такрори мавжуд, бу нарса мисранинг ритмини сақлаш мақсадида амалга оширилган. Мумтоз адабиётда суюкли ёр образи, одатда, шоирга нисбатан шафқатсиз ва бефарқ, шу билан бирга ағёрга нисбатан карамли ва илтифотли қилиб таърифланади. Хусусан, Навоий ўзининг бир ғазалида шундай дейди:

¹ Sultanova D.S. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro‘z nashriyoti, 2015. – Б. 19.

² Уммондан дурлар. Навоий шеърятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 114.

Менга номехрибон ёр, ўзгаларга меҳрибон эрмиш,

Менинг жоним олиб, ағёрга оромижон эрмиш¹

Шу нуқтаи назардан, “show your kindness” бирикмаси “мардумлуғ эмди фан қилғил” бирикмасининг эквивалент интерпретациясидир.

Д.Дэйли таржимаси:

Dark-eyed one come, show the nature of
your kind soul,

Probe into the depth of my pupils, seek
my soul².

Мазмуни:

Қора кўзли, кел, қил намоён
табиатини сенинг меҳрибон
қалбингни,

Ўрнашиб ол тубига
қорачиғларимнинг, қидир менинг
қалбимни.

Таржима лўнда ва қофиялар ҳисобига оҳангдор чиққан. Байтнинг биринчи мисраси оригиналга жуда яқин таржима қилинган. Иккинчи мисрадаги “seek my soul” (“қидир менинг қалбимни”) бирикмаси эса аслиятда мавжуд эмас. “Кўзум қорасида мардум киби ватан қилғил” хитоби кўзим гавҳари бўлгин дегани, “seek my soul”ни мени тушунишга уриниб кўр, қалбимга қулоқ тут деб интерпретация қилиш мумкин. Бироқ шоир ёрга бу каби талабларни кўймайди, ёрга кўзларининг гавҳаридан жой олишини илтижо қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, кўз қорачиғисиз инсон кўришга қодир эмас, шоир ёрсиз дунё гўзалликларидан завқлана олмайди, унинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди.

Агар бу байтдаги “Қаро кўзим, келгин ва одамийликни намоён қилгин” мисраси “My dark eyed, come and now the humaneness you do display”, деб таржима қилинганда уйғунлик юзага келган бўларди. Шунингдек, “Кўз гавҳаримда, кўзим қаросидаги, сен бир умрга қолгин” мисраси “As an iris in my pupil, you forever do stay” деб таржима қилинганда ҳам шакл, ҳам маъно ва ҳам шарқ бадийи санъати ўгирилган бўлар эди.

¹ Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1990. 5-жилд. – Б. 194.

² Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 39.

Байт:

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил¹.

Мазмуни:

Навоий, агар сен жон аро бир мажлис қилсанг, хаёл оғушига ғарқ бўлсанг, “жон” ўртасидаги *алиф* (ёки ёрнинг киприклари)ни йиғиннинг шами қилгин.

Охирги байт шоирнинг ўзига мурожаатидир. Шоир ёри хақида ўйлар экан, ҳар сафар унинг киприкларини кўз ўнгига келтириши лозимлигини айтади. Мазкур байтнинг иккинчи мисрасида ҳам *китобат* санъати қўлланилган. Ошиқнинг қалбига йўналтирилган найза ёр кипригидир; шам тик қадга эга бўлиб, у қоронғуликни ёритиш учун ишлатилади. Жон ўртасидаги алиф ҳам киприк ва шам каби тик қоматга эга.

“Анжуман”нинг маъноси кишиларнинг турли масалаларни муҳокама қилиш учун йиғилишини билдиради. Ҳазалларда, одатда, шоир ва унинг ёри билан учрашувни англатади. Бу учрашув шавқли бўлишининг ягона сабаби ёрнинг унга келишидир. Электр бўлмаган вақтда йиғинларни шамсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаган. Шундан келиб чиқиб, метонимия бўлиб келган киприк ва метафора бўлиб келган шам –ёр бўлмаса, бундай анжумандан қандай завқланиш мумкин.

Д.Султанова таржимаси:

Navoiy if you want to hold the feast which would take one's breath,
To brighten that party of yours from sheaf of wheat a candle make².

Мазмуни:

Навоий, агар сен кишини ҳайратда қолдирадиган базм ўтказмоқчи бўлсанг,

Ўзингнинг базмингни ёритиш учун буғдой бошоғидан шам қил.

“Feast” озиқ-овқат ва ичимлик бўлишини тақозо қиладиган зиёфатни билдиради. Шоир элга ҳақ бериш орзусида эмас. Шунинг учун ҳам кишини ҳайратда қолдирадиган базм “which would take one's breath” ортиқчадир.

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 333.

² Sultanova D.S. Selected gazels of Navoiy. –Т.: Navro'z nashriyoti, 2015. – Б. 19.

Таржимага кўра, иккинчи мисрада шоир буғдой бошоғини шам ўрнида ишлатишни таклиф қилмоқда Бунинг устига базм кўп миқдордаги кишиларни таклиф этишни тақозо қилади. Катта базмни битта шам билан ёритиш мантиқсизликдир. Шунинг учун ҳам таржимада биз юқорида таъриф берган тағмаънога эътибор бериш лозим эди. “Буғдой бошоғи” қаердан келди экан деган саволга жавобни, аслиятдаги “бошоқли ўқин”дан топиш мумкин. “Бошоғлиғ” сўзининг маъноси “ўткир учли, ўткир тиғли”дир. Бу таржимон назарда тутган “бошоқли экин” маъносидаги сўз эмас.

Л.Кметьюк таржимаси:

Navoij, if you can put your hearts all into a bouquet of joy,
Pick a sheaf of wheat and touching a flame to it let this candle be the
revelation of the nosegay¹.

Мазмуни:

Навоий, агар сен ўзингнинг юракларингни бутунлай шодлик гулдастасига қўя олсанг,
Буғдой бошоғини олиб, уни оловга тегизиб, бу шамни гулдастанинг очилиши қил.

Авваламбор, мақтада шоирнинг исмини “Navoij” эмас “Navo’i” деб ёзиш лозим. Бундан ташқари, юрак сўзининг бирлик шаклини қаратқич келишигида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ва ниҳоят мазкур таржима Навоий фикрининг бутунлай ўзгартирилиб интерпретация қилинишидир. Мисрадаги “bouquet of joy” бирикмаси –буғдой бошоғини хушбўйлик чиқариш мақсадида ёқишни таклиф этиши мантиқсиздир. Ҳиди ёқимсиздир.

Д.Дэйли таржимаси:

Navoiy, put your harvested work into a sheaf,
Then let it burn into a bouquet of the soul².

Мазмуни:

Навоий, ўзингнинг йиғилган асарларингни тўплаб уюмга,

¹ Уммондан дурлар. Навоий шеърятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 114

² Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachussets, 2016. – P. 39.

Кейин уни қалб гулдастаси қилиб ёндир

Таржимон Навоийни асарларини бир ерга тўплаб ёқиб юборишини таърифламоқда. Бошоғлиқ ўқ йиғилган асарлар тўпламига айланмоқда. Шоир томонидан ишлатилган поэтик образлар таржимада акс этмай қолганини кўриб турибмиз.

Таҳлилга тортадиган кейинги байтимиз ҳам Навоий қаламига мансуб, аммо энди мақтага юзланамиз:

Ҳижрону висолин кўпу оз дема, Навоий,
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолибтур¹.

Бу байтда шоир тақсим санъатини қўлламоқда. Севгининг айрилиғи кўп, аммо висол онлари кам деб куюнаверма, сабр қил, чунки айрилиқнинг тугашига оз қолди, унинг кўпи ўтди, яқинда висол онлари келади, ёр билан учрашувга оз қолди, –дея уқтирмоқда шоир ўзига.

Л.Кметьюк таржимаси:

Navoiy, do not complain that there were many meetings and partings – Be grateful a hundred times that a great deal has passed and only a very little remains...²

Мазмуни:

Эй Навоий, висол ва айрилиқларнинг кўп бўлганидан нолима,
Анчаси кетиб, фақатгина озгинаси қолганига шукр қил.

Л.Кметьюк таржимасида Навоий “висол ва айрилиқларнинг кўп бўлганидан” нолимоқда. Ошиқнинг “висол жуда кўп бўляпти, севгилимни камроқ кўришни истайман”, – дейиши мантиққа тўғри келмайди. Иккинчи мисрада ҳам, ниманинг кўпи кетиб, ози қолгани равшан эмас.

Д.Дэйли таржимаси:

Navoiy, why do you complain of meetings and partings?

Мазмуни:

Навоий, сен нега висол ва ҳижрондан нолийверасан?

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 163.

² Уммондан дурлар. Навоий шеъриятдан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 125.

*Give thanks for those long moments
that still fill your heart¹*

Сенинг кўнглингни тўлдириб турган
ўша узоқ дамлар учун шукрона қил.

Д.Дэйлининг таржимасида ҳам шунга ўхшаш ноаниқликни кўришимиз мумкин. Бу таржимон ҳам биринчи мисрада айрилик билан бир қаторда висолдан нолиш керак эмаслигини уқтириб, ундан кўра юракни тўлдирувчи “long moment”лардан лаззатланишни маслаҳат бермоқда.

Афсуски, шоир томонидан жуда чиройли ифода этилган фикр ҳар иккала таржимада ўз ифодасини топмаган. Шунинг учун, байт куйидагича ўгирилганда бадий усуллар ўз ифодасини топган бўлар эди.

Мазмуни:

Of many partings and little tryst no Айриликнинг кўплигию, висолнинг
more, speak Navai камлиги ҳақида ортиқ гапирма,

Навоий,

Most of the former has passed and more Аввалгисининг кўпи кетди,
of latter yet to be. кейингисининг ҳали кўпи олдинда

Аслиятнинг шаклий қисми ўзгарди. “Кўпи кетиб, ози қолди” жумласининг инглиз тилида доимий бирикмаси йўқлиги сабабли, шоир кўллаган *тақсим* санъатини тушунтириб таржима қилиш лозим. Бизнинг таржимамизда “юз шукр де” бирикмаси тушириб қолдирилди, сабаби, маъно жиҳатидан бу бирикма байтнинг асосий ўзак маъносини ташкил этмаган. Унинг мисрага киритилиши, шаклнинг ҳаддан зиёд узайиб кетишига олиб келарди. Шунинг учун ҳам, бу каби ҳолларда уйғунликни таъминлаш мақсадида, шеърий санъатларни изоҳлаб таржима қилиш мумкин.

Таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, ғазалларни инглиз тилига таржима қилишда, имкони борича шу ғазалга тегишли бўлган лингвистик ва экстралингвистик маълумотлардан хабардор бўлиш, шоир яшаган давр шеърияти анъаналарини ўрганиш ҳамда иложи борича, адабий тағлама ёки

¹ Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 4.

адабиётчи билан ишлаш лирик матн таржимасида поэтик уйғунликка эришишга имкон берадиган зарурий омилдир.

Худди шу ҳолатни “Бобурнома” таркибига киритилган ва инглиз таржимонлари томонидан ўгирилган бир ғазалнинг матла ва мақтаси таржимаси мисолида кўриш мумкин.

Ғазал матласи

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду
хуррамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам
ойида ғамлар...*

Ғазал мақтаси

*Юзи наврўзию васл ийдини, Бобур,
ганимат тут —
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз
наврўзу байрамлар¹.*

Байтлар ўн олти бўғиндан иборат бўлиб, “хуррамлар”, “ғамлар” ва “байрамлар” қофия вазифасини бажармоқда. Матладаги “ой” сўзи ҳам ёрнинг юзига ишора, ҳам осмондаги Ернинг йўлдоши – ой ва йилдаги ой маъноларида қўлланилмоқда. Ўзбек тилида омонимияга асосланган мазкур парчани, шу сўзнинг ўзи билан инглиз тилига таржима қилиб бўлмайди. Сабаби, инглиз тилида булар ўз навбатида “moon-like face”, “moon” ва “month” сўзлари билан ифода этилади. Бундан ташқари, мақтадаги “Наврўз” ва “Ийд” сўзлари байрам номларини билдирадиган реалиялар бўлиб, уларни ёрнинг юзи ва васлига нисбатан қўллаш жуда чиройли образни яратмоқда.

А. Беверидж таржимаси

*Glad is the Bairam-moon for him
who sees both the face of the Moon
and the Moon-face of his friend;
Sad is the Bairam-moon for me, far
away from thy face and from thee.*

Мазмуни:

*Байрам ойи ой юзи ва ўз севгилисининг
юзини бирдек кўра олган киши учун
хурсандчиликдир
Мен учун байрам ойи қайғулидир,
Чунки сенинг юзинг ва сендан узоқдаман*

¹Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 209.

*O Babur! dream of your luck when O, Бобур! Сенинг янги йилинг юзини
 your Feast is the meeting, your кўришинг сенга байрам бўлганида омадинг
 New-year face; ҳақида ўйла
 For better than that could not be Чунки юзлаб янги йил ва байрамлар ундан
 with a hundred New-years and яхшироқ бўла олмайди.
 Bairams¹.*

Мазкур таржимада “*Bairam-moon*” ва “*Bairams*” сўзларининг кўлланилиши, инглиз китобхони учун тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Бу сўзларнинг катта ҳарф билан ёзилиши, уларнинг қандайдир тантананинг номи бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Аммо аслиятда фақат иккита байрамнинг номи келтирилганини юқорида кўриб ўтган эдик. Таржимон изоҳли таржимага қўл ургани боис, афсуски, аслиятнинг шаклий томони қайта яратилмаган.

В.М. Текстун таржимаси:

Мазмуни:

*Happy is the festival for those who Янги ой ва ёрнинг юзини бирга
 see the new moon and beloved’s кўрганларга байрам хурсандчиликдир
 face together*

*For me, separated from your face Мен учун, сенинг юз ва қошингдан
 and brow, there is sadness in айрилиқда, ой байрамида қайғу бор
 festival moon.*

*Seize the Nawroz of his face and Унинг юзи Наврўзи ва висол байрамини
 the festival of union Babur, тутгин Бобур,*

*For in a hundred Nawroz festivals Чунки юзлаб Наврўз байрамларида ҳам
 there will be nothing better than бундан-да яхшироқ ҳеч нарса бўлмайди
 this².*

Мазкур таржимада ҳам изоҳларнинг киритилганини кўришимиз мумкин. Фақат “*festival moon*” бирикмаси “байрам оyi”нинг сўзма-сўз таржимаси

¹ Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. – London: LUZAC & CO, 1922. – P. 236.

² Thackston W.M. The Baburnama: Memoirs of Babur, prince and emperor / translated, edited, and annotated by Wheeler M. Thackston. – Washington DC, 2002. – P. 176.

бўлиб қолганлиги мақсадга мувофиқ эмас. Мақтаннинг биринчи мисрасида келтирилган “ийд” сўзи бу таржимадан тушиб қолган ва ўрнига “*festival*” сўзи қўлланилмоқда.

Навбатдаги асарларда келтирилган байтларнинг таржимасига анчайин эркин ёндашилганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида бу асарларнинг тўғридан-тўғри таржима эмас, таржималар асосида яратилган, фактуал эмас, бадий матн эканлигини кўрсатиш мумкин.

Стенли Лейн-Пуул таржимаси: **Мазмуни:**

<i>Sweet is the New Year's coming</i>	<i>Янги йилнинг келиши яхши</i>
<i>Sweet the smiling spring</i>	<i>Жилмаяётган баҳор ажойиб</i>
<i>Sweet is the juice of the mellow grape,</i>	<i>Ғарқ пишган узумнинг шарбати ширин</i>
<i>Sweeter for the voice of love.</i>	<i>Севги овози бўлгани учун ҳам ширинроқ</i>
<i>O Babar, seize life's pleasures,</i>	<i>О Бобур, ҳаёт лаззатларидан роҳатлан</i>
<i>Which, one departed, can never</i>	<i>Чун, ўтган нарса ҳеч қайтмас, афсус</i>
<i>alas, return!</i> ¹	

Таржимада шакл ва маъно бирликлари ўзгартириб юборилган.

Фернанд Гренард таржимаси: **Мазмуни:**

<i>Here spring renews her flowers</i>	<i>Баҳор ўз гулларини ҳар куни янгилайди</i>
<i>each day;</i>	
<i>Here young girls stand ready to</i>	<i>Бу ерда ёш қизлар май қуйишга тайёр</i>
<i>pour the wine.</i>	<i>туришади</i>
<i>Drink of the pleasures offered</i>	<i>Таклиф қилинган роҳатлардан ич Бобур!</i>
<i>Babar!</i>	
<i>Once the cup of life will return to</i>	<i>Ҳаёт жоми қўлингга қуруқ қайтгач,</i>
<i>your hand drained, no more</i> ² .	<i>бошиқа йўқ</i>

¹ Lane-Poole Stanley. Rulers of India. Babar. – Oxford Calderon Press, 1899. – P. 152.

² Grenard F. Baber. – India, 1979. – P. 235.

Таржимада шакл ва маъно бирликлари ўзгартириб юборилган.

Херолд Лемб таржимаси:

Мазмуни:

Sweet is the coming of the New Year,
And sweet the fair face of the spring
Yet sweet is the juice of the fragrant grape,
More sweet the whisper of love
Ah, Babur, grasp at life's pleasures,
Which departed, can never be summoned back¹.

Янги йилнинг келиши яхши
Баҳорнинг гўзал юзи ажойиб
Ёқимли ҳидли узумнинг шарбати ширин
Севгининг шивирлаши ширинроқ
Оҳ, Бобур, ҳаёт лаззатларидан роҳатлан
Кетган ҳеч қайтарилиб бўлмас

Юқоридаги ҳар уч таржимани ўзаро бирлаштириб турадиган хусусият – охирги мисранинг таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетганидир. Бундан ташқари, “кетган нарса ҳеч ҳам қайтмайди” маъносидаги бу якуний мисра, Бобур эмас, кўпроқ Умар Хайёмнинг услубида ёзилган ғазалларга хосдир. Лейн-Пулл, Гренард ва Лемб томонидан тақдим этилган мазкур парчалар, диққат билан қаралса, бир-бирига маъно ва шакл жиҳатидан ҳам жуда яқин туради. Шулардан келиб чиққан ҳолда, муаллифлар бу парчаларни, ҳақиқий таржима қилинган байтлардан илҳомланиб, ўзлари яратганлар деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида келтирилган матла ва мақтани қуйидагича таржима қилиш мумкин эди:

Мазмуни:

All are happy to see the crescent and beloved's face at once
Though I weep without your eyes and brows in the holiday month

Ҳамма бир вақтда ҳилол ва ёр юзини кўришдан хурсанд,
Мен эса сенинг юзинг ва қошларингдан айрилиқда йиғлайман

¹ Lamb Harold. Babur the Tiger. – Great Britain, 1962. – P. 140.

Cherish the Nawruz of her face and Eid of her tryst, oh Babur, As hundred Nawruz holidays aren't better than this flamboyance.	Унинг юзи Наврўзи ва васли Ийдини қадрига ет Бобур, Чунки юзлаб Наврўз байрамлари унинг гўзаллигига тенг кела олмайди.
---	---

Юқоридаги таржимага эътибор берилса, унда аслиятнинг шаклий-семантик ва поэтик хусусиятларини қайта яратиш анча сифатли чиққанини кўриш мумкин. Инглизларга Наврўз ва Ийд байрам номлари яхши таниш. Шундай бўлса-да, бу икки сўзга таржимадан ташқарида изоҳ бериб ўтиш ҳам мумкин. Охирги мисрадаги Наврўзлар ва байрамлар сифатида алоҳида кўрсатилган икки сўзни, таржимадаги шаклий уйғунликни сақлаб қолиш мақсадида битта қилиб “Наврўз байрамлари” кўринишида ўтирилди.

Шундай қилиб, ғазалларни инглиз тилига таржима қилишда қонун-қоидаларнинг қатъий ишлаб чиқилмагани юқоридаги чалкашликларга сабаб бўлганини кўрдик. Кўриб чиқилганлар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, поэтик уйғунликка эришишнинг бир шarti аслиятда қўлланилган бадий санъатларни таржима тилида мавжудлари билан алмаштириш, унинг имкони бўлмаганда эса, қўлланилган санъатни изоҳлаб таржима қилишдир.

Уйғунликка эришиш йўллари қидиришда давом этамиз. Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” тўпламига киритилган “Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт” мисраси билан бошланадиган ғазали таржимасини таҳлил қиламиз.

Ғазал севимли ёри узоқларда ҳаёт гаштини сураётган бир пайтда, ҳижрондан қон ютаётган ошиқ тилидан ёзилган. Ғазалнинг матласида ошиқ ўзининг бу аҳволдан суюқлисини ҳабардор этиш учун тонг елига мурожаат қилади.

Байт:

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт¹.

¹ Алишер Навоий. Наводир ун-нихоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 2-жилд. – Б. 77.

Мазмуни:

Эй тонг ели, аҳволимни сочи сунбул, юзлари гул,

Қомати сарвдек тик, дилга ором берувчи гўзалимга айт.

Шарқ мумтоз шеъриятида кўп учрайдиган образлардан бири тонг шамолидир. У ҳам ёрдек ёқимли ва нозик бўлиб, мумтоз адабиётимизда *жонлантириши* санъатидан фойдаланиб, унга ошиқнинг дарди-ҳолини маъшуқага етказиш вазифаси юклатилади. Байтнинг иккинчи мисраси ёрнинг анъанавий тасвири билан давом этади. “Зулфи сунбул” –ибораси ўзидан ифор таратадиган сочининг юз қисмидаги икки томондан тушиб турган гажак образини беради. Маъшуканинг юзи мусулмон Шарқ мумтоз лирикасида кўпинча гулга унинг қадди эса расо сарвга ўхшатилиши ҳам анъанавий тасвирни ҳосил қилган.

Д.Султанова таржимаси

O gentle wind of morn of my state to the delight of heart tell,

To my bonny cypress whose curl- fair, face- like a floweret tell¹.

Таржимаси:

Эй тонгнинг нафис шамоли, менинг аҳволимни дилоромимга айт,

Менинг зулфи гўзал, юзи гулдек хушрўй сарвимга айт.

Мазкур таржимада аслиятдаги персонификацияли мурожаат “O gentle wind of morn” кўринишида сақланган; маъшуқа образининг таърифида эса, кетма-кетлик ўзгарган ва метафора санъати сифатлаш билан ўзгартирилган. Ўзбек мумтоз адабиётига хос бўлган зулфнинг муаттар ҳид таратиш ҳолати, инглиз таржимасида гўзал зулф бирикмаси билан алмаштирилган.

Л.Кметьюк таржимаси:

O breeze of dawn, go and describe my state to the one who is the joy of my heart,

Tell my beauty whose curls are black and whose face is as tender as a flower...²

Таржимаси:

Эй тонгнинг нафис шамоли, бор ва менинг аҳволимни юрагимнинг

¹ Sultanova D.S. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Navro‘z nashriyoti, 2015. – Б. 15.

² Уммондан дурлар. Навоий шеъриятидан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарқ нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 120/

қувончи бўлган биттасига таърифлаб бер,

Айт менинг зулфлари қора ва юзи гулдек нозик гўзалимга.

Таржимада “Эй насими субҳ” – “O breeze of dawn” билан ўзгартирилган ва бу бирикма инглиз китобхони учун “gentle wind of morn”га караганда танишроқ. Метафора бу таржимада ҳам ўхшатиш билан ўгирилган, зулфнинг хиди туширилган ва “сарви гуландомим” – “beauty” га айланган.

Д.Дэйли таржимаси:

Dawn-walking, rollicking, and eager wind

You carry my words. Sustain them, o wind¹.

Таржимаси:

Тонгда кезувчи, безам, шўҳ ва шиддатли шамол,

Менинг сўзларимни олиб бор. Сақлаб қол уларни о шамол.

Мазкур таржима шакл нуқтаи назаридан энг сиқик чиққан. Аммо бунинг бадали сифатида байтнинг аслиятдаги иккинчи мисраси қурбон бўлган. Аслиятда учта сўздан иборат бўлган “Эй насими субҳ” таржимада олтига сўзли тасвирий бирикмага айланган: “Dawn-walking, rollicking, and eager wind”. Бу ҳодисани тасвирий таржима деб аташ мумкин. Шу билан бирга бу ерда трансформациянинг тушиб қолиш тури ҳам қўлланилган.

Байт:

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,

Базми айш ичра лабо-лаб бода ошомимға айт.

Мазмуни:

Унинг лаблари, яъни сўзлари соғинчида мен бетиним қон

ютаётганимни,

Қувноқ базмда қадаҳини тўлдириб май ичаётганимга етказ.

Мумтоз шеърият қоидаларига кўра, ёр ҳар доим бевафо ва жафокаш, ошиқ эса доимо вафоли ва сабрли бўлади. Муҳаббат қийноқлари ошиқнинг ҳаёт мазмуни бўлиб қолади, у маъшуқадан аразлашни ҳатто бир лаҳзага бўлса ҳам хаёлига келтирмайди. Маъшуқа ундан узоқда, ошиқ унинг

¹ Daly D. Twenty-one ghazals, Alisher Navoiy. – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – P. 23.

пурмаъно сўзларини соғинади, бу вақтда эса, маъшуқа, ҳар доимгидек унинг рақибларига карам кўрсатиб, уларни ўз суҳбатига ошуфта қилаётир.

Д.Султанова таржимаси:

Been tempted by those lips ruby my heart time after time bleeds,

Of it to my wine server who enjoys holding jolly feasts tell.

Таржимаси:

Унинг лаблари қизил томонидан қисталиб дилим дамба-дам қонамоқда

Бу ҳақда, менинг май қуювчи, қувноқ базмлар уюштиришини

ёқтирадиганимга айт.

АНАТИЛда “ҳасрат” сўзининг “иштиёқ, ишқ ўтида ёниш, зориқиб кутиш; муҳаббат, севги”¹ каби маънолари берилган. Таржимон қўллаётган “tempt” феъли бу ўринда семантик нуқтаи назардан бошқачароқ маъно келтириб чиқаради. Мазкур феълнинг инглизча маъносига эътибор қаратсак:

1) to entice or allure to do something often regarded as unwise, wrong, or immoral (нотўғри ва уятсиз ишларга ундамоқ)

2) to attract, appeal strongly to, or invite: The offer tempts me. (ўзига жалб қилмоқ)

3) to put to the test in a venturesome way; provoke: to tempt one's fate. (ниманидир айёрлик билан синовдан ўтказмоқ, провокация қилмоқ)

4) Obs. to try or test. (ҳаракат қилиб кўрмоқ)².

Кўриб турганимиздек, бу феъл бир қадар негатив маъно бўёқдорлигига эга бўлиб, уни маъшуқа ва унга бўлган илоҳий муҳаббатга нисбатан қўллаш бироз семантик ғализликка олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, “бодаошом” сўзига “майпараст, кўп ичувчи киши; гўзал”³ каби таъриф берилади. Бу образнинг ўрнига таржимага “май қуювчи” ва “қувноқ базмларни ёқтирувчи” образлари киритилган. Аввалги мисрадаги “lips ruby” бирикмаси инглиз тили синтаксидаги аниқловчи аниқланмишининг бирикиш

¹ АНАТИЛ, IV жилд. – Т.: Фан, 1983. – Б.167.

² <https://www.thefreedictionary.com/be+tempted>

³ АНАТИЛ, I жилд. –Т.: Фан, 1983. – Б. 303.

кетма-кетлигини бузгани учун ҳам, уни “*ruby lips*” кўринишида қўллаган маъқулроқ деб ҳисоблаймиз.

“Қон ютармен дам-бадам” ибораси инглиз тилига қилинган таржимада шакл нуқтаи назаридан мутлақо ўзгартирилган бўлса-да, бизнингча, айнан шу нарса уни оригинал мисра маъносига максимал равишда яқинлаштирган. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам борки, бу нарса бевосита маданиятлар орасидаги фарққа бориб тақалади. Гап шундаки, “*my heart bleeds for you*” бирикмасининг инглиз тилида биз ҳозиргина кўриб ўтган маъносидан бутунлай фарқ қиладиган замонавий маъноси ҳам борки, замонавий инглиз китобхони бу жумлани ўқиганида, когнитив диссонанс ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Замонавий нутқда мазкур бирикма кесатиш, кинояли гапириш, писанда қилиш ҳолатларида ишлатилади. Масалан, луғатда мазкур атамага қуйидагича изоҳ берилади: “*used ironically to express the speaker's belief that the person spoken about does not deserve the sympathetic response sought:*

- “*I flew out here feeling tired and overworked.*”
- “*My heart bleeds for you!*” she replied”¹.

Л.Кметьюк таржимаси:

*My yearning for her ruby lips has caused me infinite pain,
Tell the one with whom I drank of the cup of joy about all this.*

Мазмуни:

*Унинг лаъл лабларининг ҳасрати менга беҳисоб азоб берди,
Буларнинг ҳаммасини мен билан шодлик жомидан бирга ичганимга
айт.*

Таржиманинг биринчи мисраси аслиятга эквивалент бўлса-да, иккинчи мисра аслият матнига мос эмас. Ошиқ маъшуқ билан шодлик жомидан ичишни бир умр орзу қилса-да, бу ҳеч қачон амалга ошмайди.

Д.Дэйли таржимаси:

Tell my black-haired beauty her curls enchant,

¹ <https://idioms.thefreedictionary.com/heart+bleeds>

Give her my visions. Let her ride your wind.

Мазмуни:

Менинг қора сочли гўзалимга, ўзининг зулфларини сеҳрлаб қўйишини айт, Унга менинг хаёлларимни бер. Сенинг шамолингни минсин.

Таржимада аслиятдан биргина образ – зулф сақланган бўлса-да, унга таржима эмас, балки аслиятдан илҳомланиб, шоир томонидан яратилган оригинал матн сифатида қараш тўғрироқ бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, ғазал таржимасидаги уйғунлик аслият вазнини таржима тилига кўр-кўрона қўчирилишини тақозо этмайди. Ғазал таржимасида шоирнинг тили ва ифода тарзини аслидагидек сақлаб қолиш умидида, таржима тили ва шеърияти қоидаларини эътиборга олмаслик, ҳеч қачон уйғун таржимани пайдо қилмайди. Демак, ғазал таржималарида уйғунликка эришиш учун эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий тамойиллар сифатида оҳанг, ритм, қофия, бўғинлар сони, услуб ва фактуал маълумотларни қайта яратишни киритиш мумкин.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Мусулмон Шарқи кичик лирик жанри бўлмиш ғазални инглиз тилига уйғун таржима қилиш имкон қадар аслият шакли, маъноси ҳамда поэтик бирликларни қайта тиклашни талаб қилади. Бунга эришиш учун таржимон аслият ва таржима тилларининг лингвистик ўзига хосликлари, ҳар икки халқ адабиёти, улардаги рамз-тимсоллар, идиомалар, бадиий тасвир воситалари ва бадиий усуллар, жанрий ўзига хосликларни билиши муҳимдир.

2. Ғазалларнинг оҳанги бевосита уларнинг шаклий тузилиши билан боғлиқ. Бироқ шеърий матнда шаклдан ташқари маъно ва поэтик тил ҳам борки, улар таржимон эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Яъни шеърий шаклни сақлаш мақсадида таржима тилининг қурилиши ва функционал имкониятларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

3. Агар аслият тилида учраган бирор бир бадий санъат таржима тили учун ёт бўлса, уни матн остида ҳавола кўринишида келтирилган изоҳлар ёрдамида таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. Ҳазал таржимасида шаклий уйғунлик деганда ритм, вазн ва қофияларни муқобиллар ёрдамида тикланиши, семантик уйғунлик деганда эса, контекстуал маъноларнинг рецептор учун тушунарли тарзда таржима қилинишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

5. Ҳазал матни таркибидаги реалия ва лақналарни матн ичида транслитерация ва транскрипция орқали таржима қилиб, матн остида эса ҳавола кўринишида изоҳлаш энг маъқул йўлдир.

III БОБ. РУБОЙ ТАРЖИМАСИДА УЙҒУНЛИК КАТЕГОРИЯСИ

3.1§. Рубой таржимасида шаклий-семантик уйғунлик

Барча халқларнинг нутқ ҳосил бўлиш жараёнида деярли бир хилдаги харф ва товушлар иштирок этса-да, уларнинг талаффузи бир-бирдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида гапирётган инглизни ва инглиз тилида гапирётган ўзбекни бирдан фарқлаб олиш мумкин. Улар ўзга тил товушларини ўз тилларининг фонетик талаффуз қоидаларига таяниб талаффуз этишади. Она тилининг бу каби интерференцияси нафақат фонетик, балки семантик ва прагматик сатҳларда ҳам намоён бўлади. Кўпчилик таржимонлар рубой каби тўртлик кўринишидаги шеърлар таржимасида шаклий-семантик уйғунликни таъминлаш мақсадида муайян тамойилларга суяниб иш кўрадилар. Уларга қуйидагилар киради:

- ритм ва мусиқий оҳангни узатиш;
- аслият шаклий хусусиятларини қайта тиклаш
- муаллифнинг “бадий тили” ва “ифода тарзига мос” муқобилларни қўллаш;
- аслият матнидаги тағмаъноларни “кўра олиш”.

Маълумки, инглиз тили аналитик, ўзбек тили эса агглютинатив тиллар сирасига киради. Бу фарқлар нафақат морфологик ёки синтактик, балки фонетик қурилишда ҳам намоён бўлади. Масалан, сўз урғуси ўзбек тилида одатда сўзнинг охирига тушса, инглиз тилида урғунинг сўздаги ўрни қатъий белгиланмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тенг ҳажмдаги бўғинларнинг такрорига асосланган бармоқ системаси ўзбек тили учун табиий шеърини вазн бўлади. Аммо ўзбек мумтоз шеър тизими ҳақида гапирганимизда, кўз ўнгимизга бирданига аруз тизими келади. Аруз вазни рубойи битиш учун табиий вазндир. Рубойи жанри вазни ҳазаж баҳрининг “аҳрам” ва “аҳраб” шажарасидаги 24 вазни асосида яратилади Рубойлар қофияланиш тартибига кўра “а-а-б-а” кўринишида қофияланади. Агар тўрт мисраси ҳам “а-а-а-а” кўринишида қофияланса, “таронаи рубойи” деб аталади. Мўъжаз шаклда салмоқли ғояни акс эттиришга айнан рубойи имкон беради. Бундай шаклий

интизомни англиз тилида қайта яратиш бир мунча мураккаб. Бу ҳолатда ҳам ритмни сақлаш бош ўринга чиқади.

Арузшунос олим У.Тўйчиевнинг шундай хулосаси бор: “Шеърда гап қурилиши ва ритм бирга яшайди. Мисра бандларни, бандлар шеърни шакллантиради. Жумла ва гап – вазнга, мисра ва бандга мувофиқлашади, натижада мукамаллик, тугаллик, уйғунлик (гармония симметрия (мутаносиблик) туғилади”¹. Айни уйғунлик нафақат шеър, балки унинг таржимасида ҳам мавжуд бўлиши керак. Зеро, айнан шу уйғунликнинг мавжудлиги кишига ҳиссий таъсир қилади. Рубоий таржимасидаги фонетик ва лексик бирликларнинг маълум бир кетма-кетликда жойлаштирилишидан ҳосил бўлган оҳанг унинг асосий таъсир этувчи кучи ҳисобланади². Мутаржимнинг асосий мақсади айнан шу уйғунликни таржима тилида қайта яратишдир. Уйғунликни таъминлаш рецептор адабиётида мавжуд бўлган ўхшаш поэтик вазнлардан фойдаланиш орқали ҳал бўлиши мумкин. Ўзбек тилида англиз тили оҳанги ва ритмидан фойдаланиб гапириш бу тилнинг фонетик қоидаларини бузишга олиб келгани каби англиз тилида ҳам, аслида араб тилининг лингвистик хусусиятлари асосида ривожланган аруз вазнининг талабларини зўрма-зўраки яратишга ҳаракат қилиш, бамисоли қош кўяман деб, кўз чиқариш билан баробардир.

Э.Очилов форс тилидан ўзбек тилига қилинган рубоий таржималаридаги шакл ва мазмуннинг бирлиги масаласини тадқиқ қилар экан, арузни бармоққа айлантириб таржима қилиш тенденциясига салбий муносабат билдиради. Унингча, бунинг қуйидаги сабаблари бор:

1. Инқилобдан кейинги шеърятнинг бармоқ вазнида ривожланиши;
2. Арузга нисбатан уюштирилган танқидлар, ўтмиш сарқити деб уни бир четга суриб қўйишга бўлган уринишлар;
3. Бармоқ вазнида яратилган шеърят руҳида тарбия топган халқ талаби ва дидини ҳисобга олиш;
4. Бармоқ тизимида таржима қилишнинг нисбатан осон ва қулайлиги;

¹ Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 203.

² Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1981. – С.162.

5. Таржима қилинаётган рубоийлар муаллифларининг мумтоз шоирлар эканини унутиб қўйиш¹.

Бизнингча, бугунги кунга келиб, олим санаб ўтган сабаблардан фақат тўртинчисига объектив хулоса сифатида қаралиши мумкин. Олим ўз фикрларини яна давом эттириб: “XX аср бошларига қадар шеърятимизнинг етакчи вазни аруз эди. Кейин эса бармоқ тизими асосий ўринга чиқиб олди. Шунинг таъсири ўлароқ, ўқувчиларни Хайёмга эмас, аксинча, Хайёмни ўқувчиларга яқинлаштириш мақсадида (тескари пропорция) рубоийлар ёппасига бармоқ вазнида таржима қилина бошланди. Натижада, мумтоз рубоийчилик анъанаси билан таржима рубоийлар орасида узилиш юзага келди”², – дейди.

Албатта, аслият тили жанрларига хос анъанавийликни сақлаш айни муддао, аммо олимнинг бу фикрларига замонавий таржимашунослик талабларидан келиб чиққан ҳолда эътироз билдириш ҳам мумкин. Таржиманинг асл табиати, муттасил равишда ўзгаришларга асосланган. Бунга таржима тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, қачонлардир шеърини таржима қилишнинг энг маъқул кўриниши сифатида тан олинган сўзма-сўз таржима бугунга келиб энг сифатсиз бажарилган таржима сифатида қаралмоқда. Мукамал таржима мақомидан сифатсиз таржима даражасигача тушиш тенденцияси катта баҳсларга сабаб бўлган. Биз бу билан таржимада шакл иккиламчи деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Ўз фикрини давом эттирар экан, олим Н.Комиловдан иқтибос келтириб: “Хайём ва бошқа форс-тожик шоирларининг рубоийлари ўзининг арузий вазни билан эмас, балки бармоқ вазнида таржима этилганлиги сабабли, тўрт мисрадан иборат ҳар қандай шеърни рубоий деб ўқувчиларга тақдим этиш расм бўлиб қолди”³, – дея афсусланади. Тўртлик арузнинг маълум бир шаҳобчаларида ёзилмаса, уни рубоий деб айтиш мумкин эмас деган қоида бор. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Бу фикрлар ўринли, бироқ таржимада бу ўзини оқлайди.

¹ Очилов Э.З. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: филол. фан. номз. ...дис. Т.: 1994. – Б. 75

² Ўша диссертация, – Б.75.

³ Ўша диссертация, – Б.76-77.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, рубоий матнининг рецептор тилида қайта яратилиши рубоий эмас, рубоийнинг таржимасидир. Унинг таржимасида аруз вазнини тиклаш нуқтаи назаридан бир хил талаб қўйиш уни таржима қилишда сунъий тўсиқ билан баробардир. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, аслият ғоясини айна ўша вазнда ўгириш мушкулдир.

Замон талаби уйғун матнларни яратишни талаб қилар экан, биринчи галда, таржиманинг рецептор томонидан қабул қилиниш даражаси, ритм ва мусикий оҳангдан, шунинг, уйғун равишда маъно чуқурлигидан завқланиш хисси ҳисобга олиниши даркор. Бугунги кунда бу каби таржималарга эталон сифатида қаралади.

Итальян адабиётидан инглиз тилига кўчган, кейин эса рус адабиётига ўтиб, ўзбек тилига кириб келган сонетлар ёки баллада жанри; япон адабиёти намунаси бўлган хокку каби жанрлар бугунги кунга келиб, ўзбек адабиётида ўз мухлисларини топди. Сабаби, улар ўзбек китобхонларига маъқул келадиган вазнда яратилган. Табиийки, ўзбек тилида яратилган ёки таржима қилинган сонет ҳеч қачон инглиз ёки итальян тилидаги намуналар билан мутлақо бир хил бўлмайди. Бунга тўсқинлик қилувчи омиллар тилнинг ҳар бир сатҳида мавжуд. Шундай бўлса-да, биз бу каби асарларни сонет сифатида тан оламиз. Назаримизда, худди шу ёндашув ўзбек ёки форс тилидан инглиз тилига мумтоз адабий жанрлардан қилинган таржималарга ҳам тегишли. Шундай экан, лирик асарлар таржимасида уйғунликни таъминлаш аслият эмас, рецептор тили ритм ва оҳангларига мослашишни талаб этади.

Ритм ва оҳанг аслият матнининг шаклий асосини ташкил қилади. Шеър оҳанги – адабий усуллар маъно ва шаклнинг симбиозидан ясалади. Шунинг учун ҳам таржимон биринчи навбатда, вазн ва унинг бирликларини эмас, балки ритм ва оҳанг ўртасидаги боғлиқликни таъминлашга ҳаракат қилади.

Инглиз шеъриятининг асоси бўлмиш тоник вазнларда урғули ва урғусиз бўғинлар алмашиб келади. Араб, форс ва туркий тиллар мумтоз

шеърияти учун асос бўлган аруз вазнида эса мисрадаги хижолаарнинг чўзиқ-кисқалиги муҳим ўрин тутлади. Бу вазнларни бир тилдан иккинчисига айнан узатиш жуда катта муаммо саналади. Зеро, тоник тизим – соф тоник, бўғинли ва силлабо-тоник турларга, аруз вазни эса бахрларга бўлинади. Шеърий нутқнинг муҳим хусусияти – уни ташкил этувчи ритмик бирликларнинг, яъни туроқлар ва бандларнинг тартибланган такрорланишидир.

Оҳангни таъминловчи яна бир унсур қофиядир. Қофияларнинг табиати ҳам шеър вазнидек ўзига хос мураккабликларга эга. Вазнидан қатъи назар, турли қофияларга эга бўлган шеърлар турли хил услубга эга бўлади, чунки поэзияда стилистика мусиқийлик ёки фонетик таркиб асосида вужудга келади. Бундан ташқари, бир мисра доирасига сиғмай, кейинги мисрага кўчириб ўтказилган фикрларнинг, синтактик нотўлиқ туроқларнинг мавжудлиги ҳам шеъриятнинг ўзига хос унсури саналади¹. Улар шеърнинг оҳанг ҳаракатини бегилаб, муаллиф фикрини етказишга ва семантик урғуни аниқлашга ёрдам беради. Бутун шеърий матн давомида бир маромда такрорланувчи ўзаро ўзгарувчан вазнлар ва қофиялар бандни ташкил қилади.

Банд – мазмуннинг шартли тугаллиги билан фарқланувчи шеър мисралари йиғиндиси бўлиб, у шарқ адабиётида бўлгани каби, ғарб адабиётида ҳам ўзаро фарқланади. Мисралар миқдорига кўра шеър бандлари турлича бўлади (дистих-маснавий, терцет-мусаллас, катрен-мураббаъ / мухаммас, секстина-мусаддас, мусаббаъ, октава-мусамман, нона, децина-муашшар)². Банд оҳангини таъминлашда фақат вазн эмас, балки қофия ҳам катта роль ўйнайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, алоҳида товушлар ва уларнинг такрорига асосланган мисраларга қараганда қофияни ёки радифларни қайта яратиш осонроқ. Шундай бўлса-да, амалда, аслият матнининг қофиялари тиллардаги фонетик сатҳ номутаносиблиги сабабли таржима тилида бошқа фонологик бирликлар билан алмаштирилишига олиб келади. Бу эса, албатта, таржимон

¹ Юсупова Д. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. – Т.: Таълим-медиа, 2019. – Б. 184.

² Хатамов Н., Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 299.

олдида бир қатор муаммоларни пайдо қилади. Қуйидаги мисолларга эътиборингизни қаратамиз:

Паҳлавон Маҳмуд	Э.Очилов таржимаси	Аъзам Обидов таржимаси
Ба қуввати фил мўр мебояд буд	Филнинг кучи сенда бўлса ҳам мўрдек бўл!	If you've an elephant's strength, be like an ant,
Бо мулки ду кавн ўр мебояд буд.	Ҳар икки жаҳон мулки билан ўрдек бўл!	Be like a naked man if you've the two world's grant.
Ин турфа негар ке айби ҳар одаме	Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,	When you see some people's mistakes in your life
Мебояд диду кўр мебояд буд ¹	Ҳеч нарсани сезмагувчи бир кўрдек бўл! ²	Blind yourself about them, as blind, you act ³

Аслиятдаги “мўр, ўр, кўр” сўзлари қофия, “мибояд буд” эса радифдир. Ўзбек тилига қилинган таржимада улар фонетик-фонологик сатҳда тиллар орасидаги лексик яқинлик туфайли муваффақиятли амалга оширилган бўлса-да, ўзбек тилида “мўр” сўзи йўқ, “ўр” сўзи ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмагани учун таржима матнининг остида унга изоҳ бериб кетилган. Инглиз тилидаги таржимада радиф йўқ, қофиялар эса биринчи байт учунгина сақланганини кўришимиз мумкин.

“Бобурнома”нинг турли даврларда амалга оширилган таржималарида ҳам инглиз мутаржимларининг ҳар доим ҳам шеърий парчалардаги қофияларни сақламасдан, эркин ўгирганликларини кўрамиз. Масалан, қуйидаги байт тўрт марта таржима қилинган бўлса-да, ундаги “ғаффор ва бисёр” сўзлари ёрдамида яратилган қофия, бирор марта ҳам қайта тикланмаган:

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 40

² Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар [Электрон манба]: http://n.ziyouz.com/books/sharq_mumtoz_adabiyoti/Pahlavon%20Mahmud.%20Ruboiyot.pdf

³ Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

“Бобурнома”	Анет	Херолд Лемб	Стенли Лейн	Фернанд
дан	Беверидж	таржимаси	Пулл	Гренард
	таржимаси		таржимаси	таржимаси
Юз шукр де, Бобурки, карими Ғаффор,	Give hundred thanks, Babur, that generous Pardoner	a Babur! thanks that the mercy of God the	Give Babar! thanks that the favor of God Most High	Give all Give thanks, O Baber, to God, the Generous
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр ¹	Has given thee Sind and Hind and many a kingdom ²	Hath thee Hind royalty ³	given Sind and in royalty ⁴ ;	Hath given thee Sind and Hind India and its broad kingdoms! ⁵

Рубоийнинг шаклий хусусиятларини қайта тиклаш қофия ва радифларни иложи борича сақлаш орқали амалга оширилади. Инглиз тили учун ғазал ва рубоийлар ёзилган аруз тизими бегонадир. Демак, биз арузни таржимада тиклаш ҳақида сўз юритмаймиз. Зеро, бир тилга бутунлай бегона бўлган тизимни бирор ўзгартиришсиз таржима қилиш мумкин эмас. Бу ҳаракатлар аслият ва таржима матнлари орасидаги уйғунликни бекор қилади.

Таржима қилинаётган матннинг информативлик даражаси унинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини кўрсатувчи даражадир. Универсал ҳақиқатлар ҳақида ёзилган шеърий матн бир томондан таржимани осонлаштиради, бошқа томондан ўгирилган матннинг ўқувчи томонидан тўғри тушунилишида жуда муҳим. Масалан, Умар Хайёмнинг таниқли рубоийси ва

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 365.

²Beveridge Annette Susannah. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. – London, 1922. – P. 551.

³Lamb Harold. Babur the Tiger. – Great Britain, 1962. – P.168.

⁴Lane-Poole Stanley. Rulers of India. Babar. – Oxford, at the Calderon Press, 1899. – P. 171.

⁵Grenard F. Baber. – India, 1979. – P.196.

унинг таржималарини қиёсласак¹. Рубоий ўша даврда кенг тарқалган Ернинг коинотда марказий ўрин тутиши ҳақидаги тушунчага асосланган:

Аз жирми гели сиёҳ то авжи Зухал, Қаро ер қаъридан то авжи Зухал –
Кардам ҳама мушкилоти куллиро Коинот сирларин барин қилдим ҳал.
ҳал.

Бикшодам бандҳои мушкил ба ҳиял, Кўп мушкул тугунни ечдим,
англадим,

Ҳар банд кушода шуд, ба жуз банди Ечилмай қолгани биргина –ажал³.
ажал².

Шакл нуқтаи-назардан караганимизда, рубоийнинг биринчи мисраси етти сўз ва 12 бўғин, иккинчи мисра беш сўз ва 12 бўғин, учинчи мисра беш сўз ва 11 бўғин, ва ниҳоят тўртинчи мисра саккизта сўз ва 12 бўғиндан иборатлигини кўраимиз. Бандда “Зухал, ҳал, ҳиял ва ажал” сўзлари ўзаро қофияланиб келгани учун ҳам бу таронаи рубоийдир.

Зухал ёки Сатурн аслида қуёшдан узоқликдаги олтинчи сайёрадир. Умар Хайём даврида эса Ер коинотнинг марказида туради, унинг атрофида эса еттита сайёра айланади деган юнонлар томонидан шакллантирилган геоцентрик назария мавжуд эди. Ердан узоқлиги бўйича бу етти сайёралардан биринчиси Ой, иккинчиси Меркурий, учинчиси Венера, тўртинчиси қуёш, бешинчиси Марс, олтинчиси Юпитер, ва ниҳоят, еттинчиси Сатурн бўлган. Зухалнинг еттинчи сайёра сифатида тан олинганлиги ва мисрада етти сўздан фойдаланилганлик бир-бири билан боғланган бўлиши мумкин. Шоир аслият матнида хаёл, яъни идрок воситасида дунёдаги барча изох талаб муаммоларга жавоб топгани, аммо биргина ажал сири унга ҳамон номаълумлигича қолаётгани ҳақида айтмоқда.

¹ Диссертация доирасида таҳлилга тортилаётган Умар Хайём рубоийлари ва уларнинг ўзбекча таржималари тўрт тилда нашрдан чиққан “Рубоийлар” тўпламидан олинди. Қаранг: Умар Хайём. Рубоийлар [Матн]: Нашрга тайёрловчи А. Қамарзода. – Т.: Турон замин зиё нашриёти, 2017.

² Ўша асар. № 16. – Б. 15.

³ Ўша асар. № 16. – Б. 15.

Шу нуқтаи назардан, бадий адабиётда бу сайёра коинотнинг сарҳади, охирги ва энг узоқ нуқтаси маъносида қўлланилади. Хайёмни инглиз тилига энг кўп (турли йилларда беш марта алоҳида нашрлар сифатида) таржима қилган Э.Фитсжеральд бу рубоийни қуйидагича талқин этади:

Э.Фитсжеральд:

*Up from Earth's Centre through the
Seventh Gate*

I rose, and on the Throne of Saturn sate,

*And many a Knot unravel'd by the
Road;*

*But not the Master-knot of Human
Fate¹.*

Мазмуни:

Ернинг марказидан тортиб еттинчи дарвозагача,

Мен кўтарилдим, ва Сатурннинг тахтида ўтирдим,

Йўл-йўлакай кўпчилик тугунларни ечдим;

Аммо инсон тақдири бўлмиш энг катта тугундан ташқари.

Таржиманинг биринчи мисраси саккиз сўз ва 10 бўғин, иккинчи мисра тўққиз сўз ва 10 бўғин, учинчи мисра саккиз сўз ва 11 бўғин, ва ниҳоят тўртинчи мисра етти сўз ва 10 бўғиндан иборат. Банддаги қофияланиш тартибида ҳам ўзгариш содир бўлган “*Gate, sate* ва *Fate*” сўзлари ёрдамида биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралар ўзаро қофияланган, аммо учинчи мисрада қофия йўқ. Демак, таржимада рубоии хосий қайта тикланган. Шунингдек, таржима аслият матндан қисқароқ тарзда шакллантирилган. Иккинчи мисрада ишлатилган “*sate*” сўзи “*to sit*” яъни ўтирмоқ феълининг архаик шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, замонавий китобхон бандни ўқиганида унинг биринчи ва охирги мисралари қофияланган бўлади. Бунинг устига “*sate*” сўзининг замонавий инглиз тилидаги маъноси “қондириш, талабга жавоб бериш” каби таржима қилинади.

Таржимада трансформацияга учраган образлар орасида “*Seventh Gate*” бирикмаси бор. Еттинчи дарвоза тушунчаси юқорида келтирилган

¹ <http://www.web-books.com/Classics/Poetry/Anthology/FitzGerald/Rubaiyat4.htm>

Сатурннинг шоир даврида ердан узоқликдаги еттинчи сайёра экани ҳақидаги ишонч билан боғлиқ. Аммо иккинчи қатордаги “*Throne of Saturn sate*” бирикмаси яна таржимага янгидан олиб кирилган, шоир аслиятда тахтда ўтириш ҳақида фикр юритмаган, албатта. Бу бирикма Э.Фитсжеральд томонидан Хайёмнинг астроном эканига шаъма сифатида ишлатилган бўлиши мумкин. Аммо юқорида таъкидланганидек, аслият матнида бу бирикма мавжуд эмас.

Таржимада Сатурннинг тахтга эга бўлиб қолишини Рим мифологияси билан боғлаб ҳам тушунтириш мумкин. Унга кўра, Сатурн (юнон маданиятида Кронос ёки Вақт) бош маъбуд бўлган вақтларда, қачонлардир унинг ўз болалари уни тахтдан ағдаришидан қўрқиб, ҳар битта туғилган фарзандини ямламай ютади. Ўз фарзандларига ачинган унинг рафиқаси, битта фарзандининг ўрнига Сатурнга тошни йўргакка ўраб бериб, шу фарзандни ўлимдан асраб қолади. Кейинчалик, омон қолган ўша фарзанд Сатурнни тахтдан ағдаради. Шу афсонадан илҳомланган таржимон Сатурнни шахслантириб, унга таржимада “тахт” инъом этган бўлиши мумкин.

Аслиятдан маъно жиҳатдан фарқланувчи яна бир унсур охириги мисрададир. Унга кўра, шоир ўлимдан бошқа ҳамма муаммоларнинг чорасини англаганини таъкидласа, таржимада бу қисм тушириб қолдирилган. Ўлим тугуни инсон тақдири тугуни билан алмаштирилган.

Навбатдаги таржима Винфилд томонидан амалга оширилган:

Винфилд таржимаси:

*I solved all problems, down from
Saturn's wreath*

Unto this lowly sphere of earth beneath,

*And leapt out free from bonds of fraud
and lies,*

Мазмуни:

*Ҳамма муаммоларни ҳал қилдим
Сатурн гулчамбаридан*

То бу настқам ер қаригача,

*Ва алдовлар ва ёлгонлар чигалидан
қутулдим,*

*Yea, every knot was loosed, save that of Ха, барча тугун ечилган эди,
death!*¹ *ўлимникидан ташқари.*

Таржиманинг биринчи мисраси саккиз сўз ва 10 бўғин, иккинчи мисра етти сўз ва 10 бўғин, учинчи мисра ўн сўз ва 10 бўғин, ва ниҳоят тўртинчи мисра тўққиз сўз ва 10 бўғиндан иборат. Банддаги қофияланиш тартибида ҳам ўзгариш содир бўлган “*wreath, beneath, death*” сўзлари ёрдамида биринчи, иккинчи ва учинчи мисралар ўзаро қофиялангандек кўринади, аммо иккинчи мисрадаги сўз қолганларидек талаффуз этилмагани учун ҳам, у кўз учун қофия, ёки орфографик қофия бўлади, холос. Мазкур таржимада “авжи Зухал” Сатурннинг гулчамбари сифатида таржима қилинмоқда. “*Wreath*” биринчидан қофия яратиш, иккинчидан сайёранинг атрофида газ ва космик чанглардан тузилган айлана кўринишидаги орбитал шаклланишнинг мавжудлигини таъкидлаш учун киритилган бўлиши мумкин.

Биринчи ва иккинчи мисраларнинг кетма-кетлиги таржимада алмашиб қолган. Аслиятдаги “Ер қаъридан Сатурн авжигача” бирикмаси, “Сатурннинг гулчамбаридан Ергача” билан ўзгартирилган. Кейинги икки мисрада ҳам маълум маънодаги ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. Масалан, аслиятда таржимадаги каби шоирнинг “*bonds of fraud and lies*” яъни “*алдовлар ва ёлгонлар чигалидан*” кутулгани ҳақида маълумот берилмаган. Охириги мисрада эса, таржимон томонидан ундалма кўринишидани “*save that of death!*” бирикмаси киритилмоқда.

Навбатдаги таржима Эбен Франсис Томпсон томонидан амалга оширилган:

Эбен Франсис Томпсон таржимаси: Мазмуни:

From the center of the body of earth to Ер қобиғи марказидан Сатурннинг
Saturn’s height баландлигигача

I solved all problems of the Heavenly Мен Жаннатий жойнинг ҳамма

¹ [Электрон манба]: [https://en.wikisource.org/wiki/Page:Quatrains_of_Omar_Khayyam_\(tr._Whinfield,_1883\).djvu/260](https://en.wikisource.org/wiki/Page:Quatrains_of_Omar_Khayyam_(tr._Whinfield,_1883).djvu/260)

<i>zone</i>	муаммоларини ечдим
<i>I leap out from bonds of fraud and artifice</i>	Мен ёлғон ва сохталикнинг ҳамма тугунларидан қутулдим;
<i>Every barrier was opened save the bond of Death¹.</i>	Ҳар бир тўсик очилган эди, ўлим тугунинидан ташқари.

Мазкур таржима Винфилд томонидан амалга оширилган таржимага жуда яқиндир. Унда “авжи Зуҳал” бирикмасига эквивалент – “*Saturn’s height*” бирикмаси бор. Иккинчи мисрада “*Heavenly zone*” конкретизациясини кўриш мумкин. Охирги икки мисра эса юқорида кўриб ўтган таржима билан бир хил маъно касб этган. Аслиятда “*bonds of fraud and artifice*” ҳақида маълумот йўқ. Аммо Винфилднинг таржимасидан фарқли равишда, Томпсоннинг таржимасида қофияланиш мавжуд эмас.

Шаҳриар Шаҳриари таржимаси:	Мазмуни:
<i>From the depth of earth to the heights of Saturn,</i>	Ернинг марказидан то Сатурннинг баландлигигача,
<i>We’ve solved all riddles, turn after turn.</i>	Биз барча жумбоқларни ечдик навбатма-навбат.
<i>Break every chain, our ignorance burn,</i>	Ҳар бир кишанни парчаладик, жаҳолатимизни ёндирдик,
<i>Except the riddle that fills the urn².</i>	Ҳокимиз кўйиладиган кўзани тўлдирадиган жумбоқдан ташқари.

Кўриб ўтган таржималаримиз орасида Шаҳриари томонидан қилинган таржимадагина худди аслиятдагидек ҳар тўрт мисрада ҳам қофияларинг сақланганини кўриш мумкин. Маъно жиҳатидан унга “*ignorance burn*” ва “*urn*” образлари киритилган. Урна ўликнинг хоки сақланадиган махсус кўза бўлиб, унинг ишлатилиши мусулмон Шарқига хос эмас. Таржимон бу сўзни

¹ Thompson E.F. Rubaiyat of Omar Khayyam with the Persian text, a transliteration and a close prose and verse translation. London, 1907. – P. 59.

² A Poem for Cry. Favourite Poems of Famous Indians. Compiled and edited by Avante Maluste and Sudeep Doshi. India: Penguin books, 2006. – P. 13.

аслиятда берилган кофиядошликни сақлаб қолиш учун қўллаган кўринади. Умуман олганда, аслият ва таржиманинг маънолари яхши сақланган ва уларни бир-бирига эквивалент деб ҳисоблаш мумкин. Аммо биринчи мисранинг қолган уч мисралардан анчайин узунроқ бўлгани ўқилиш жараёнида бироз ноқулайлик туғдиради.

Навбатдаги рубойда ҳам шоир ўзининг доимий инсон ҳаёти ва ўлими ҳақидаги ўйларини давом эттиради. Инсоннинг кўзига у кўриши лозим бўлмаган нарсаларни ёпиш учун тортилган “парда” метафораси барчамизга яхши маълум. Шоир айнан шу фалсафага таяниб, метафорик рубойсини яратган. Шарқ мумтоз шеърятини тасаввуфий тимсолларсиз тасаввур қилиш қийин. Сиқик шаклга улкан маънони жойлаштиришга мўлжалланган рубой жанрида эса бу каби тимсоллар ҳам дунёвий, ҳам илоҳий тушунчаларни англатиши мумкин. Шарқ олимларининг тасаввуфий қарашларини ўзида мужассам этган шеърлари ғарб олимлари томонидан таржима этилганда, кўпинча, айнан шу илоҳий рамзларнинг маъноси йўқолган, натижада, шоирнинг дунёқараши ва ҳаёт фалсафаси ҳақида хато тушунча шаклланган. Қуйида Умар Хайёмнинг шундай рубойларидан бирини мисол қилиб келтирамиз:

Умар Хайём

Таржимаси

Асрори азалро на ту дони на ман,

Азал сиррин билолмасмиз на сену на мен,

В-ин ҳарфи муаммо, на ту дониву на ман.

Бу жумбоқ ҳал қилолмасмиз, на сену на мен.

Ҳаст аз паси парда гўфтгўйи ману ту,

Парда орқасида аҳир бу ғувуримиз,

Чун парда барафтад, на ту маниву на ман¹.

Парда кетару қолмасмиз, на сену на мен².

¹ Умар Хайём. Рубойлар [Матн]: Нашрга тайёрловчи А.Қамарзода. – Т.: Турон замин зиё нашриёти, 2017. – Б. 18. №22.

² Ўша асар. – Б. 18. №22.

Дунёнинг ишларини англашга инсонинг умри етмайди. Инсонлар номаълумлик пардаси орқасида туриб нималардир ҳақида сўзлашадилару, аммо парда кўрилганда, унинг ортида ҳеч ким қолмайди. Биз дунё, ҳаёт, тақдир ҳақида ўзимизча хулосалар қиламиз, аммо бизнинг олдимизга парда тортилган, бу нарсаларнинг аслида қандай эканлигини шунинг учун ҳам била олмаймиз бу дунёда. Фитсжеральд таржимасига назар ташлаганимизда, аслият матнига қараганда таржима матнининг ҳар бир қаторида бир қанча ўзгаришлар содир бўлганини кўришимиз мумкин:

Э. Фитсжеральд

Мазмуни:

There was a Door to which I found no key,	Бир эшик бор эдики, мен унга калит топа олмадим,
There was a Veil past which I could not see.	Бир парда бор эдики, унинг ортидагини кўра олмасдим,
Some little talk awhile of me and thee	Мен ва сен ҳақимизда бироз суҳбат
There seem'd –and then no more of thee and me ¹ .	Бўлгандек туюлган эди –ва энди сен ҳам йўқсан мен ҳам.

Биринчи мисрага эшик ва калит образи киритилиб, аслиятда берилган маъно инглиз тилига метафорик образлар воситасида кўчирилган. Аслиятнинг учинчи қаторида берилган парда, таржимада иккинчи мисрага чиқиб кетган. Учинчи қатордаги “сен ва менинг суҳбатимиз” маъноси эса “сен ва мен ҳақимдаги суҳбат”га алмаштирилган. Ва ниҳоят, аслиятда даражама-даража таърифланиб – парданинг кўтарилиши образи тушириб юборилгач, кишиларнинг йўқликка юз тутиши образи таржимада сабаб-натижа боғланишини йўқотиб юборган. Таржимада “key, see, thee” сўзлари қофияни ясамоқда. Мумтоз шеърятда “thee” одатда Худо ёки ёрга мурожаат қилганда ишлатилади. Аммо мазкур рубоийда у умуман инсоният маъносида

¹Рубоийлар [Электрон манба]:<http://www.web-books.com/Classics/Poetry/Anthology/FitzGerald/Rubaiyat4.htm>
№ 32

қўлланилмоқда ва таржимон бу сўздан фақат қофияни қайта яратиш мақсадида фойдаланмоқда.

Винфилд таржимаси:

Nor you nor I can read the etern decree,

To that enigma we can find no key;

They talk of you and me behind the veil,

But, sweep that veil away, and where
are we?¹

Мазмуни:

На сен-у ва на мен мангу қарорни
ўқий оламиз,

У жумбоққа биз калит топа
олмаймиз;

Парда ортида улар сен ва мен
ҳақимда гапиришади,

Аммо, у парда суриб ташла, ва энди
сен-у мен қаердамиз?

Иккинчи таржимада аслиятнинг биринчи ва охири мисрасига эквивалентлик сақлангани ҳолда, иккинчи мисрага “калит” образи киритилмоқда, учинчи мисрада эса, худди олдинги кўрган таржимамизда бўлгани каби аслиятда бўлмаган “улар сен ва мен ҳақимда гапиришади” маъноси берилган. Бу таржимада қофиядош сўзлар сифатида “decree, key, we” қўлланилган.

Эбен Франсис Томпсон таржимаси: Мазмуни:

The secrets of eternity neither thou
knowest nor I,

And this riddle neither thou can'st read
nor I.

There is talk behind the veil of me and
thee,

When the veil is lifted neither thou
remainest nor I¹.

Мангулик сирларини на сен биласан
на мен,

Бу жумбоқни на сен ўқий оласан на
мен,

Парда ортида мен ва сен ҳақингда
суҳбат бўлмоқда,

Парда кўтарилганда на сен қоласан
на мен.

¹ Рубойлар. [Электрон манба]:[https://en.wikisource.org/wiki/Quatrains_of_Omar_Khayyam_\(tr._Whinfield,_1883\)/Quatrains_301-400](https://en.wikisource.org/wiki/Quatrains_of_Omar_Khayyam_(tr._Whinfield,_1883)/Quatrains_301-400) № 342

Э.Томпсон таржимасининг учинчи қаторидаги “сен ва мен ҳақимдаги суҳбат” маъносини берувчи нотўғри талқинини ҳисобга олмаганда, шакл ва маънонинг узатилиши борасида камчилик йўқ. Таржимон, ҳатто, аслиятдаги “на ту...на ман” радифини ҳам қайта тиклашга эришганни кўришимиз мумкин. Бунинг устига шакл жиҳатида таржимон томонидан ишлатилган “neither thou knowest”, “thou can’st”, “thee” ва “thou remainest” бирикмаларининг қўлланилиши рубойга мумтозлик сайқалини берган.

Шаҳриар Шаҳриари таржимаси:

Мазмуни:

The secrets eternal neither you know
nor I

Мангулик сирларини на сен биласан
ва на мен,

And answers to the riddle neither you
know nor I

Ва топишмоқнинг жавобини на сен
биласан на мен,

Behind the veil there is much talk about
us, why

Парда ортида биз ҳақимизда кўп
гаплар бўлмоқда, нега

When the veil falls, neither you remain
nor I².

Парда йўқолганда на сен қоласан на
мен.

Ш.Шаҳриари томонидан амалга оширилган таржимада ҳам фақатгина учинчи қатордаги аслиятнинг маъноси ўзгарганини, қолган қисмларда эса радиф ва қофияларгача жуда яхши тикланганини кўришимиз мумкин. Сўнгги икки таржимон таржимада қаторларнинг бир хил бўғинлар сонига эга бўлиши ва учинчи мисранинг маъносини ўзгартиришсиз таржима қилиш – айнан шу рубойнинг инглиз тилидаги гармоник таржимаси яралишини таъминлаган бўлар эди.

Навбатда Алишер Навоий қаламига мансуб рубой таржимасини кўриб чиқамиз:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,

¹ Thompson E.F. Rubaiyat of Omar Khayyam with the Persian text, a transliteration and a close prose and verse translation. London, 1907. – P. 60

²Рубойлар. [Электрон манба]: http://www.iranchamber.com/literature/khayyam/rubaiyat_khayyam3.php

*Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Хар неники севмак ондин ортиқ ўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз*¹.

Рубоийда “жондин”, “сондин” ва “ондин” сўзлари қофия бўлиб, бор йўғи икки бўғиндан, “сени кўп севармен, эй умри азиз” эса радиф бўлиб, 1-, 2-, ва 4- мисралар етти сўз ва ўн уч бўғиндан, 3-мисра олти сўз ва ўн икки мисрадан иборат. Таржима қилишга қулайроқ бўлиши учун, мисралардаги 13 бўғиндан иборат жумлаларни 8+5 кўринишда тuroқлаш мақсадга мувофик бўлади. Бу рубоий таржимаси Алишер Навоий лирикасини инглиз тилига таржима қилишга биринчилардан бўлиб киришган устоз-таржимон Қ.Маъмуров томонидан амалга оширилган.

Қ.Маъмуров таржимаси:

I love you more than my soul, oh, my
dear,

I love you more than all numbers, oh,
my dear.

Loving anything cannot be more than
that,

I love you much more than that, oh,
my dear².

Мазмуни:

Жонимдан сени кўп севаман, оҳ
менинг азизам,

Барча сонлардан сени кўпроқ
севаман, оҳ менинг азизам,

Бошқа бирор нарсани севиш ундан
ортиқ бўлмас

Мен сени ундан-да анча кўпроқ
севаман, оҳ менинг азизам.

Таржимада биринчи кўзга ташланадиган жиҳат, радифнинг “oh, my dear” билан узатилгани. Рубоийнинг бу тузилиши, инглиз тилидаги бўлишли дарак гапнинг ясалиш қоидасига кўра шакллантирилган бўлиб, аслиятдаги радиф таржимада иккига ажралмоқда. Ундаги “сени кўп севармен” –қисми, гапнинг бошига ўтказилган. 1-, 3-, ва 4- мисралари 11 бўғиндан, 2 - мисра 12 бўғиндан иборат. 1-, 2-, ва 4- мисралар ўн, 3-мисра еттита сўз ёрдамида қайта тикланган. Г.Одилова мазкур рубоий таржимасини таҳлил қилганда, иккинчи мисрадаги “all numbers” сўзи ўрнига “infinity” сўзини ишлатиш мақсадга

¹ Алишер Навоий. МАТ. III жилд, № 47. – Б. 553. № 47.

² Уммондан дурлар. Навоий шеърятидан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 142.

мувофикроқ эканини кўрсатиб ўтади¹. Шунинг ҳисобга олмаганда, рубоийнинг маъноси тўғри таржима қилинган деб таъкидлаш мумкин. Аслият шаклига караганда, сўзлар сонининг ошиб, бўғинлар сонининг эса қисқариб кетганлиги тиллар орасидаги сўз ва гапларнинг ясалишидаги фарқларга бориб тақаладиган объектив омиллар туфайли пайдо бўлган.

Ушбу рубоий таржимасида тўлиқ уйғунликка эришиш учун куйидаги жиҳатларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Унда аслиятнинг шаклий ва маъновий қурилишларини бирдек ҳисобга олиб, шоир томонидан қўлланилган инверсияни сақлаш орқали аслият матнини таржима қилиш кўзланган натижани бериши мумкин:

1-мисра:

More than my soul, I do love you, oh,
thee my dear life,

2-мисра:

Of the whole more I do love you, oh,
thee my dear life,

3-мисра:

Should there ever be a thing the most
loved of all

4-мисра:

Of the all more I do love you, oh, thee
my dear life,

Мазмуни:

Қалбимданда кўпроқ севаман сени,
эй, сен умримнинг азизи,

Борлиқдандан кўпроқ севаман сени,
эй, сен умримнинг азизи.

Ҳар қачонки энг кўп севилган нарса
бўлса,

Ўша нарсадан ҳам кўпроқ севаман
сени, эй, сен умримнинг азизи.

1-, 2-, ва 4- мисралар ўн уч, 3- мисра ўн битта сўздан иборат. Ҳар бир мисра, худди аслиятдагидек бўғинлар сонига эга. Энг муҳими, матндаги қофиялар ва радифларнинг ўрнини сақлаб қолишга эришилди. Мисраларда қўлланилган сўзларнинг сони деярли икки баробарга ошгани билан улардаги бўғинлар сонининг тенглиги, инглиз тилидаги сўзларнинг кўпчилиги асосан бир бўғиндан иборатлиги билан белгиланади.

Кўйидаги рубойни ҳам шу тамойил асосида таржима қилса бўлади:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур!

Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур!

Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур!¹

Кўринадики, шоир ҳар бир мисрага сўзлар сонини: 6-6-5-6 кўринишида, бўғинлар сонини: 13-13-12-13 тарзида, ва ниҳоят семантик урғуланишни ёки тuroқлар сонини ҳар бир мисра учун: 7+6 бўғин кўринишида тартиблаган. Мисралардаги “вафо”, “жафо” ва “жазо” сўзлари қофия, “топқусидир” радиф вазифасини бажаради. Шоир бу мисраларга яхшилиқнинг мукофотга, ёмонлиқнинг эса жазога сазовор эканлиги ҳақидаги қадимий доноликни жойлаштирган.

1-мисра:

All those sowing loyalty, loyalty will reap,

2-мисра:

All those sowing cruelty, cruelty will reap.

3-мисра:

A good man will never be subject to evil

4-мисра:

All of those who are evil, penalty will

reap.

Мазмуни:

Вафони эккан барча –вафони ўради

Жафони эккан барча –жафони

ўради

Яхши одам ҳеч қачон ёмонлиқ

кўрмайди

Ёмон бўлган барча –жазо топади

Агар мисралардаги сўзлар сонини 7-7-9-9 кўринишида келтириб, ҳар бир мисрадаги бўғинлар сони: 12-12-12-12 тарзида, ва ниҳоят семантик урғуланишни ёки тuroқлар сонини 1- ва иккинчи мисраларда 6+6, охириги икки мисрада эса 7+5 бўғин кўринишида тартиблаб жойлаштирадиган, шаклан аслиятга яқинлашади. Мисралардаги “loyalty”, “cruelty” ва “penalty” сўзлари қофия, “will reap” радифдир. Рубойнинг маъноси ҳаёт ҳақиқати ҳақида

¹[Электрон манба]: <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/zahiriddin-muhammad-bobur-14-02-1483-26-12-1530.html>

сўзлагани учун ҳам, унинг таржимада берилиши нисбатан осонроқ кечади. Инглиз тилидаги вариантда “Everyone reaps what they sow” деб, яъни, “ҳар ким экканини ўради” деган мақол таржимасидан фойдаланиш рубоийда нафақат шаклий ва семантик, балки поэтик уйғунликни ҳам таъминлайди.

Умуман олганда, таржимада шаклий-семантик уйғунликка эришишга халақит берадиган қуйидаги омиллар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

- шеърий вазнларни тушунмаслик;
- рецептор адабий тилини яхши билмаслик;
- муаллифнинг бадиий тили ва ифода тарзини тушунмаслик;
- аслият матнидаги контекстни илғамаслик.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги таҳлилларимиздан шуни кўриш мумкинки, рубоий таржималарида шаклий-семантик уйғунликка эришиш ғазал каби нисбатан каттароқ ҳажмли лирик жанрлар таржимасидаги уйғунликка эришишга қараганда анча енгил кечадиган жараён дир. Бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган шеърий тизимлар орасида пайдо бўладиган фарқларни инобатга олган ҳолда, матн даги шаклий безаклар ва умумий бўғинлар сонини қайта тиклаш –шаклий, рубоийнинг фалсафий мазмуни сақлаб қолиш эса маъно уйғунлигини таъминлайди. Демак, рубоий шаклий-семантик уйғунлигини таъминлашда қуйидаги тамойилларга асосланиш мақсадга мувофиқ дир:

•матн таркибидаги қофия ва радифлар ҳамда бўғинларнинг сонини таржима тилида қайта тиклаш;

•Шарқ мумтоз рубоийларида фалсафий-диний мотивлар маъно пардасига ўралгани учун уларни изоҳлаб ўтиш;

•маънони ўзгартиришга хизмат қилмайдиган унсурларни таржимада тушуриб қолдириш мумкин.

3.2 §. Рубоий таржимасида поэтик уйғунликка эришиш

Ғарб китобхонларини шаклан мўъжаз, аммо мазмунан чуқур фалсафий бўлган рубоий жанри ҳамиша ўзига тортиб келган. Таржимонлар ҳам муайян таржималарини доимий равишда қайта ишлаб, такомиллаштириб борганлар.

Масалан, Хайёмнинг рубойларини форс тилидан инглиз тилига таржима қилган Эдвард Фитсжералд ўз таржималаридан қоникмаган ҳолда, ҳаётлик даврида уларни қайта ва қайта беш марта таржима ва нашр эттиради. Ҳар сафар шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлашга эътибор берган таржимон поэтик уйғунликка эришишда қийинчиликларга дуч келади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, мусулмон Шарқи мумтоз адабиёти намуналарини таржима қилишда поэтик уйғунлик касб этишга халақит берадиган энг катта тўсиқ мумтоз адабий санъатларнинг тушунилмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Рубойларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш асосан буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Бобурнома” асари билан чамбарчас боғланган. Қуйида турли мутаржимлар томонидан таржима қилинган рубойларни қиёслаб таҳлил қиламиз.

*Ёд этмас эмиш кишини гурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Гурбатта севунмас эмиш, албатта, киши¹.*

Бобурнинг рубойларида соғинч ва қайғу оҳанглари тез-тез такрорланиб туради. Масалан, унинг тоғаси Султон Маҳмудхонга йўллаган арзи ҳоли бўлмиш шу рубой бунга ёрқин мисолдир. Мазкур рубойда ҳам инсоннинг бошига оғир мусибат тушганда, атрофдагиларнинг унга бефарқлигидан қийналиши, кўнглининг оғриши тасвирланмоқда. Шоир томонидан қўлланган “гурбат, меҳнат ва ғариблик” каби сўзлар рубойнинг лирик кайфиятини белгилаб беради. Рубойда “киши” радиф, “гурбатта, меҳнатта ва албатта” сўзлари қофия вазифасини бажариб келмоқда. Шу билан бирга биринчи байтда “ёд этмас ва шод этмас” бирикмалари ўзаро қофияланганига ҳам эътибор бериш лозим. Рубойдаги “эмиш, киши, шод” сўзларидаги “ш” ундоши **тавзий** санъатини ясамоқда. Шунингдек, “гурбатта ва ғариблиқда” сўзлари эса **таносуб**ни ҳосил қилмоқда. “Ғариблиқда шод” ва “Гурбатта

¹ Бобир шеърятдан / Тузувчи С.Ҳасанов – Т.: Ўзбекистон КПКМ нашриёти, 1982. – Б. 74.

севунмас” ўзаро тазодир. “Оҳ” ундалмаси таажжуб санъатини ясамоқда. Биринчи ва иккинчи мисралардаги сўзларнинг жойлашуви тарсиъ санъатининг намунасидир. Қуйида мазкур банднинг биринчи таржимасини таҳлил қиламиз:

Лейден-Эрскин таржимаси:

Мазмуни:

No one remembers him who is in adversity; Қийинчиликда бўлганни ҳеч ким эсламайди

A banished man cannot indulge his heart in happiness; Қувилган инсон ўз қалбини хурсандчиликда қувонтира олмайди

My heart is far from joy in this exhile; Менинг қалбим бу қувгинда хурсандчиликдан узоқда;

However brave, an exhile has no pleasures¹ Қанчалик ботир бўлмасин, қувгинда ҳаловат йўқ

Авваламбор, шунини таъкидлаш жоизки, рубоийнинг умумий маъноси тўғри ўгирилган. Шунга қарамай, вазн ва ритм жиҳатидан рубоий ўзининг аслиятдаги гўзаллигини буткул йўқотган. Қофиялар ва радифнинг тушиб қолиши бунинг асосий сабабидир. Поэтик тилнинг сақланиши нуқтаи назаридан, аслият матнида қўлланилган бешта бадий санъатдан таржимада “exhile” сўзи воситасида берилган такрор ва “adversity” ва “happiness, pleasures” воситасида келтирилган антитеза қайта тикланган. Худди шу рубоийнинг бошқа бир таржимасига назар соламиз:

А. Беверидж таржимаси

Мазмуни:

One hears no man recall another in trouble, Кимдир бошқа бировнинг бошига мусибат тушса, ундан хабар олиши ҳақида эшитмайди.

¹ Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan, written by himself in Jaghatai Turki and translated partly by the late John Leyden, partly by William Erskine with Notes and a Geographical and Historical Introduction, London, 1826. – P. 164.

<i>None speak of a man as glad in his exile;</i>	Ҳеч ким кимдир қувғинда бахтли экан демайди.
<i>My own heart has no joy in this exile;</i>	Менинг ўзимнинг юрагим бу қувғинда хурсандчилик топгани йўқ;
<i>Called glad is no exile, man though he be¹.</i>	Хурсандчилик деб аталган нарса қувғин эмас, шу ҳолга тушган бўлса-да.

Мазкур таржимада ҳам “*exile*” ва “*glad*” сўзлари воситасида берилган такрор ва “*trouble- glad, joy*” воситасида узатилган тазодни кўриш мумкин. “*Trouble- exile*” бирикмаси иштиқоқнинг қайта тикланишидир. Афсуски, бу таржимада ҳам, аллитерация, таносуб, таажжуб ва тарсеъ санъатлари қайта тикланмаган. Аслият матнида “ғурбатта, меҳнатта, албатта” қофиялар, “киши” эса радифдир. “Меҳнат” сўзини мазкур рубоийда “мусибат, бало, ғам, дард” каби маъноларда тушуниш мумкин. Мутаржим мазкур парчада Бобурнинг бу рубоий ёзилган вақтдаги руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, семантик алмаштиришни қўлламоқда. Яъни шоир назарда тутган, фақатгина имплицит бўлган маънони ўқувчи учун очиқ, тушунтириб бермоқда. “*Called glad is no exile, man though he be*” бирикмаси аслиятда мавжуд эмас. Рубоийда қофия ва радиф тикланмагани учун ҳам, таржимоннинг бу жумлани айнан шу кўринишда шакллантиришига сабаб аслият матнини нотўғри талқин қилгани бўлиши мумкин.

В.М. Тестоун таржимаси:

Мазмуни:

<i>No one remembers anyone in tribulation</i>	Ҳеч ким бошқа бировни мусибатда эсламайди.
---	--

<i>No one gladdens anyone in exile.</i>	Ҳеч ким бош бировни қувғинда хурсанд қилмайди.
---	--

¹ Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. – London: LUZAC & CO, 1922. – P. 154.

<i>In this exile my heart has not been</i>	Бу қувғинда менинг қалбим хурсанд
<i>gladdened,</i>	қилинмади,
<i>No one can be comforted at all in</i>	Ҳеч кимга қувғинда тасалли бериб
<i>exile</i> ¹ .	бўлмайди.

Юқорида кўриб ўтган икки таржимамиздан айнан шу охиргиси аслиятга бошқаларига караганда яқинроқдир. Биринчи ва иккинчи мисралардаги “one” сўзининг такрорида аслиятда мавжуд аллитерация тикланган. “Exile” ва “No one” нинг матнда уч маротаба келтирилиши такрор санъатини тикламоқда. “Exile-tribulation” ва “gladdened- comforted” сўзлари иштиқоқ санъатининг намунаси дир. Таносуб, таажжуб ва тарсье мазкур таржимада ҳам қайта тикланмаган. Ритмик жиҳатдан мисралардаги бўғинларнинг нотенг жойлашуви сабаб, бу таржимани ҳам уйғун деб бўлмайди. Бизнингча, юқоридаги таржималарни умумлаштириб, қуйидаги кўринишда бўлган рубоий таржимасини яратиш матннинг аслият билан уйғунлигини таъминлаши мумкин эди: Мисол:

1-мисра:

No one seems kind to the other – in
sadness at all,

2-мисра: No one can find joy for their
soul – in badness at all.

3-мисра: My soul was never happy in
this exile, oh dear –

4-мисра: No one could ever be happy in
sadness at all.

Мазмуни:

Ҳеч ким бошқа бировга ғурбатда
меҳрибон бўлмас экан

Ҳеч кимнинг қалби ёмонликда
хурсанд бўлмас экан

Менинг қалбим бу ғарибликда ҳеч
ҳам хурсанд эмас эди

Киши ҳеч қачон ғурбатда хурсанд
бўла олмайди

¹ Thackston W.M. The Baburnama: Memoirs of Babur, prince and emperor / translated, edited, and annotated by Wheeler M. Thackston. – Washington DC, 2002. – P. 170.

Таржиманинг бу кўринишида, бизнингча, “No one seems kind – No one can find” бирикмалари биринчи икки мисрадаги тарсъени, “oh dear” бирикмаси таажжубни тиклашга имкон беради. Аммо мазкур таржимада ҳам, афсуски, тавзий санъатини тиклашнинг имкони бўлмади.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг бир рубойиси таржимасига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Бу таржима Қосимбой Маъмуров қаламига мансуб:

*Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра ғар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш¹.*

Рубойидаги “Гурбатда ғариб” ҳам **тавзий**, ҳам **таносуб** санъатини ҳосил қилмоқда. “Шодмон, шафиқ ва меҳрибон” ҳамда “гул”, “булбул” ва “тикан” **иштиқоқ** санъатини ясамоқда. “Олтун қафас” бирикмаси “тикан” сўзи билан **тазодни** вужудга келтиради. Бундан ташқари, “олтун қафас” ва “қизил гул” бирикмалари **сифатлаш** ҳамда “тикандек” воситасида **ташбех** санъати қўлланилган.

Қ. Маъмуров таржимаси

A poor is said to be not happy in the
strange land

People are said not to treat him kindly
and friendly.

Should there grow a red rose in the
cage,

Is said not to make a company like a
prickle for a nightingale².

Мазмуни:

Бечора бегона жойда хурсанд бўлмас
эмиш,

Одамлар унга меҳрибон ва дўстона
муносабатда бўлмас эмиш.

Агар қафас ичида қизил атиргул ўсса,

Булбулга тикандек ҳамроҳ бўлмас
эмиш.

¹ Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан. 1987. 1-жилд. – Б. 648.

² Уммондан дурлар. Навоий шеърятидан инглизчага таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарк нашриёт-манбаа концерни, 2000. – Б. 142.

Юқорида кўрсатилган олти бадий санъатдан таржима матнида “happy, kindly, friendly” сўзлари воситасида берилган **таносуб**, “red rose” воситасида берилган **сифатлаш**, “like” сўзи воситасида **ташбеҳ** тикланган. Қ.Маъмуров одатда барча шеърий таржималарда қофия ва радифларни тўла қайта тиклашга ҳаракат қилади, масалан, “Жаҳон адабиёти” журнали учун Алишер Навоийнинг ғазаллари таржимасини амалга оширишда таржимон деярли ҳар доим шакл ва маъно уйғунлигини тиклашга эришган. Шу билан бирга, янада уйғунроқ таржима ҳосил қилиш учун қуйидаги тарзда ўгириш ҳам мумкин:

1-мисра:	Мазмуни:
In exile a banished one would happy never be,	Қувғинда қувғин қилинган киши ҳеч ҳам бахтли бўлмас,
2-мисра:	Унга атрофдаги одамлардан
From the people around there would mercy never be.	меҳрибончилик бўлмайди.
3-мисра:	Қизил атиргул олтин қафас ичида
Should a red rose ever blossom in the golden cage –	гулласа-да,
4-мисра: For a philomel as thorns would lovely never be.	Булбулга тиканлардек ёқимли бўлмас.

Бу таржимада “exile ва banished one” даги **таносуб**, “golden cage” ва “thorns”даги **тазод**, “golden cage” ва “red rose”нинг **сифатлаши** ҳамда “as thorns”даги **ташбеҳ** санъатини қайта тиклашга эришилган. Бизнинг фикримизча, “бўлмас эмиш” радифини “would never be” билан таржима қилиш авваламбор, бўғинлар тенглигини таъминласа, бошқа томондан маъно уйғунлигини ҳам очиб беради. Қофияларга келадиган бўлсак, “happy, mercy, lovely” қофиялари аслиятдаги қофиядош сўзларга бўғин нуқтаи назаридан

битта кам бўлса-да, маъно жиҳатидан мос келади, етмаган бир бўғин эса бошқа сўзларни қўллаш орқали компенсация қилиниши мумкин.

“Бобурнома”да берилган шеърӣ матнларни таржима қилишнинг ўзига хос бир жиҳати мавжуд. Бобур у ёки бу шеърӣ парчани ўзининг ўша даврдаги ички кечинмаларидан келиб чиқиб ёзганки, шоирнинг кайфиятини тушуниш орқали матнда ишлатилган ишора ва қочиримларни тўғри тушуниб олиб, таржима қилиш имконини беради.

“Бобурнома”да шундай рубоӣ мавжуд:

*Юз шукр де, Бобурки, карими ғаффор,
Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр,
Иссиқлиғига гар санда йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг, Ғазни бор¹.*

Яъни: Бобур, шу кунларга шукр қил, Худо сега Ҳинду Синдга шоҳликни инъом қилибди. Агар шунга қаноат қилмай, унинг иқлими иссиқлиғидан нолисанг, совуқ юзни кўришни истасанг, Ғазнага бор. Матндаги “Совуқ юзини” бирикмасини икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчидан, “совуқ об-ҳаво”, иккинчидан, Ғазна аҳолисининг совуқ муносабатини тушуниш мумкин.

Рубоӣдаги “де” ва “бор” сўзи амрдир. “Бобурки” тажрид, “карими ғаффор” ва “мулки бисёр” – ташбеҳ, “Синду Ҳунду ва Ғазни” – талмеҳ, “совуқ юзини” бу бирикманинг ўзида ҳам ташбеҳ, ҳам ийҳом, ҳам синекдоха ишлатилган. “Ғазни бор” бирикмасидаги “бор”ни ҳам буйруқ маносидаги “бормоқ” сўзи, ҳам “мавжуд” маъносидаги “бор бўлмоқ” каби тушуниш мумкин – демак, бу ерда тажнис санъати қўлланилган.

А. Беверидж таржимаси

Give a hundred thanks, Babur, that the
generous Pardoner

Мазмуни:

Юз шукрлар дегин, Бобур, чунки
карими ғаффор

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. –Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1960.–Б. 365.

Has given thee Sind and Hind and many a kingdom.	Сенга Синдни, Ҳиндни ва катта салтанатни берди.
If thou have not the strength for their heats.	Агар сенда уларнинг иссиқларига тоқат бўлмаса,
If thou say, "Let me see the cold side" Ghazni is there ¹ .	Агар сен айтсанг: "Совуқ томонни кўрай", Ғазни бор.

Таржимада "бор" сўзи билан берилган *амр*, *талмеҳ*, *синекдоха*, *тажнис* ва *ийҳом* санъатлари қайта тикланмаган. Буларнинг орасида *ийҳом* санъатининг қайта яратилмаганлиги таржимада шоир томонидан қилинган сўз ўйини сақлаб қолиш имконини бермаган.

Ҳеролд Лемб

Мазмуни:

Babur! Give thanks that the mercy of God	Бобур! Шукр дегин худонинг марҳамати
Hath given thee Sind and Hind in royalty	Сенга Синд ва Ҳиндни салтанат қилиб берди.
Khwaja! If thy strength fails under heat,	Хожа! Агар сенинг тоқатинг иссиққа бардош беролмаса
Turn thyself aside to Ghazni's cold ²	Ўзингни Ғазнанинг совуғига томон бур

Бу таржимага "Khwaja" ундалмаси киритилган, аммо бунда ҳам *ийҳом*, *синекдоха* ва *тажнис* тикланмаган.

Стенли Лейн Пулл

Мазмуни:

Babar! Give all thanks that the favor of God Most High	Бобур! Шукр дегин энг буюк худонинг назари
Hath given thee Sind and Hind and whidspread royalty;	Сенга Синд ва Ҳинд ва улкан салтанат берди
If the heats of India makes you long	Агар Ҳиндистоннинг иссиғи сени совуқ

¹ Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. –London: LUZAC & CO, 1922. – P. 151.

² Lamb Harold. Babur the Tiger. Great Britain, 1962. – P.168.

for the mountain cold, тоғларни қўмсашга мажбур қилса
Remember the frost and ice that Ёдда тут эски Ғазнада бир дунё бўлган
numbered thee in Ghazani of old!¹ совуқ ва музни

Бу таржимада қофия бўлса-да, ундаги “Синд” *талмеҳи* ва *ийҳом* тушиб колган ҳамда охирги икки мисра аслиятда бўлмаган тоғ ва музликлар пейзажи билан бойитилган.

Фернанд Гренард

Мазмуни:

Give thanks, O Baber, to God, the Шукр қил о Бобур, меҳрибон худога
Generous
Who has given you India and its broad Сенга Ҳиндистон ва унинг кенг
kingdoms! сарҳадларини берган
If ever the fires of its sky weary you, if Агар бир пайт унинг осмони иссиғи
the cold сени ҳолдан тойдирса, агар совуғи
Of the north leaves one regret in your Шимолнинг сени қалбингда битта
heart. Go to - Ghazni² афсус қолдирса. Ғазнага бор

Бу таржимада ҳам, афсуски, аслиятдаги *ийҳом*ни сақлаб қолишга эришилмаган. Кўриб турганимиздек, юқоридаги барча таржималарда биринчи уч мисранинг маъноси умуман олганда аслиятга эквивалент бўлса-да, охирги мисра ҳар битта таржимада сўзма-сўз қилинган ҳисобига шоир назарда тутган *ийҳом*ни таржима қилишнинг имкони бўлмаган. Бу каби яширин маъноларни таржима қилиш учун, албатта, лингвистик билимлардан ташқари, биз юқорида келтириб ўтган ҳолат ёки ўша вақтдаги вазият контекстидан ҳам хабардор бўлиш керак бўлади. Фикримизнинг исботи сифатида ушбу рубоийнинг таржимасига қўл уриб кўрамыз:

Бизнинг таржимамиз

Мазмуни:

¹ Lane-Poole Stanley. Rulers of India. Babar. Oxford, at the Calderon Press, 1899, – P. 171.

² Grenard F. Baber. India, 1979. – P. 196.

To great forgiver, Babur, make your	Карими	ғаффорга,	Бобур,
praises soar,	шукрларинг	парвоз қилсин,	
For he bestowed on you Sind, Hind and	Чунки у сенга	Синд, Ҳинд	ва ундан
great wealth more.	ҳам кўпроқ	бойлик ато	этди
Whether you cannot tolerate hot climate	Агар сен иссиқ	иқлимга бардош	бера
then,	олмасанг,	унда	
Once wish for the face of cold, to Gazni	Совуқ	юзини	исташинг билан,
make for.	Ғазнага	йўл ол	

Бизнингча, “совуқ юзи” бирикмасини сақлаб қолиш матннинг поэтик аҳамиятини таъминлашда жуда ҳам муҳим. Бунинг устига “soar, more, for” сўзлари воситасида шоир яратган қофияланиш тартиби тикланди.

Таржимада ҳазил ва *ийҳом*ни қайта яратиш масаласи ҳам долзарбдир. Масалан, Бобур томонидан Самарқанд ҳокими Фўлод (Пўлат) Султонга ўз девонини юбориш жараёнида, илова қилинган бир қитъа таржимасини таҳлил қилсак:

*Ул сарвнинг ҳаримига гар етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солгой Худой раҳми Фўлод кўнглига¹.*

Охирги мисрадаги “Фўлод” сўзи ҳам ҳокимнинг исми, ҳам пўлат (қаттиқ) маъноларини ифодалаб келмоқда. Бу каби бадий санъат *ийҳом* дейилиши маълум.

Лейден-Эрскин таржимаси:

O Zephyr, if thou enter the sanctuary of that
cypress,
Remind him of this heart-broken victim of

Мазмуни:

О тонг шамоли, агар сен ўша
сарвнинг ҳарамига кирсанг,
Унга ҳажрнинг бағри вайрон бу

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 304.

separation –	қурбони ҳақида эслат.
The object of my love thinks not of Babur; yet I cherish a hope	Менинг севгимнинг объекти Бобур ҳақида ўйламайди; шунда ҳам мен умидни сақлайман
That God will pour pity into his iron heart – or Pulad’s heart ¹	Худо унинг темир –ёки Пўлатнинг кўнглига шафқат куяди деб.

Таржимада **ийҳом** тушунтириш орқали қайта яратилган. Бу нарса, пўлат сўзининг ўзбек ва инглиз тилларида бир хилда: ҳам металл номи, ҳам атоқли от сифатида ишлатилмаслигининг натижасида қўлланилмоқда.

А. Беверидж таржимаси

O breeze! if thou enter that cypress'
chamber (harim)

Remind her of me, my heart reft by
absence;

She yearns not for Babur; he fosters a hope

That her heart of steel God one day may
melt².

Мазмуни:

О, денгиз шамоли! У сарвнинг
ҳарамига кирсанг

Унга мен ҳақимда эслат, менинг
қалбим ҳижрон томонидан талон-
тарож қилинган

У Бобурни истамайди; у (Бобур)
умидини сўндирмайди

Унинг пўлат кўнглини худо бир
куни эритади деб

Юқоридаги икки таржимада бир биридан-фарқ қилиб турган бир жиҳат борки, бу мумтоз Шарқ шеърятини инглиз тилига таржима қилишда катта баҳсларга сабаб бўлади. Шоирлар томонидан рубоий ёки ғазал ёзилган вақтда “ёрнинг, ёрга, унга” каби бирикмаларни ишлатадилар. Ўзбек ва форс

¹ Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan, written by himself in Jaghatai Turki and translated partly by the late John Leyden, partly by William Erskine with Notes and a Geographical and Historical Introduction, London, 1826. Vol. II. – P. 121.

² Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. – London: LUZAC & CO, 1922. – P. 151.

² Lamb Harold. Babur the Tiger. Great Britain, 1962. – P. 402.

тилида учинчи шахс бирлик шаклида жинсни аниқлаб бўлмайди. Аммо инглиз тилида бу тушунча “he, she, it” сўзлари воситасида берилиши мумкин. тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик форс тилидан инглиз тилига қилинган ғазалларда, соқийга бағишланган ғазаллар таржимасида ёрға нисбатан “he” бошқа мавзулардаги матнларда эса “she” ишлатилган. Рубоийларда эса, кўпинча фақат “she” шакли қўлланилади. Бу масаланинг бир томони бўлиб, бошқа томондан айнан шу рубоий аввалбошдан эркак кишига атаб ёзилгани маълум. Шунинг учун ҳам, бу ерда аёл жинсига нисбатан ишлатиладиган олмошнинг қўлланилишини ноўрин деб ҳисоблаймиз.

Кейинги икки рубоийда таржимадаги маъно ва поэтика яхши сақланган. Аммо шаклнинг сақланмагани ва қофияларнинг йўқлиги бу таржималарни ўқишни оғирлаштиради.

Ислон учун овораи ёзий бўлдум,

Куффору ҳунуд ҳарбсозий бўлдум.

Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмоққа,

Алминнатулиллоҳки, гозий бўлдум¹.

Бу рубоийда “Алминнатулиллоҳки” сўзи орқали **муламмаъ** – яъни **бир** мисрада бошқа тилдаги сўзларни келтириш санъати қўлланилган.

Лейден-Эрскин таржимаси:

Мазмуни:

For love of the faith I became a wonderer in the desert,

Иймонга муҳаббатим туфайли саҳроларда кезувчи бўлдим,

I became the antagonist of Pagans and Hindus,

Мен кўп худолила ва ҳиндуларнинг душмани бўлдим.

I strove to make myself an martyr,

Мен ўзимни дин йўлида қийноққа солинган бўлишга уриндим

Thanks to be the Almighty who has made me a Ghazi (victorious over the

Мени ғози қилган буюк Худога шукрлар бўлсин.

¹Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Т.: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1960. – Б. 395.

enemies of the Faith)¹

Кўриб турибмизки, инглиз тилида аслиятдаги муламmani тушунтириш орқали таржима қилинмоқда. Ислom динининг кенг тарқалиши туфайли ўзбек китобхони учун осон тушуниладиган мазкур сўз, инглиз китобхони учун шарҳланиши лозим бўлади. Мазкур таржима рубойий маъносини чиқариш мақсадида анчайин катта ҳажмли матнга айлантирилган. Охириги мисрада, изоҳни сатрнинг ўзига ҳам киритилганини кўриш мумкин. Рубойининг ҳар битта мисрасида диний реалия қўлланилгани боис, уларни изоҳларсиз таржима қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

А. Беверидж таржимаси

Мазмуни:

For Islam's sake, I wandered in the wilds,
Ислom учун ёввойиликда кездим мен,

Prepared for war with pagans and Hindus,
Кўп худолилар ва хиндулар билан жангга ҳозирландим.

Resolved myself to meet the martyr's death.
Ўзимди дин йўлида ўлимга ҳозирладим,

Thanks be to God, a ghazi I became².
Худога шукр ғози бўлдим.

А.Беверидж таржимаси олдинги таржимада анча сиқик бўлса-да, барибир, аслиятдаги қофияланиш шаклининг қайта яратилмаганини кўраимиз. Ҳар иккала ҳолатда ҳам “шаҳид”нинг “martyr” сўзи билан алмаштирилганини кўришимиз мумкин. Бу сўз христиан динида дин учун таъқибга учраб, азобга тортилган ёки бошқаларни қутқариш мақсадида, уларнинг гуноҳларини ўз бўйнига олган кишиларга нисбатан қўлланилади. Яъни бу сўзнинг маъноси айнан “шаҳид” сўзи билан тенг эмас. А.Беверидж хонимнинг “martyr's death” бирикмасини қўллашига сабаб ҳам шу номувофиқликни тўлдириш бўлган

¹ Memoirs of Zehir-ed-din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan, written by himself in Jaghatai Turki and translated partly by the late John Leyden, partly by William Erskine with Notes and a Geographical and Historical Introduction, London, 1826. Vol. II. – P. 367.

² Annette Susannah Beveridge. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Muhammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. – London: LUZAC & CO, 1922. – P. 575.

бўлиши мумкин. Бизнингча эса, бу реалія бўлгани учун ҳам, уни транскрипция-транслитерация усули орқали таржима қилиб, пастда сўзнинг маъносига изох берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб бўлган баъзи бир рубоийлар ва уларнинг бир неча таржималари таҳлилидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, кўп ҳолатларда рубоий дунёвий мазмунга эга бўлганда, унинг инглиз тилига таржимасида поэтик унсурларни сақлаб қолиш осонроқ бўлар экан.

Навбатда рубоий таржималарида уйғунликка эришиш масаласини Паҳлавон Маҳмуднинг инглиз тилига таржима қилинган рубоийлари мисолида кўриб чиқамиз. Уларни А.Обидов, Э.Очиловнинг форс тилидан ўзбек тилига қилинган таржималаридан фойдаланиб ўгирган. Бу таржималар билвосита амалга оширилган бўлса-да, уларда қўлланилган шакл, мазмун ва поэтик тилни ўрганиш ва таҳлилга тортишни лозим топдик. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, А.Обидов томонидан амалга оширилган барча таржималарда қофия ва шеърий шаклни сақлашга катта эътибор берилган. Қуйида мазкур таржималардан бир нечтасининг таҳлили билан танишамиз:

Паҳлавон Маҳмуд

Бо хушсепари делбареро шояд
Гуфтам суханат шикаста чун
меояд.

Гуфто ке барин тангдаҳонийи
ке марост,

Гар нашиканамаш чегуна берун
ояд?¹

Э. Очилов таржимаси

Бир кун у санамгаким, мисоли ғунча,
Дедим: “Нега синиқдир овозинг мунча?”

Ул қилди жавоб: “Кичкина бўлгач оғзим,

Овозим, ахир, синади-да чикқунча!”²

Рубоийда Шарқ адабиётида кенг тарқалган маҳбубанинг кичик оғзи ва камгаплиги ҳақида сўз юритилмоқда. Нозаниннинг кичик оғзи бир томондан

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар./ Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 48.

²Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 18.

унинг гўзаллиги тимсоли бўлса, бошқа томондан шоир ўзи учун унинг суҳбатидан бебахралигига мантиқий сабаб кўрсатмоқда. Шоир у билан суҳбатлашгиси келади, унинг сўзларини тинглагиси келади, аммо, одатда, ёри у билан сўзлашишни ўзига эп билмайди. Маҳбубани ёмонлаш анъаналарга мустасно бўлгани учун ҳам, “ёримнинг оғзи кичкина бўлгани учун ҳам, унинг гаплари қисқа-қисқа”, - деган поэтик баҳона ўйлаб топилади. Аслият ва ўзбекча таржимада қуйидаги фарқларни кузатиш мумкин: биринчи мисрадаги “ёш дилбар” “санамки мисоли ғунча”, иккинчи мисрадаги “суҳанат” (сўзларинг) лафзи “овозинг” сўзи билан ўзгартирилган ҳамда охирги мисрадаги савол таржимада хис-ҳаяжон гапга айланган. Бўғинлар ҳисоби ва қофияланиш тартиби бир-бирига тенг бўлса-да, ритмлари фарқ қилиб турибди. Бу рубоийда **савол-жавоб** санъатидан фойдаланилган. Ундаги “хушсепари ва тангдаҳони” **ташбих**. Шунингдек, унда **хусни таълил** орқали ёрнинг камгаплигига сабаб келтирилган.

Аъзам Обидов таржимаси

*I said to my beloved: “Hey, coquette,
why*

*Does your voice from mouth slowly
fly?”*

“Because my mouth’s tiny –every word

Being sliced goes out” was her reply¹.

Мазмуни:

Мен севгилимга айтдим: “Эй, танноз
нега

Сенинг овозинг оғзингдан секин
учади?”

“Чунки менинг озғим кичкина –ҳар
бир сўз

Кесилиб чиқади” эди унинг жавоби

Э.Очилов таржимасининг форс тилидаги оригинал матнга яқинлиги А.Обидов матнининг аслиятга яқинлигини таъминлаб берган. Ўзбек тилида матнга киритилган ўзгаришлар инглиз тилида тўлиқ сақланган; форс тилидаги “ёш дилбар” образи ўзбек тилида “санамки мисоли ғунча”, инглиз тилида эса “танноз”га айланмоқда. Таржимада матндаги диалог орқали

¹Пахлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

савол-жавоб санъати ҳам, *хусни таълил* ҳам сақланган. Қофияланиш тартиби қайта тикланган, аммо бўғинлар сонида ўзгариш бор. Бунга ҳам асосий сабаб қилиб ўзбек ва инглиз тилларидаги сўзларнинг ҳажми бир-биридан фарқ қилишини келтириш мумкин. Умуман олганда, мазкур таржимада поэтик уйғунлик сақланган деса бўлади.

Навбатдаги рубоий ҳам диалог кўринишида ёзилган бўлиб, унда ҳам шоир томонидан қўлланган поэтик бирликларнинг таржимага уйғун тарзда кўчганини кўриш мумкин:

Паҳлавон Маҳмуд

Делдор маро гуфт черно ғамгини?

Дар қайди кадом делбари
ширини?

Бар хостаму оина ба дасташ
додам,

Гуфтам ке дар оина киро
мебини?¹

Э. Очилов таржимаси

Дилдор сўради: “Сўйла, нечун қайғуда
дил?

Ё бир пари талъатми кулиб олди
кўнгил?”

Тутдим қўлига кўзгу-ю, қилдимки жавоб:

“Ойнада кўрганинг ғамим боиси бил!”²

Бу рубоийда ҳам шоир ва унга қадрли бўлган маҳбуба ўртасида савол-жавоб тасвирланмоқда. Бу рубоийда ҳам **савол-жавоб** санъатидан фойдаланилган. Унда маҳбубага берилган таърифлар орқали **ташбиҳ** ва “и” унлисининг такрори орқали **тавзиъ** санъати қўлланилаган.

А.Обидов бу рубоийни қуйидагича таржима қилади:

Аъзам Обидов таржимаси

Мазмуни:

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар./ Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 45

²Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 3

My sweetheart asked: “Why are you so sad and weary? Did you fall in love with any fairy?” I gave her a looking glass and replied: The one in the mirror made me dreary ¹	Менинг севгилим сўради: “Нега бунча ғамгин ва чарчагансан? Бирор бир парига ошиқмисан?” Мен унга ойна тутдим ва бердим жавоб Ойнада кўрганинг мени ғамгин қилди.
--	--

Ташбих санъати метафора орқали таржима қилинган бўлса-да, қофиядош сўзлар таркибидаги чўзиқ унлиларнинг қўлланилиши аслият матнидаги “тавзий”ни ва диалоглар “савол-жавоб” санъатини тиклашга имкон берган. Таржима матнида биринчи байтнинг шакли бироз сақланмаган бўлса-да, охириги икки байт ва умуман олганда қофияланиш тартиби аслиятга мос тарзда қайта яратилган.

Кейинги рубоийда билвосита матндан узоқлашиш натижасида, аслият матнига яқинлашишнинг бир мисолига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

Паҳлавон Маҳмуд

Ҳожи ке з Каъбаву Мино бар
гашта
Море аст ке рафта, аждаҳо бар
гашта.
Зинҳор фериби ҳарамашро
махўрид
Ке ин хонахароб аз худо бар
гашта².

Э. Очилов таржимаси

Бу ҳожи бўлиб, энди кутурмиш баттар,
Аввал-ку илон эди, бўлибди аждар.
Зинҳор ҳарамии макрига алданманг, у —
На бандасидан-у, на Худодан кўрқар!³

Бу рубоийдаги “Каъбаву Мино” сўзлари **талмех**, “мор ва аждаҳо” сўзлари **ташбех**, “фериб хурдан”, яъни алданмоқ ва “аз худо бар гаштан” —

¹Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

² Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар/ Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 42.

³Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 42.

худодан қайтмоқ иборалари **таъбир**, “махўрид” – **наҳй**, “хонахароб” **синекдоха** санъатини ҳосил қилган.

Пахлавон Маҳмуднинг фисқу фасод ишлар билан машғул бўлишдан ортмайдиган сохта диндорларга қараб айтган бу рубоийси ҳам ритм, ҳам поэтик нуқтаи назардан жуда чиройли композиция ҳосил қилмоқда. Форс тилида 11 бўғин, ўзбек тилида 12 бўғинга айланмоқда, бундан ташқари, аслиятдаги “Каъба ва Мино” топонимлари ўрнига ўзбек тилида “хожи” сўзи билан генерализация қилинмоқда. Аммо аслиятдаги қофияланиш шакли, “илон” ва “аждаҳо” метафоралари тўла сақланган. Аслиятдаги –“хуне хароб” яъни уйи куйган – бирикмаси ўзбек тилига “на бандасидан қўрқар” тарзида ўгирилишини ҳам кўришимиз мумкин.

Аъзам Обидов таржимаси

*That pilgrim came back from Mekka and
Mino,
Don't feel a man returned from Caaba, no,
no.
Say: a snake turned into dragon in
pilgrimage,
Say: a homeless changed his faith and
credo¹.*

Мазмуни:

У зиёратчи қайтиб келди Макка ва
Минодан,
Киши Кааъбадан қайтиб келгандек
туюлмасин, йўқ, йўқ
Айтинг: Муқаддас сафарда илон
аждаҳога айланди деб
Айтинг, уйсиз ўз имони ва ҳаёт
тамойилларини ўзгартирди деб.

Таржимада **талмеҳ** (“*Mekka and Mino, Caaba*”), **ташбеҳ** (*snake, dragon*) ва **синекдоха** (*a homeless*) қайта яратилган бўлсада, “худодан қайтган”, “уйи куйган” маъносини берувчи –“хуне хароб” мисоли билан берилган таъбир ҳамда “фериби махўрид” билан берилган наҳй тикланмаган. Таржиманинг биринчи икки мисрасида аслият матни, бўғинлар сони тўла қайта яратилган. Ҳаттоки биринчи мисра форсчага жуда яқин тарзда ўгирилган. Таржимада “хожи” образи бевосита ишлатилмаган бўлса-да, “Макка, Мино ва Каъба”

¹Пахлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

сўзларининг қўлланилиши айнан Ҳаж сафари ҳақида гап кетаётганини тиклашда жуда муҳим саналади. Қофияланиш тизими ҳам сақланган.

Навбатдаги мисолда ҳам диний реалияларнинг ишлатилишини кўриш мумкин. Замоннинг ноҳақликларидан нолиш тарзида ёзилган бу рубоий ўхшатишлар асосида битилган:

Паҳлавон Маҳмуд

Имрўз баҳои ҳезуму уд якист,
Дар мартаба Халилу Намрўд
якист.

Бар гуши касонике з давлат
мастанд

Овози хару нағмаи Довудякист¹.

Э. Очилов таржимаси

Бул кунда баҳойи ўтину уд бирдир,
Ҳам мартабада Халилу Намруд бирдир,

Ким наздида ўз давлатига мастларнинг

Оввози эшак, нағмаи Довуд бирдир².

Бу рубоийда “ҳезуму уд” ва “Овози хару нағмаи Довуд” бирикмалари тазод, “Халилу Намрўд ва Довуд” – талмеҳни ҳосил қилмоқда. Сифат жиҳатидан бир-бирига мутлақо зид бўлган жуфтликларнинг бирга қўлланилиши бу рубоийнинг асосий поэтик безаги саналади: манбаси ёғоч бўлган “ўтин” ва мусиқа асбоби – “уд”; Аллоҳнинг дўсти мақомига сазовор бўлган Иброҳим “Халил” ва ўзини худо санаган шоҳ “Намруд”; жуда хунук ва ёқимсиз бўлган “эшак ҳанграши” ва бутун табиатни ўзига ром қилиб, сеҳрлаб кўядиган Довуд (с.а.в) навоси орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Аъзам Обидов таржимаси

*On this day the price of a log and wood
is the same,*

*The rank of Haleel and Namrood is the
same.*

Мазмуни:

Бугун тўнка ва ўтиннинг нархи бир хил

Халил ва Намруднинг мартабаси бир хил

¹ Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар / Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 36.

² Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 49.

<i>Who is proud and drunken of his own wealth,</i>	Ўз бойлигидан мағрур ва маст одамга
<i>Voice of donkey and Daoud is the same¹.</i>	Эшак ва Довуднинг овози бир хил

Таржимада “ўтин-уд” ва “овоз-наво” антитезалари қайта тикланмаган бўлса-да, асарнинг умумий мазмуни қайта яратилган дейиш мумкин. Таржимоннинг қофияни сақлаш мақсадида қўллаган “*log and wood*” бирикмаси мисранинг маъносини бироз тушунарсиз ҳолатга келтириб қўйган, зотан булар синоним сўзлардир ҳамда уларнинг баҳоси бир хил бўлиши табиий ҳолдир.

Умуман олганда, А.Обидовнинг барча таржималарида ритм ва қофияни қайта яратишга катта эътибор берилади. Айниқса, қуйида келтирилган рубоийлар таржимасини уйғун таржимага мисол қилиб келтириш мумкин.

Паҳлавон Маҳмуд

Ба куввати фил мўр мебояд буд
 Бо мулки ду кавн ўр мебояд буд.
 Ин турфа негар ке айби ҳар
 одаме

Мибояд диду кўр мебояд буд²

Э. Очилов таржимаси

Филнинг кучи сенда бўлса ҳам мўрдек бўл!
 Ҳар икки жаҳон мулки билан ўрдек бўл!
 Кўрсанг-да ҳаётда айбини ҳар кишининг,

Ҳеч нарсани сезмагувчи бир кўрдек бўл!³

Бу рубоийда “фил мўр; мулки ду кавн ўр; диду кўр” бирикмалари **тазод ва ташбеҳ**, “мебояд буд” бирикмаси **амрни** ҳосил қилмоқда.

Таржимаси:

Аъзам Обидов таржимаси

Мазмуни:

¹Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

²Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар./ Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 40.

³Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 71.

<i>If you've an elephant's strength, be like an ant,</i>	Агар сенда филнинг кучи бўлса, чумолидек бўл,
<i>Be like a naked man if you've the two world's grant.</i>	Яланғоч одамдек бўл, агар сенда икки дунёнинг бойлиги бўлса
<i>When you see some people's mistakes in your life</i>	Ҳаётингда баъзи бир одамларнинг айбини кўрганингда
<i>Blind yourself about them, as blind, you act¹.</i>	Кўзингни улардан юм, ўзингни кўр одамдек тут

Таржимада аслиятдаги ҳар учала бадий санъатнинг сақланганини кўриш мумкин. Хусусан, “*elephant va ant*” тазодни, “*like*” сўзи ташбеҳни ҳамда “*be va act*” сўзлари амрни қайта тиклаган. Ёки бўлмаса кейинги мисолда ҳам шу ҳолат кўзга ташланади:

Паҳлавон Маҳмуд

Нахонда марав ту бар сари хони
касе
Беқадр шави агар хури нони каси.
Як парча нони қоқу як косаи об,
Беҳтар з ҳазор барраи бирёни касе².

Э. Очилов таржимаси

Айтмай сира олма кишининг уйига
йўл,
Қадрингни туширма узатиб нонига
кўл,
Миннатли кабобидан бировнинг
доим
Қоқ нон ила сувингни баланд
кўйгучи бўл!³

Биринчи мисрадаги “марав” хитоби орқали – **наҳй**, иккинчи ва учинчи мисралардаги “нони” сўзлари – **такрор**, “хури нони касе” яъни бировнинг нонини ёмоқ – бошқадан нимадир таъма қилмоқ, ёрдам сўрамоқ ва ҳоказоларни билдирадиган ибора бўлгани учун **таъбир**, “нон, об ва барраи бирён” сўзлари – **таносуб**, “як ва ҳазор” – **тазод** санъатларини ясамоқда.

¹Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

²Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар / Нашрга тайёрловчи Т.Жалолов. – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 48.

³Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар. [Электрон манба]: <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/> № 76.

Инсоннинг бошқа бир инсон олдида муттаҳам бўлиб қолишини кораловчи бу рубоий ҳам нафсни жиловлаш орқали обрўни сақлаб қолиш мумкинлигини ўргатмоқда. Панд-насихат руҳида ёзилган мазкур рубоийни аввал Э.Очилов, кейин эса унга эргашган ҳолда А.Обидов генерелизация усулидан фойдаланиб таржима қилган.

Аъзам Обидов таржимаси

Мазмуни:

I tell you, never go to a person's house,

Мен сенга айтаман, кишининг уйига
зинҳор борма

Don't take to eat his food to your mouth.

Ейиш учун овқатини оғзингга олиб
борма

Your own dry bread and water is better

Сенинг ўзингнинг қуруқ нонинг ва
сувинг яхшироқдир

Than the requiring gratitude of stranger's roast¹.

Бегонанинг миннатдорчилик талаб
қилувчи кабобидан

Сўнгги рубоийда ҳар иккала таржимада ҳам аслиятдаги “барра кабоб” шунчаки “кабоб”га, “бир коса сув” эса “сув”га айланмоқда. Иккинчи мисрада “нон”нинг “овқат”га айланиши инглиз тилида унинг аниқроқ маъно касб этишига кўмак беради. Инглизча таржимада нонга нисбатан “dry” эмас “stale” сўзининг қўлланилиши стилистик жиҳатдан тўғрироқ бўлар эди. Таржимада такрор, тазод ва таъбирдан ташқари бошқа шеърӣ санъатлар қайта тикланган.

Умуман олганда, таржима сифатини пасайтирадиган асосий омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

¹Пахлавон Маҳмуд. Рубоийлар. [Электрон манба]: <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

Шеърда акс этган лингвистик ва экстралингвистик маълумотлар ҳақида етарли билимга эга бўлмаслик

Шоир яшаган давр шеърини анъаналарини билмаслик

Таглама таржима жараёнида мисранинг матности маъносига эътибор қаратмаслик

Образларнинг луғавий маъносини эътиборга олмаслик

Идиомаларни таржима қилишдаги хатоликлар

Поэтик санъатлар, бадиий тасвир воситалари ва бадиий усуллардан хабарсизлик

Кўриб турганимиздек, рубоий жанрига оид лирик матнлар таржимасида поэтик уйғунликка эришишнинг энг муҳим жиҳати аслият матнини тўғри тушуниб олиш экан. Демак, рубоий таржимасида поэтик уйғунликни таъминлашда қуйидаги тамойиллар асосида иш кўриш мақсадга мувофиқдир:

- Бадиий санъатларни тушуниш;
- Бадиий санъатларни изоҳлаб таржима қилиш;
- Таржимада мисранинг чўзилиб кетмаслиги учун маънога таъсир қилмайдиган бирикма ва сўзларни ўгирмаслик;

III БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

1. Рубоий матнлари таржимаси бўйича ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита амалга оширилган таржималар сони жуда чекланган. Жаҳон таржимачилигида форс тилидан ғарб тилларига рубоийлар таржимаси бўйича муайян тажриба йиғилган. Уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш орқали ўзбек шеърини таржималари борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин.

2. Рубоий шакл ва ҳажм жиҳатидан ғазалдан кичикроқ бўлгани учун, унинг таржимасида шаклий-семантик уйғунликка эришиш осон кечади. Бунинг учун қабул қилувчи тилда оҳанг ва қофиядош сўзнинг келтирилиши кифоя.

3. Ижтимоий мавзуда битилган рубоийлар чет эллик китобхонлар таъбига мос бўлгани учун таржимонлар асосан рубоий маъноларига дунёвий талқин бериш йўлидан борганлар. Шу билан бирга, Шарқ мумтоз рубоийларида фалсафий ёки диний тушунчаларни изоҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

4. Аруз ва силлабо-тоник шеъринг тизимлар орасидаги шаклий фарқларни мутаносиблаштириш учун шеърнинг шаклий безаклари бўлмиш кофия ва радифларни инглиз тилидаги муқобиллари воситасида имкони борича сақлаш, сўзлар сонини сақлашнинг имкони бўлмаганида ҳам, мисралардаги бўғинлар сонини таржимада қайта яратиш –шаклий, аслият матнидаги фалсафий маънонинг таржимага кўчиши эса маъно уйғунлигини таъминлаб беради.

5. Рубоийларда келтирилган ёр образини инглиз тилига таржима қилишда эркак киши томонидан ёзилган ишқий мавзудаги шеърда олмош “she”, аёл киши томонидан ёзилган ишқий шеърда олмош “he” бўлиши мантиқан тўғридир. Соқий ёки дўстга атаб ёзилган ғазал ва рубоийлар контекстан келиб чиқиб ҳар иккала олмош билан ҳам берилиши мумкин. Жонсиз ёки абстракт нарсаларни билдирган тушунчаларни имкони борича от сўз туркуми воситасида, олмош қўллаш керак бўлганида эса нейтрал жинсни билдирувчи “it” сўзи билан ўгириш мумкин. Ғарб таржимонлари томонидан ўгирилган матнларининг аксарият қисмида бу қоида қўпол равишда бузилганини кўриш мумкин. Миллий-диний қадриятлардан хабарсизлик, лирик парчалар ёзилган давр адабий анъаналарини тушунмаслик аксар таржималарда шоир ва унинг қарашлари ҳақида янглиш хулоса ва хато стереотипик фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

ХУЛОСА

1. Аслият ва таржима тилида қайта яратилган матн орасида шаклий-семантик ва поэтик яқинликни таъминлаш, таржимада бадий яхлитликни таъминловчи шакл ва маънонинг бирлигини яратишда таржимон олдида бир канча муаммолар борлигини кузатиш мумкин. Тилдаги синонимия, антонимия ва омонимия каби ҳодисалар таржимон олдида “шакл ёки маъно” дилеммасини кўяди. Бунда кўп ҳолларда, ё маънони сақлаб қолиш учун шаклдан, ё бўлмаса шаклни сақлаб қолиш учун маънодан воз кечишга тўғри келади. Ўзбек ва инглиз тилларининг товуш қатламидаги фарқ, одатда, таржима матнида аллитерацияни яратиб бериш имконини қатъий чегаралаб кўяди. Ўзбек тили агглютинатив тиллар оиласига мансуб бўлгани учун ҳам, унда феълнинг шахс-сон қўшимчалари ўзидан ажралган ҳолда кела олмайди. Мумтоз ўзбек адабиётидан инглиз ёхуд бошқа ғарб тилларига шеърий таржима қилиш жараёнида арабча ҳарфлар шаклан англаган маънони бошқа тилдаги ҳарфлар воситасида узатишнинг сира ҳам иложи йўқ. Сабаби, тиллараро ассимметрия ҳодисаси бу каби шаклий безакларни инглиз тилига таржима қилишни имконсиз қилиб кўяди.

2. Таржима жараёнида фақатгина аслият тилига хос бўлган birlikлар, сўз ёки фразеологик бирикмалар каби луғат сатҳидаги тўсиқларга дуч келган таржимон, албатта, уларни изоҳлаб кетиши лозим. Бу ўқувчининг мазкур изоҳлар воситасида ўзбек мумтоз адабиётида мўл бўлган архаик тушунчалар, реалиялар, тарихий ном ва воқеалар моҳиятини англашига хизмат қилади

3. Таржима сифатини сушлаштирадиган асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- шеърда акс этган лингвистик ва экстралингвистик маълумотлар ҳақида етарли билимга эга бўлмаслик;
- шоир яшаган давр шеърияти анъаналарини билмаслик;
- таглама таржима жараёнида мисра матнони маъносига эътибор қаратмаслик;

- образларнинг луғавий маъносини эътиборга олмаслик (бодашом-май параст=>май қуювчи) ;
- идиомаларни таржима қилишда тил бойлигининг камлиги;
- ҳар икки тил шеърияти вазнларидан тўлиқ хабардор бўлмаслик;
- поэтик санъатлар, бадиий тасвир воситалари ва бадиий усуллардан хабарсизлик.
- рецептор адабий тилини яхши билмаслик;
- муаллифнинг бадиий тили ва ифода тарзини тушунмаслик;
- аслият матни замиридаги информативлик даражасини англамаслик.

4. Уйғун таржима – аслият матнидан англанилиши мумкин бўлган барча маъно вариантларини таржимада қайта тиклашга имкон берувчи динамик матн яратишни тақозо этади. Уйғунлик аслият ва таржима матнлари маъноларини синтезлаш ва мослаштиришдир. Уйғунлик адекватлик ва эквивалентликни инкор этмайди. Адекватлик ва эквивалентлик шеърий таржимада уйғунликка эришишдаги босқичлардир. Шарқ адабиёти лирик бирликларини инглиз тилига таржима қилишда тўлиқ адекватликка эришишнинг имкони йўқлиги тиллараро лингвистик сатҳлардаги фарқларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

5. Ғазал ва рубоий матнларини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишда уйғунликни таъминлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- ритм ва мусиқий оҳангни узатиш;
- аслият шаклий хусусиятларини имкон қадар қайта тиклаш;
- муаллифнинг бадиий услуби ва ифода тарзига мос муқобилларни қўллаш;
- бадиий санъатлардан хабардор бўлиш ва таржима матнида уларга юкланаётган маъно моҳиятини билиш;
- бадиий санъатларни таржима қилишда изоҳлаш ёки перефраза принципини қўллаш;

- аслият матни замиридаги деннотатив ва коннотатив маъноларни англаш ва таржима қилиш;
- мисранинг аслиятдагидан чўзилиб ёки оғирлашиб кетишининг олдини олиш мақсадида мисрадаги туб маънони ўзгартиришга хизмат қилмайдиган бирикма ва сўзларни таржимадан тушириб қолдириш;
- таржима жараёнида мумтоз адабиёт мутахассиси билан ҳамкорлик қилиш.

6. Уйғун таржима лирик матннинг мисра, байт ва бандлар қурилиши, асарнинг умумий ритми, шаклий безаклари (масалан, қофия ва радифлар), семантик хусусиятлари (масалан, шоир томонидан назарда тутилган турли хил тағмаънолар) ва поэтик бўёқдорлигининг таржима матнида қайта яратилишини назарда тутати. Бунда, айнан шоир қўллаган сўз ва жумлаларнинг сўзма-сўз таржима қилиниши талаб этилмайди. Таржима қилиниши объектив қонуниятлар туфайли мумкин бўлмаган бирликлар таржима тилида ўхшаш бирликлар билан алмаштирилиши, мос бирликлар умуман бўлмаганида эса, изоҳ сифатида берилиши мумкин.

7. Шеърый таржима аслият матнини ўзга тилда ғоявий, лисоний ва шаклий қайта тиклаш орқали амалга ошади. Шу билан бирга, унинг бадий таъсир кучи ва миллий ўзига хослиги сақлаб қолиниши лозим. Таржима аслият матни каби китобхонга завқ бера олган тақдирдагина уни уйғун деб ҳисоблаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони. 2016 йил 13 май.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2017 йил 7 феврал.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори. 2017 йил 13 сентябр

1.4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 14 август, 32-сон, 820 модда.

1.5. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини ҳалқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзуидаги ҳалқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги // Халқ сўзи, 2018 йил, 8 август.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3652-сон “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2018 йил 5 апрел.

1.7. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.

II. Илмий-назарий адабиётлар

- 2.1. Алексеева И.С. Текст и перевод: Вопросы теории. – М.: Международные отношения, 2008. – 184 с.
- 2.2. Алякринский О.А. Поэтический текст и поэтический смысл // Тетради переводчика. – М.: Высшая Школа, 1982. Вып. 19.
- 2.3. Аничков И.Е. Труды по языкознанию. – СПб.: Наука, 2006. – 377 с.
- 2.4. Аполлова М.А. Specific English / Грамматические трудности перевода. – М.: Международные отношения, 2004. – 136 с.
- 2.5. Белый А. К вопросу о ритме; ритм и смысл // Структура и семиотика художественного текста. Ученые записки Тартутского университета. Тарту, 1981. Вып. 515.
- 2.6. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы. Учебное пособие. – 2-е изд., перераб. – М.: КДУ, 2004. – 240 с.
- 2.7. Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: ИОСО РАО, 2001. – 224 с.
- 2.8. Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Сов. писатель, 1972. – 262 с.
- 2.9. Гончаренко С.Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии: константы и вариативность // Тетради переводчика: науч.-теор. сб. Вып. 24 / под ред. С.Ф. Гончаренко. – М.: МГЛУ. – 1999.
- 2.10. Гончаренко С.Ф. Информационный аспект межъязыковой поэтической коммуникации // Тетради переводчика. М.: Высшая Школа, 1987. Вып. 22.
- 2.11. Гумилев Н.С.: Сочинения в трех томах. Том третий. Переводы стихотворные. М.: Художественная литература, 1991.
- 2.12. Жўраев К. Таржимашунослик. – Т.: Академнашр, 2015. – 320 б.
- 2.13. Казарин Ю.В. Филологический анализ поэтического текста. – М.: Академический проект, 2004. – 260 с.
- 2.14. Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Т: Адабиёт ва санъат, 1988. – 192 б.

- 2.15. Комилов Н. Тасаввуф ва бадий ижод. – “Ёшлик” журнали, 1991, 8-сон. – Б. 76.
- 2.16. Комилов Н. “Маънолар оламига сафар: Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар. – Т.: Тамаддун, 2012. – 316 б.
- 2.17. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: ЛКИ, 2007. – 176 с.
- 2.18. Қосимов Б., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2003. – 447 б.
- 2.19. Левий И. Искусство перевода. – М.: Изд-во Прогресс, 1974. – 394 с.
- 2.20. Лозинский М.Л. Искусство стихотворного перевода. – М.: Прогресс, 1990. – 210 с.
- 2.21. Лукин В.А. Художественный текст. Основы лингвистической теории. Аналитический минимум. – М.: Ось-89, 2009. – 192 с.
- 2.22. Москвин В.П. Теоретические основы стиховедения. – М.: Либроком, 2009. – 320 с.
- 2.23. Мусаев Қ. Бадий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 159 б.
- 2.24. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. Ўзбекистон ССР Фан нашриёти. – Т.:1976. – 120 б.
- 2.25. Раҳмонов В. Мумтоз сўз сеҳри: мақолалар тўплами / В.Раҳмонов; тўплаб нашрга тайёрловчилар: Э.Раҳмонов, Т.Раҳмонов. – Т.: Ўзбекистон НМУИ, 2015 й. – 440 б.
- 2.26. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадий таржима. – Т.: Фан, 1980. – 160 б.
- 2.27. Саломов Ғ. Таржима маҳорати. Монография. – Т.: Фан, 1979. – 192 б.
- 2.28. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 244 б.
- 2.29. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 190 б.

- 2.30. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари (Поэзия ва таржима). – Т.:1979. – 280 б.
- 2.31. Сирожиддинов Ш. Шеърятда инсон рухий камолоти талқини. – С.: Зарафшон, 1992. – 51 б.
- 2.32. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – 166 б.
- 2.33. Сирус Б. Қофия дар назми тожик. – Сталинобод: Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1955. – 185 б.
- 2.34. Сирус Б. Арўзи тоҷики. – Душанбе: Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1962. – 286 б.
- 2.35. Сотимов Ғ., Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. – Т.: Чўлпон, 1995. – 112 б.
- 2.36. Султонова Д. Шеър ва таржима. – Самарқанд.: СамДЧТИ, 2009. – 144 б.
- 2.37. Таржима маҳорати / Маъсул муҳаррир ф.ф.д Ж. Шарипов. – Т.: Фан, 1979. – 196 б.
- 2.38. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 4-китоб / Тўпловчи Т. Жўраев. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. – 328 б.
- 2.39. Таржимашуносликка доир тадқиқотлар / Маъсул муҳаррир: ф.ф.д Ж. Шарипов. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 199 б.
- 2.40. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – 208 б.
- 2.41. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: Янги аср авлоди. –342 б.
- 2.42. Тынянов Ю. Н. Проблема стихотворного языка. – М.: URSS, 2007. – 303 с.
- 2.43. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: Ўз ССР ФА, 1961. – 295 б.
- 2.44. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 216 б.

- 2.45. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – 240 б.
- 2.46. Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия – Т.: Шарқ, 1998. – 160 б.
- 2.47. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар. – Т.: Фан, 1972. – 258 б.
- 2.48. Шарипов Ж. Шеърӣ таржиманинг баъзи масалалари – Т.: ЎзССРФА, 1969 . – 154 б.
- 2.49. Шарқ мумтоз поэтикаси: Манба ва талқинлар / Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 430 б.
- 2.50. Шукурова З. The ways of recreation of Navoi’s gazels in Russian and English. // “The role of linguistics and verbal communications in the process of informational support of ethnic originality of nations and their progressive interaction” conference materials. London, November 4 - November 11, 2015.
- 2.51. Юсупова Д. Аруз вази қоидалари ва мумтоз поэтика асослари. – Т.: Таълим-медиа нашриёти, 2019.

III. Диссертация ва авторефератлар

- 3.1. Абдуллажонов А.Х. Навоий бадииятини немисча таржималарда қайта яратиш ва табдил этиш: фил.фан.номз. ... дис. – Т.: 1998. – 144 б.
- 3.2. Бақоева М. Англия ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: фил.фан.д-ри ... дис. – Т.: 2004. – 314 б.
- 3.3. Георгиева Н.Ю. Адаптивные стратегии трансляции темпоральных смыслов: на материале англоязычного и русскоязычного делового дискурса: дис. на соискание уч. степ. кан. фил. наук. – Тюмень, 2013. – 200 с.
- 3.4. Гончар Н.Г. Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект: дис. на соискание уч. степ. кан. фил.наук. – Тюмень, 2009. – 239 с.

3.5. Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: фил.фан.номз. ... дис. – Т.:2003. – 167 б.

3.6. Кушникова Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: гештальт-синергетический подход: дис. ... д-ра филол. наук. - Пермь, 2004. – 426 с.

3.7. Назмутдинова С.С. Гармония как переводческая категория (на материале русского, английского, французского кинодискурса): дис. на соискание уч. степ. кан. филол. наук. – Тюмень, 2008. – 180 с.

3.8. Одилова Г.К. Инглиз ва ўзбек мумтоз шеърляри таржималарида адекватлик муаммолари: фил.фан.ном. ... дис. – Т.:2011. – 153 б.

3.9. Олимов С.Ҳ. Проблемы воссоздания и трансформации поэтических фигур в переводе произведений Алишера Навоий: фил.фан.номз. ... дис. – Т.: 1985. – 165 с.

3.10. Отажонов Н. Бобурнома жаҳон адабиёти жараёнида: фил.фан.д-ри ... дис. – Т.: 1994. – 290 б.

3.11. Очилов Эргаш. Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги: филол.фан. ном. ... дис. –Т.: 1994. – 134 б.

3.12. Раҳмонова Ш. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърлярида арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллиги ўрни. PhD диссертация автореферати. – Тошкент: Oltin bitiklar, 2020. – 52 б.

3.13. Рустамов О. Ю. XX аср француз шеърляри ўзбек тилида (таржимада мазмун ва шакл бирлиги масаласи): фил.фан.ном. ... дис. автореф. – С.: 1994. – 30 б.

3.14. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадий таржима проблемалари. Қиёсий-услубий ва қолипловчи таҳлил: фил.фан. д-ри ... дис. – Т.: 1982. – 367 б.

3.15. Сайдалев Т.Х. “Бобур лирикаси бадииятининг русча таржималаридаги талқини: фил.фан.номз. ...дис. – Т.: 2007. – 157 б.

3.16. Сидиқов Қ. “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари. фил.фан.ном. ... дис. автореф. – Т.: 2010. – 26 б.

- 3.17. Сидиков Қ. “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча бадиий таржима хусусиятлари: фил. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2010. – 26 б.
- 3.18. Собиров М. “Бобурнома” Виллур Текстон таржимасида: фил.фан.номз. ... дис. – Т.: 2001. – 132 б.
- 3.19. Тешабоева З.Қ. “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирикмалар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: фил.фан.фалсафа д-ри. ...дис. – Т.: 2017. – 137 б.
- 3.20. Қудратуллаев Ҳ.С. Бобурноманинг адабий тарихи ва услубий таҳлили: фил.фан. д-ри ... дис. – Т.: 1998. – 350 б.
- 3.21. Файзуллаев Р. Бадиий таржимада миллий колоритни қайта яратиш масаласига доир: фил. фан.ном. ... дис. –Т.: 1991. – 202 б.
- 3.22. Ходжаева Л.У. Проблемы перевода: характер, стиль, и интерпретация текста “Бабурнаме”: дис. ... канд. филол. наук. – А.: 1985. – 159 с.
- 3.23. Хошимова Д.М. “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: фил.фан.д-ри. ...дис. – Т.: 2018. – 249 б.
- 3.24. Хошимова Д.М. “Бобурнома” асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда “Бобурнома” танқидий матнларининг япон нашрлари мисолида): фил.фан.ном. ... дис. – Т.: 2006. – 140 б.
- 3.25. Ширинова Р.Х. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбекча таржималари мисолида): фил.фан.ном. ... дис. –Т.: 2002. – 136 б.
- 3.26. Ширинова Р.Х. Олам манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши: Филол.фан. докт. ... дис. –Т.: 2017. – 246 б.
- 3.27. Шукуруллаева С.И. Воссоздание художественного своеобразия “Бабурнаме” в его английских переводах: дис. канд. фил. наук. – Т.: 1989. – 171 с.
- 3.28. Юсупова Д. Алишер Навоийнинг Хамсасида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги: фил.фан.ном. ... дис. – Т.: 2008. – 132 б.

3.29. Fearey M. Sh. Nava'i's Turkic and Persian quatrains: Discourse. Typology and the bilingual poet: A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy (Near Eastern Studies: Languages and Literatures) in The University of Michigan, 1977. – 177 pp.

IV. Бадий адабиётлар

4.1. 300 Ghazals of Hafiz Shirazi (Romanized Persian) Translations in Urdu and English. – 386 pp.

4.2. Beveridge Annette Susannah. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Mubammad Babur Padshah Ghazi. Vol. I. London, 1922. – 445 pp.

4.3. Beveridge Annette Susannah. The Babur-nama in English (Memoirs of Babur) Translated from the original Turki Text of Zahiru'd-din Mubammad Babur Padshah Ghazi. Vol. II. London, 1922. – 890 pp.

4.4. Clark H. Wilberforce. The divan-i-Hafiz. Translated for the first time, out of the Persian into the English prose. Vol. I. Calcutta, 1891. – 533 pp.

4.5. Clark H. Wilberforce. The divan-i-Hafiz. Translated for the first time, out of the Persian into the English prose. Vol. II. Calcutta, 1891. – 1008 pp.

4.6. Daly D. Twenty-one ghazals; Alisher Navoiy; – Servena Barva Press, Summerville, Massachusetts, 2016. – 46 pp.

4.7. Gilchrist J.B. The Hindee moral receptor or Fundamental principle of Persian grammar, as the Hindoostanee scholars' shortest road to the Persian language and vica-versa. London, 1821. – 395 pp.

4.8. Grenard F. Baber: First of the Moguls. Translated and adapted by Homer White and Richard Glaenzer. – London: Thornton Butterworth Limited, 1979. – 260 pp.

4.9. Lane-Poole Stanley. Rulers of India. Babar. – Oxford, 1899. – 232 pp.

4.10. Lamb Harold. Babur the Tiger. Great Britain, 1962. – 260 pp.

4.11. Obidov A. Tunes of Asia – Examples from the Uzbek poetry, 2004. – Yangi asr avlodi . – 64 pp.

- 4.12. Thackston Wheeler M. The Baburnama: memoirs of Babur, prince and emperor / translated, edited, and annotated. Random House Publishing Group, 2007. – 608 pp.
- 4.13. The flowers of Persian literature. London, 1805. – 238 pp.
- 4.14. The poems of Emily Dickinson. 2003 The Pennsylvania State University. – 337 pp.
- 4.15. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ нашриёт манбаа концерни, 2002. – 211 б.
- 4.16. Воҳидов Э. Ўзбегим: Шеърлар. – Т.: Шарқ, 2005. – 128 б.
- 4.17. Алишер Навоий Ғазаллар шарҳлари /А. Шаропов., Б. Эшпўлатов таҳрири остида. – Т.: Камалак, 1991. – 157 б.
- 4.18. Алишер Навоий Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Й.Парда. – Т.: Шарқ, 2000. – 144 б.
- 4.19. Навоийга Армуғон. Бешинчи китоб / Ҳ. Ҳамидий муҳаррирлиги остида. – Т.: Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, 2006. – 161 б.
- 4.20. Навоийнинг ижод олами. / Иброҳим Хаққул муҳаррирлиги остида. – Т.: Фан, 2001. – 199 б.
- 4.21. Отажонов Н., Мухитдинов М. “Бобурнома” жаҳон кезади. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1964. – 230 б.
- 4.22. Султанова Д. Selected gazels of Navoiy. – Т.: Наврўз нашриёти, 2015. 77 б.
- 4.23. Уммондан дурлар – ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар. Тузувчи Йў.Парда; Шарқ нашриёт-манбаа концерни, 2000 йил. – 144 б.
- 4.24. Умар Хайём. Рубоийлар [Матн]: Нашрга тайёрловчи А.Қамарзода. – Т.: Турон замин зиё нашриёти, 2017. – 192 б.

V. Энциклопедия ва луғатлар

- 5.1. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати / Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 230 б.
- 5.2. Алишер Навоий. АНАТИЛ. 4 томлик. Т.1. – Т.: Фан, 1983. – 656 б.
- 5.3. Алишер Навоий. АНАТИЛ. 4 томлик. Т.2. – Т.: Фан, 1983. – 644 б.
- 5.4. Алишер Навоий. АНАТИЛ. 4 томлик. Т.3. – Т.: Фан, 1984. – 624 б.
- 5.5. Алишер Навоий. АНАТИЛ. 4 томлик. Т.4. – Т.: Фан, 1985. – 636 б.
- 5.6. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Т.1. – Т.: Фан, 1987. – 724 б.
- 5.7. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Т.2. – Т.: Фан, 1987. – 620 б.
- 5.8. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Т.3. – Т.: Фан, 1988. – 616 б.
- 5.9. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Т.4. – Т.: Фан, 1989. – 560 б.
- 5.10. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. Т.5. – Т.: Фан, 1990. – 554 б.
- 5.11. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т: Академнашр, – 2013. – 407 б.
- 5.12. Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият луғати. Адабий жанрлар, шеър санъатлари, аруз ва қофия; Т.: Янги аср авлоди , 2008 й. – 240 б.
- 5.13. Хатамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 299 б.

VI. Интернет ресурслари

- 6.1. http://famouspoetsandpoems.com/poets/philip_larkin/poems/14525
- 6.2. http://n.ziyouz.com/books/sharq_mumtoz_adabiyoti/Pahlavon%20Mahmud.%20Ruboiyot.pdf
- 6.3. http://n.ziyouz.com/books/sharq_mumtoz_adabiyoti/Pahlavon%20Mahmud.%20Ruboiyot.pdf
- 6.4. http://www.iranchamber.com/literature/khayyam/rubaiyat_khayyam2.php
- 6.5. http://www.iranchamber.com/literature/khayyam/rubaiyat_khayyam3.php
- 6.6. http://www.nurzamon.uz/article_view.php?id=53
- 6.7. <http://www.robertburns.org/works/290.shtml>

- 6.8. <http://www.victorianweb.org/authors/tennyson/im/50.html>
- 6.9. <http://www.webbooks.com/Classics/Poetry/Anthology/FitzGerald/Rubaiyat4.html>
- 6.10. <http://www.webbooks.com/Classics/Poetry/Anthology/FitzGerald/Rubaiyat4.htm> № 32
- 6.11. [https://en.wikisource.org/wiki/Page:Quatrains_of_Omar_Khayyam_\(tr._Whinfield,_1883\).djvu/260](https://en.wikisource.org/wiki/Page:Quatrains_of_Omar_Khayyam_(tr._Whinfield,_1883).djvu/260)
- 6.12. [https://en.wikisource.org/wiki/Quatrains_of_Omar_Khayyam_\(tr._Whinfield,_1883\)/Quatrains_301-400](https://en.wikisource.org/wiki/Quatrains_of_Omar_Khayyam_(tr._Whinfield,_1883)/Quatrains_301-400) № 342
- 6.13. <https://idioms.thefreedictionary.com/heart+bleeds>
- 6.14. [https://idioms.thefreedictionary.com/make+\(one%27s\)+fortune\(s\)](https://idioms.thefreedictionary.com/make+(one%27s)+fortune(s))
- 6.15. <https://www.goodreads.com/quotes/467968-you-have-brains-in-your-head-you-have-feet-in>
- 6.16. <https://www.poemhunter.com/poem/a-poem-with-the-perfect-rhyme/>
- 6.17. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43289/easter-1916>
- 6.18. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43687/the-tyger>
- 6.19. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43827/the-destruction-of-sennacherib>
- 6.20. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45087/sonnet-18-shall-i-compare-thee-to-a-summers-day>
- 6.21. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45088/sonnet-19-devouring-time-blunt-thou-the-lions-paws>
- 6.22. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45364/the-lotos-eaters>
- 6.23. <https://www.poetryfoundation.org/poems/47652/because-i-could-not-stop-for-death-479>
- 6.24. <https://www.poetryfoundation.org/poems/48860/the-raven>
- 6.25. <https://www.thefreedictionary.com/be+tempted>
- 6.26. <https://www.ziyouz.uz/en/poetry/43-uzbek-classical-poetry/187-pahlavon-mahmud>

- 6.27. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№ 18](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№18)
- 6.28. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/ № 3](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№3)
- 6.29. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№ 42](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№42)
- 6.30. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№ 49](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№49)
- 6.31. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№ 71](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№71)
- 6.32. [https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№ 76](https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/pahlavon-mahmud/№76)
- 6.33. http://famouspoetsandpoems.com/poets/philip_larkin/poems/14525
- 6.34. <http://omidarab.blogfa.com/post/7>
- 6.35. <http://www.hafizonlove.com/divan/01/003.htm>
- 6.36. http://www.nurzamon.uz/article_view.php?id=53
- 6.37. <http://www.victorianweb.org/authors/tennyson/im/50.html>
- 6.38. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/509>
- 6.39. <https://idioms.thefreedictionary.com/heart+bleeds>
- 6.40. [https://idioms.thefreedictionary.com/make+\(one%27s\)+fortune\(s\)](https://idioms.thefreedictionary.com/make+(one%27s)+fortune(s))
- 6.41. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mozandaron>
- 6.42. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Mozandaron>
- 6.43. <https://www.goodreads.com/quotes/467968-you-have-brains-in-your-head-you-have-feet-in>
- 6.44. <https://www.poemhunter.com/poem/a-poem-with-the-perfect-rhyme/>
- 6.45. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43289/easter-1916>
- 6.46. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43687/the-tyger>
- 6.47. <https://www.poetryfoundation.org/poems/43827/the-destruction-of-sennacherib>

- 6.48. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45087/sonnet-18-shall-i-compare-thee-to-a-summers-day>
- 6.49. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45088/sonnet-19-devouring-time-blunt-thou-the-lions-paws>
- 6.50. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45364/the-lotos-eaters>
- 6.51. <https://www.poetryfoundation.org/poems/45521/i-wandered-lonely-as-a-cloud>
- 6.52. <https://www.poetryfoundation.org/poems/47652/because-i-could-not-stop-for-death-479>
- 6.53. <https://www.poetryfoundation.org/poems/48860/the-raven>
- 6.54. <https://www.thefreedictionary.com/be+tempted>
- 6.55. <https://www.zahuri.net/persianpages05.html>
- 6.56. http://famouspoetsandpoems.com/poets/philip_larkin/poems/14525